

MUNDARIJA
СОДЕРЖАНИЕ
CONTENT

КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ

Бабаев З.К. Получение цветного стекла для бытъевой посуды на основе Янгиарыкского кварцевого песка.....	2
--	---

БИОЛОГИЯ

Қутлиев Ж., Ўринова А., Сапаева Ф., Шарифов М. Тұымүйин сув омбори сувларининг ёз фаслидаги микробиологик ҳолати	6
---	---

КИШЛОҚ ХҮЖАЛИГИ

Кадиров Ш.Ю., Хамраев Н.У. Зимостойкость озимой пшеницы в условиях Хорезмской области	9
Машарипов И., Хамраев Н., Салаев Э. Продуктивность и урожайность сортов озимой пшеницы в условиях Хорезмской области	11
Абдурахимов У., Собиров Р., Муродов Б., Явқачев Д. Хоразм вилоятида доривор қашқарбеда агротехникаси	13
Собиров Р., Абдурахимов У., Явқачев Д. Доривор мойчечак – Chamomilla Recutita (L.) ўсимлигини етишириш агротехникаси	16

ТАРИХ

Абдурасулов А., Отаниёзова Р. Маъмун минораси	19
Сапарбоев Б. Муҳаммад Раҳимхон I томонидан Тўрамурод Сўфи мухолифатчилигининг бартараф этилиши (“Фирдавс ул-иқбол” асари асосида)	20
Тиллабоев С.Б. Туркистон ўлкасида бошқарув тизими: тадқиқот, таҳлил ва хуносалар	26

ИҚТИСОД

Салаев С.К., Гулманов М.А. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик кооперация алоқаларининг микро-иктисодий жиҳатлари	31
---	----

СОЦИЛОГИЯ

Ахмедов Т. Ёшлар ўртасида маънавий тарғибот жараённида ихтисослашган телеканалларнинг ўрни	35
---	----

ФИЛОЛОГИЯ

Чупанов А.А. Обозначение времени в посольских книгах по связям России с Хивой XVII в.	39
Исмоилов О. Ҳикмат боғи, тафаккур чамани	41

ГЕОГРАФИЯ

Юсупов Ш.Н., Мадаминов Р.Р. Сугориладиган ерларда ер ости сувлари минерализациясининг фазовий ўзгаришларга таъсир факторларини таҳлил қилишда географик регрессия моделидан фойдаланиш	44
---	----

ЮРИДИК ФАНЛАР

Қўчқоров Б. Парламент назорати: моҳияти ва хукукий асослари	48
--	----

ТИББИЁТ

Кучкарова М.Р., Хакназарова Г.Ш., Мирзакаримова М.А., Дусчанов Б.И. Результаты обследования индивидуальных домов типового проектирования в Хорезмской области	52
--	----

САНЪАТШУНОСЛИК

Абдуллаев М.С., Матчонова М. Хоразм амалий санъатининг айрим ўзига хос жиҳатлари	55
---	----

АРХИТЕКТУРА

Дурдиева Г., Курбонов Б. Хоразм пахса девор меъморий ёдгорликларининг қурилиш материалларини “нейтрон активацион таҳлил” услуби билан тадқиқ қилиш	58
---	----

КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ

ПОЛУЧЕНИЕ ЦВЕТНОГО СТЕКЛА ДЛЯ БЫТЬЕВОЙ ПОСУДЫ НА ОСНОВЕ ЯНГИАРЫКСКОГО КВАРЦЕВОГО ПЕСКА

**доц. Бабаев З.К. – Хорезмская академия
Маъмуна**

Основными направлениями интенсификации стекольного производства являются повышение качества сырья и шихты, тепловая и технологическая эффективность стекловаренных печей, механизация и автоматизация всех стадий технологического процесса.

Уровень развития сырьевой базы Республики Узбекистан в настоящее время не соответствует современным требованиям. Качество кварцевых песков многих месторождений Узбекистана, поставляемых заводам, не отвечает требованиям ГОСТов, предъявляемым к кварцевому сырью. Разработанные технологии обогащения практически не внедряются на обогатительных комбинатах. Использование в стекловарении кварцевых песков с повышенным содержанием красящих оксидов не стабильных по химическому и гранулометрическому составам, приводит к снижению качества продукции и улучшению расхода топлива.

В связи с этим актуальным является замена привозных компонентов стекольной шихты минеральными сырьевыми ресурсами Узбекистана, а также использование отходов промышленности, которые по своему составу и свойствам близки природному сырью. Использование местного минерального сырья и промышленных техногенных отходов даёт возможность расширения сырьевой базы стекольной промышленности, разработки составов с улучшенными эксплуатационными свойствами и снижение, как удельного расхода

топлива, так и себестоимости готовой продукции. В этой связи показатели качества, характеризующие внешний товарный вид, приобретают одно из первостепенных значений. К таким показателям можно отнести колер стекла, количественная оценка которого характеризуется светопропусканием и доминирующей длиной волны в видимой части спектра. Эти показатели напрямую зависят от содержания в стёклах красящих примесей и малых добавок, вносимых в составы шихт сырьевыми материалами.

Целью данной работы является разработка составов стекол для получения сортовой посуды на базе кварцевых песков Янгиарыкского месторождения.

Как известно, к бытовым изделиям из стекла предъявляются достаточно высокие требования. Основными из них являются термостойкость, химическая устойчивость и хороший «внешний вид» (прозрачность, блеск). Термостойкость бытовой посуды, т.е. сопротивление резким изменениям температуры, должны быть высокой, особенно это относится к чайным стаканам, изделия должны быть химически устойчивыми, не подвергаться разъеданию под действием 3%-ной уксусной кислоты, 1%-ного раствора соды и воздействия горячей воды. Стекло, из которого изготовлены изделия, должно быть высоко прозрачным, обладать блестящей полированной поверхностью и быть либо совершенно бесцветным, либо окрашенным в какой-то цвет чистого оттенка [1].

Янгиарыкское месторождение кварцевого песка расположено в Хорезмской области в 10 км к северо-западу от центра Янгиарыкского района.

Для исследования вещественного состава были отобраны серии проб, представляющие различные горизонты. Всего отобрано 20 проб, характеризующих различные участки месторождения. Каждая проба является средней, она составлена из 5-6 единичных проб массой

5-10 кг, отобранных по поперечному сечению карты. Материал единичных проб усреднялся перемешиванием и делился квартованием до получения средней пробы.

Проведены минералогические, химические, гранулометрические анализы проб и оценка окатанности песчаных зерен. Осмотр под микроскопом песка показал, что это, в основном, мелкозернистый кварцевый материал, в котором зерна бесцветного прозрачного кварца имеют угловатую и угловато-окатанную форму. Важной характеристикой песка является его зерновой состав. Средний гранулометрический состав кварцевого песка, полученный методами сухого и мокрого ситового анализа приведен в табл.1.

Анализ полученных результатов свидетельствует об уменьшении выхода классов 0,3-0,2 мм и увеличение выхода более мелкого материала при мокром ситовом анализе. Причиной перераспределения материала внутри классов крупности является частичное разрушение агрегатов кварцевого песка, что показывает наличие глинистых агрегатов в кварцевом песке.

Химический состав необогащенных песков следующий (масс. %):

SiO_2 -84,4; TiO_2 -0,08; Al_2O_3 -2,5 ; F_2O_3 -1,46 ; CaO -2,5 ; MgO -1,1; K_2O -1,9; Na_2O -1,7; п. п. -0,92.

Данные рентгенографического анализа, приведенные на рис.6 свидетельствуют, что значения межплоскостных расстояний: 0,426; 0,370; 0,335; 0,320; 0,245; 0,225; 0,213; 0,181; 0,167; 0,154 нм характеризуют наличие α -кварца в Янгиарыкском кварцевом песке [2].

Без обогащения кварцевый песок может быть использован при производстве бутылочного стекла. Были рассмотрены варианты обогащения кварцевого песка по методикам, предложенным сотрудниками института минеральных ресурсов Государственного комитета по геологии и минеральным ресурсам Республики Узбекистан Ильганаевым В.В., Исматовым А.А. [3].

После обогащения песок имеет химический состав (масс. %):

SiO_2 - 97,32; Al_2O_3 - 0,27 ; Fe_2O_3 - 0,05; CaO - 0,20; MgO - 0,22; Na_2O - 0,3; K_2O - 0,90; п. п. - 0,76.

Для решения поставленной задачи в качестве исходных сырьевых материалов использованы кварцевый песок Янгиарыкского месторождения, доломит Дехканободского месторождения, известняк месторождения Джимуртау, сода, поташ и борная кислота. Химический состав используемых материалов приведены в табл.2.

Гранулометрический состав Янгиарыкского кварцевого песка

Классы, мм	Содержание, %	
	Сухой просев	Мокрый просев
0,85 +0,60	2,0	3,0
-0,60 + 0,40	8,5	7,5
-0,40 + 0,30	5,0	4,0
-0,30 + 0,20	21,0	15,0
-0,20 + 0,16	49,0	50,0
-0,16 + 0,10	13,5	19,5
-0,10	1,0	2,0

Таблица 1

Таблица 2

Химический состав некоторых использованных основных сырьевых материалов

№	Сырьевые материалы	Компоненты, в масс.%							
		SiO ₂	Al ₂ O ₃	Fe ₂ O ₃	CaO	MgO	K ₂ O	Na ₂ O	П.п.п.
1.	Обогащенный кварцевый песок Янгиарыкского месторождения	97,32	0,27	0,03	0,20	0,22	0,90	0,30	0,76
2.	Известняк (Джимуртау)	1,44	0,32	0,08	55,48	0,56	-	-	42,12
3.	Доломит (Дехканобод)	0,20	0,08	0,06	32,90	20,58	-	-	46,18

Таблица 3

Некоторые физико-химические показатели опытных образцов

№	Показатели	TC[1]	Опытные составы			
			C-1	C-2	C-3	C-4
1	Показатель плотности*, кг/м ³	2495	2494 2487	2468 2421	2493 2452	2485 2459
2	Расход 0,01Н р-ра HCl на 1 г стекла	0,45	0,36	0,40	0,58	0,54
3	Класс водостойкости	III	III	III	III	III
4	ТКЛР, $\infty \cdot 10^{-7}$ °C ⁻¹	98,50	98,37	97,64	98,70	98,26
5	Термостойкость, число теплосмен	120	119	120	122	122

*-в числителе приведены расчетные значения, а в знаменателе экспериментальные

Подготовка сырьевых материалов осуществлялось по традиционной методике общепринятой в стекольных лабораториях. Взвешивание сырьевых материалов проводили на аналитических весах. Варку стекол проводили в корундизовых тиглях емкостью 100 мл в электрических печах с силлитовыми нагревателями в атмосфере воздуха при температуре 1400-1450°C с выдержкой при максимальной температуре 40-60 мин. Готовые стекла отливали на стальные пластины и отжигали при 600-700°C по заданному режиму в течение 1 часа. Отожженные стекла использованы для дальнейшего определения физико-химических и механических показателей. Используя физико-химические методы

исследования стекол, нами были исследованы некоторые показатели образцов, результаты которого приведены в табл.3.

Таким образом, на основе проведенных исследований можно предполагать, что обогащенный Янгиарыкский кварцевый песок служить основой для получения цветных стекол для сортовой посуды.

Литература:

- Справочник по производству стекла. Т.1. Под ред. И.И.Китай-городского, С. И. Силвестровича - М.: "Госиздат", 1963-462 с.

2. Михеев В.И. Рентгенографический определитель минералов – М.: “Госгеологиздат”, 1957-868 с.
3. Ильганаев В.Б., Исматов А.А. Об обогатимости кварцевых песков Джеройского месторождения // Доклады Академии наук Узбекистана. – 1979, -№8 -C.49-51.

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада бойитилган Янгиарик кварц құмлардан шиша асосидаги үйрүзгор буюмлари олишга оид тадқиқотлар натижалари келтирилиб, олинган тажриба намуналарининг таҳлили анъанавий таркиблар хоссаларига яқинлигини күрсатиши қайд қилинган.

RESUME

This article includes the results of researches about producing glass houseware with the concentrated Yangiariq quartz sand and the similarity of the analysis of the experimental samples with the properties of traditional structure is pointed out.

БИОЛОГИЯ

УЎТ 576.851.628.26

ТУЯМЎЙИН СУВ ОМБОРИ СУВЛАРИНИНГ ЁЗ ФАСЛИДАГИ МИКРОБИОЛОГИК ҲОЛАТИ

Қутлиев Ж., Ўринова А.А.,
Сапаева Ф.Р., Шарифов М.Р. - Хоразм
Маъмун академияси

Ўзбекистондаги экологик вазият ва табиатни муҳофаза қилишга қаратилган тадбирлар нафақат табиий ресурслардан оқилона фойдаланишни, балки атроф-муҳитни муҳофаза қилиш каби долзарб илмий муаммоларни ҳал қилиш, сув ҳавзалари тозалигини таъминлайдиган самарали усулларни ишлаб чиқишни тақозо этади.

Кейинги йилларда экология масаласи жаҳон жамоатчилигининг, давлат арбоблари ва турли соҳада иш олиб бораётган олимларнинг дикқат эътиборини ўзига жалб этмоқда. Бу табиий, албатта. Чунки, фан-техника тараққиёти туфайли инсонларнинг табиатга бўлган таъсир доираси кенгайиб бормоқда. Табиатни ўзлаштириш, унинг бойликларидан оқилона фойдаланиш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, сув ҳавзалари тозалигини таъминлаш ва саноат корхоналари чикинди оқова сувларини тозалаш каби долзарб экологик муаммолар олимларга янги-янги кашфиётлар яратиш имконини туғдиради ва илм-фан ютуқларини амалиётда кўллашни талаб этади.

Сув ҳавзалари микроорганизмлар кўплаб ривожланадиган табиий муҳит хисобланади. Микроорганизмлар бу муҳитга тик тушадиган қўёш нурининг ҳалокатли таъсирига учрасада, сувда муаллақ заррачалар борлиги туфайли ёруғликнинг бактерицидлик таъсири жуда камайиб кетади ва ёруғлик микроорганизмларнинг зўр бериб ривожланишига тўсқинлик қиласди.

Микроорганизмларнинг сувда нечоғли кўп ривожланишини белгилаб берадиган асосий омил сувда озиқ моддаларнинг борлигидир. Сув ҳавзалари органик қолдиқлар билан қанча кўп ифлосланган бўлса, ўша муҳитда микроорганизмлар шунча кўп ривожланади (1).

Бактерияларнинг сув ҳавзаларида тарқалиши йил фаслларига қараб ўзгариб туради. Бактериялар сони энг кўп бўладиган вақт одатда май, июнь ва июль ойларига тўғри келади, лекин сувдаги органик моддалар миқдори бу ойларда ҳам максимал даражага етмайди. Сув ҳавзаси тубида ҳамда ерда бактериялар жуда кўп учрайди. Бактериялар сони 1 г нам балчиқда ҳатто 200-400 млн. га етади. Бактерияларнинг сув ҳавзаларида ва балчиқда тарқалишида юқорида айтилган қонуниятлар мавжудлиги туфайли балчиқнинг энг устки қатламида бактериялар жуда кўп миқдорда бўлишини айтиб ўтиш керак (2).

Материал ва тадқиқот усуллари. Туямўйин сув омбори сувлари ва уларда кечадиган микробиологик жараёнларни ўрганиш мақсадида олиб борган тадқиқотларимизнинг асосий обьекти Туямўйин сув омбори хисобланади.

Туямўйин сув омборининг марказий Амударё пастки верф қисмидан ва Султонсанжар пастки ва юқори қирғоқ қисми сувларидан намуналар олинди, улар таркибидағи микроорганизмларнинг миқдори ҳамда сифат кўрсаткичлари ўрганилди.

Микроорганизмларнинг сон ва сифат даражасини аниқлаш мақсадида Туямўйин сув омбори сувларидан стерилланган идишларга юқори горизонтдан (10-15 см) сув намуналари олинди. Сув омбори сувларидан намуналар олиш жараёнида ҳаво ва сув ҳарорати, унинг тиниқлик даражаси ва муҳит pH каби асосий экологик омилларга алоҳида эътибор қаратилди.

Сув таркибидағи сапрофит бактерияларнинг умумий сонини аниқлашда олинган сув намуналарини бир неча марта суюлтириб балиқ пептонли ва гўшт пептонли агарда ҳамда суюқ электив

мухитда экиш усулидан фойдаланилди. Экилган микроорганизмлар 28°C ҳароратда термостатда 48 соат, ичак таёқчалари бактериялари эса 37°C ҳароратда 24 соат мобайнида ўстирилди. Микроорганизмларнинг сон ва сифат таркибини аниқлашда микробиологияда кабул қилинган классик усуллардан фойдаланилди (3).

Тадқиқотлар ва уларнинг муҳокамиси. Аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш муҳим аҳамиятга эга. Ичимлик суви маҳсус давлат стандарти талабларига жавоб бериши ва соғлиқни сақлаш муассасаларининг доимий дикқат марказида бўлиши керак. Давлат стандарти сув манбалари ва бош сув олиш иншоотларининг санитария ҳолатини доимо назорат қилишни талаб этиши лозим.

2012 йилнинг август ойида олиб борилган кузатишларга кўра, Туямўйин сув омборининг Султон Санжар ва Амударё чиқишидан олинган сув намуналарининг микробиологик кўрсаткичлари бошқа станцияларга нисбатан солиширилганда, анча тоза эканлиги маълум бўлди. Бунга биринчи навбатда август ойида сув ҳароратининг бошқа йил фаслларига нисбатан юкори бўлганлиги (апрель $15-22^{\circ}\text{C}$, август $28-31^{\circ}\text{C}$) сабабли ўз-ўзидан тозаланиш

жараёнининг тезлашганлигидир. Айниқса, ичак таёқчалари гурухи бактериаларининг сув таркибида учрамаганлиги бунинг яққол далили ҳисобланади. Бундан ташқари, Туямўйин сув омборининг Амударё кириш қисми, Капарас, Ўзан ва Катта канал станцияларидан олинган сув намуналарида сапрофит бактерияларнинг сони анча юкори бўлганлиги аниқланди, бу эса сувга тушадиган органик моддалар миқдори кўплигидан дарак беради. Чунки, сапрофит бактериялар органик моддаларга нисбатан индикатор ҳисобланади.

Ёз фаслида ўтказилган тадқиқот ишларида сувда сапрофит бактерияларнинг сони $8,9 \times 10$ ҳуж\мл дан $21,0 \times 10^2$ ҳуж\мл гача кўтарилиши аниқланди. Бундан ташқари, шу сувларда ичак таёқчалари гурухига кирувчи бактерияларнинг сони эса 1 мл сувда 0 ҳуж\мл дан $0,2 \times 10$ ҳуж\мл гача бўлишини кўрсатди.

Туямўйин сув омборининг Амударё кириш қисми, Султон Санжар, Капарас, Амударё чиқиши қисми ва Катта канал бўлимларидан олинган сув намуналарининг микробиологик таҳлиллари ўтказилди ва улар асосида олинган маълумотлар 1-жадвалда батафсил келтирилган.

1- жадвал


Туямўйин сув омборида учрайдиган микроорганизмларнинг миқдори (август, 2012 й)

№	Сув намунаси олинган жой	Сувдаги бактериялар миқдори (ҳуж\мл)		Сувнинг ҳарорати (t°)	Сувнинг pH
		Сапрофитлар	Ичак бактериялари		
1	Амударё кириш қисми	$21,0 \times 10^2$	$0,9 \times 10$	30,0	7,5
2	Султон Санжар	$63,0 \times 10$	0	28,0	7,0
3	Капарас	$0,5 \times 10^2$	$1,4 \times 10$	31,0	7,5
4	Ўзан	$8,2 \times 10^2$	$1,5 \times 10$	29,0	7,0
5	Амударё чиқиши қисми	$8,9 \times 10$	0	30,0	7,0
6	Катта канал	$6,9 \times 10^2$	$0,9 \times 10$	28,0	7,0

Тадқиқот натижаларидан кўриниб турибдики, микроорганизмларнинг сони йил бўйи ва йил фаслларига қараб бир хил бўлмас экан, яъни микроорганизмларнинг сони бошқа фаслларга нисбатан айниқса, ёз ва куз фаслларида энг кўп микдорда бўлади (1,2 -расмлар).


1-расм

Туямуйин сув омбори сув ҳавзаларидан ажратиб олинган сапрофит бактериялар



2- расм

Туямуйин сув омбори сув ҳавзаларидан ажратиб олинган ичак таёқчалари бактериялари



Туямуйин сув омбори сув ҳавзаларида ўз-ўзидан тозаланиш жараёнларида сапрофит бактериялардан ташқари Protozoalar ҳам фаол қатнашади. Буларга *Paramecium caudatum*, *Colpidium colpoda*

ва бошқа инфузория туркумига кирувчи содда ҳайвонлар киради.

Адабиётлар:

1. Кутлиев Ж. Оқова сувларни тозалашда биологик ҳовузларнинг хизмати. – Тошкент: “Фан”, 1989, 37 б.
2. Кутлиев Ж., Мавлянова М.И., Уринова А.А. Изучение роли индикаторных форм микроорганизмов, определяющих качество воды Чарвакского водохранилища.// Республикаанская научно-практическая конференция. - Ташкент, 2006, с.137.
3. Практикум по микробиологии. Учеб. пособие для студ. высших учебных заведений. (Под. ред. А.И.Нетрусова). - М. Изд. центр “Академия”, 2005. с.608.

РЕЗЮМЕ

Эта статья включает в себе информации о микробиологической состоянии вод Туямуюнского водохранилища в летнем сезоне, а также количественных и качественных показателей микроорганизмов.

RESUME

This article includes information about microbiological conditions of water in Tuyamuyun water reservoir, as well as, quality and quantity indicators of microorganisms in summer season.

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ

УДК 633. 11+332

ЗИМОСТОЙКОСТЬ ОЗИМОЙ ПШЕНИЦЫ В УСЛОВИЯХ ХОРЕЗМСКОЙ ОБЛАСТИ

**Кадиров Ш.Ю., Хамраев Н.У. –
Хорезмская академия Маъмуна**

В увеличении производства зерна в нашей республике огромную роль играют озимые зерновые культуры, которые обеспечивают значительный удельный вес в зерновом балансе. Большое их значение объясняется тем, что озимые культуры лучше яровых используют биоклиматический потенциал зоны, осенне-зимние запасы влаги, в меньшей степени подвергаются воздействия засухи и суховеев, созревают на 10-15 дней раньше, обеспечивают более устойчивое производство зерна.

Основными факторами, лимитирующими получение высокого урожая зерна озимых культур, являются неблагоприятные условия перезимовки. Так, например, гибель посевов озимой пшеницы, главной продовольственной зерновой культуры, в течение зимнего периода в отдельные годы может составлять до 50 % [1].

В зимний и ранневесенний период на растения озимой пшеницы действуют различные неблагоприятные факторы внешней среды, включая низкие отрицательные температуры и резкие их колебания, механические воздействия на растения и другие факторы. В тоже время, изучение изменчивости сортов озимой пшеницы по зимостойкости и использование полученных результатов в практике может позволить стабилизировать получение высоких урожаев зерна в неблагоприятные по перезимовке годы.

Высокая зимостойкость – один из главных факторов, гарантирующий производство зерна озимой пшеницы в условиях северных районов Узбекистана.

Под зимостойкостью в целом следует понимать способность растений переносить неблагоприятные условия зимнего и ранневесеннего периодов. Способность же растений противостоять длительному воздействию низких температур в зимний период называется морозостойкостью. Для озимой пшеницы зимостойкость и морозостойкость являются одним из важнейших биологических свойств [2].

Для условий северных районов нашей республики максимальный интерес представляют отечественные сорта. Важно также учитывать способность сортов к регенерации, так как посевы часто повреждаются в процессе перезимовки. В отношении этого показателя существуют резкие сортовые различия. В условиях Хорезмской области этот показатель имеет важное значение для озимой пшеницы, поскольку в суровые зимы ее посевы значительно изреживаются, и от способности куститься растений весной формируется разный урожай зерна.

Опыты по изучению зимостойкости новых перспективных сортов озимой пшеницы, созданные НИИ «Зерновые и бобовые растения на орошаемых полях» проводилась на экспериментальной базе Хорезмской академии Маъмуна.

Почвы аллювиально-луговые. Они составляют 14,2% всех посевных площадей области, занимают земли в низовьях Амударьи. Они формировались в условиях современной дельты. Грунтовые воды минерализованы, залегают на глубине 1–3 м. По агрохимическим свойствам почвы характеризуются повсеместной карбонатностью, слабой оструктуренностью, малым содержанием гумуса и сильной склонностью к засолению. Почвы в основном среднезасоленные, хлоридно-сульфатного типа.

На опытных полях Хорезмской академии Маъмуна посевы и изучены ценные хозяйствственные признаки, а также, морфо – физиологические свойства перспективных сортов озимой пшеницы,

таких как Яксарт, Туркестан, Дустлик, Омад, Аср, Ёнбош, Матонат, которые выведены в местных условиях. В качестве контроля был посев сорт Краснодарская – 99, который занимает наибольшие площади в Хорезме.

Как показали опыты из местных сортов озимой пшеницы высокой зимостойкостью в условиях Хорезмской области характеризуются сорта Яксарт и Дустлик. Слабый показатель зимостойкости были у сортов Омад и

Матонат. Контрольный сорт Краснодарская - 99 сочетает хорошую зимостойкость (98,6 %) и высокую продуктивность (табл. 1).

Таким образом, можно сделать вывод о том, что среди озимых пшениц местной селекции имеются сорта с высокой зимостойкостью, приспособленные к неблагоприятным условиям перезимовки в условиях северных районов нашей республики.

Таблица 1

**Зимостойкость озимой пшеницы в условиях Хорезмской области
(2012-2013 гг.)**

Сорт	Зимостойкость, %		
	2012 г.	2013 г.	Средняя
Краснодарская - 99	98,6	98,3	98,5
Дустлик	90,2	90,4	90,3
Туркестан	87,7	88,1	87,9
Аср	86,3	87,5	86,9
Омад	72,0	45,2	58,6
Матонат	70,0	48,6	59,3
Яксарт	95,1	96,0	95,5
Ёнбош	78,6	77,9	78,3

Литература:

1. Абдурахимов У. К., Кадиров Ш.Ю. Урожайность новых перспективных сортов озимой пшеницы на засоленных почвенно-климатических условиях Хорезмского оазиса //Материалы международной виртуальной интернет конференции «Современные тенденции в сельском хозяйстве». 15-17 октября 2012 г. Россия, Санкт-Петербург.
2. Зезюкова Т.П. и др. Селекция пшеницы на зимостойкость в условиях лесостепи ЦЧР //Биологические основы и методы селекции и семеноводства сельскохозяйственных культур. Сборник научных трудов. Воронеж, 2006 г., с.60

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада Хоразм вилоятининг шўрланган тупроқ-иқлим шароитида етиштирилаётган маҳаллий шароитларда яратилган кузги буғдой навларининг қишига чидамлилик хусусиятлари ҳакида сўз юритилган.

RESUME

In given clause are given the item of information winter hardness of a winter wheat which brought up on degraded lands, salted soil-climatic conditions of the Khorezm region.

УДК 631.527:633.11

ПРОДУКТИВНОСТЬ И УРОЖАЙНОСТЬ СОРТОВ ОЗИМОЙ ПШЕНИЦЫ В УСЛОВИЯХ ХОРЕЗМСКОЙ ОБЛАСТИ

**Машарипов И.Г., Хамраев Н.У.,
Салаев Э.А. - Хорезмская академия
Маъмуна**

Одним из главных направлений повышения урожайности озимой пшеницы является создание и внедрение в производство новых высокопродуктивных сортов, обладающих высокой зимостойкостью и устойчивостью к болезням и вредителям, ценных по качеству зерна и хорошо использующих высокий агрофон. Академик Вавилов Н.И. отмечал, что сорт, выводимый селекционером, должен одновременно удовлетворять и земледельца и мукомола и пекаря, то есть иметь в себе комплекс ценных свойств [3].

Для сельскохозяйственного производства важно иметь сорта озимой пшеницы разной скороспелости. Объясняется это тем, что Хорезмский оазис является зоной недостаточного увлажнения и в отдельные годы в период формирования зерна наступает засуха. Это приводит к образованию щуплого легкого зерна и снижению урожайности. Более скороспелые сорта, как правило, успевают сформировать зерно до наступления засухи и обеспечить хорошую урожайность даже в засушливые годы. Кроме того, за счет разной скороспелости возделываемых сортов в производстве можно сократить период уборки и иметь меньше потерь урожая от перестоя на корню. Поэтому оценка изучаемых образцов по скороспелости – важный момент, который определяет характеристики будущих сортов[4].

Продуктивность является главным критерием любой культуры, в том числе и озимой пшеницы. Несмотря на достигнутый высокий уровень

потенциальной продуктивности современных сортов озимой пшеницы, ее можно значительно повысить за счет разработки новых и совершенствования уже существующих агротехнических методов возделывания [2].

Результаты исследований показали, что по продуктивности исследуемые сорта имеют большие различия, так самой высокой продуктивностью обладают сорта Краснодарская-99 и Яксарт (табл. 1).

Важным показателем является длина главного колоса. По этой характеристике сорта Краснодарская-99, Аср и Яксарт имеют лучшие результаты (9,1 см).

А самая короткая длина колоса наблюдалась у сорта Матонат и составила всего 7,6 см, что на 1,5 см меньше чем у сортов Краснодарская-99, Аср и Яксарт. Такая же закономерность наблюдается при подсчете количества зерен в колосе.

А вот при определении массу 1000 зерен самый высокий результат показал сорт Аср (43,3 г), что на 3,5 г выше чем у контрольного сорта.

Из приведенных данных (табл. 2) видно, что по урожаю зерна выделенный в местных условиях сорт озимой пшеницы Яксарт превысил стандартный сорт озимой пшеницы Краснодарская - 99 (на 7,4 ц/га).

Значительно уступили по урожаю зерна стандарту местные сорта озимой пшеницы Аср, Туркестан и Дустлик. Однако эти сорта обладают исключительно высокой зимостойкостью и представляют большую ценность при возделывании озимой пшеницы на данный признак на деградированных, засоленных почвенно-климатических условиях Хорезмской области, как доноры высокой зимостойкости.

В заключении можно сделать выводы о том, что в условиях аллювиально-луговых почв Хорезмской области, выделившиеся по высокой продуктивности и урожайности, районированные в местных условиях сорта озимой пшеницы Аср, Туркестан и Дустлик

представляют большую практическую ценность как источники высокой продуктивности.

Таблица 1

Характеристика сортов озимой пшеницы по элементам продуктивности

Сорт	Продуктивная кустистость, шт/м ²	Главный колос		Масса зерна с колоса, г	Масса 1000 зерен, г
		Длина, см	Число зерен в колосе, шт.		
Краснодарская - 99	3,5	9,1	40	1,20	39,8
Дустлик	2,9	8,8	38	1,19	39,8
Туркестан	3,1	8,9	39	1,17	38,7
Аср	3,3	9,1	40	1,25	43,3
Омад	2,5	7,9	36	1,12	34,2
Матонат	2,4	7,6	36	1,13	32,8
Яксарт	3,6	9,1	40	1,22	38,6
Ёнбош	2,6	8,0	38	1,18	39,0

Таблица 2

Характеристика сортов озимой пшеницы по урожаю зерна

Сорт	Урожай зерна, ц/га	
	2012 г.	2013 г.
Краснодарская - 99	71,4	86,6
Дустлик	59,3	61,4
Туркестан	67,4	69,7
Аср	68,7	71,6
Омад	31,3	24,1
Матонат	32,4	22,5
Яксарт	62,5	94,0
Ёнбош	45,1	56,2

Литература:

- Доспехов Б.А. Методика полевого опыта. – М: «Колос». 1985. с. 317-319.
- Келдиёрова Х.Х., Ходжаев Д.Х. Урожайность и качество зерна перспективных сортов пшеницы в условиях Зарафшанской долины // журн. «Зерновое хозяйство». – М., №5, 2003. с.16-17.
- Ториков В.Е., Прудников А.П., Мельникова О.В. Каничева В.И. Парачев В.П. Урожайность и качество зерна яровой пшеницы в зависимости от удобрений и норм высеяния семян. // журн. “Зерновое хозяйство”, - М., 2003, №8, с.
- Witt H. zurfrage der aussaatgeit bei Winterwaizen falel wiptschoft. 2005, 21: 425-427.

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада Хоразм вилоятининг шўрланган тупроқ-иклим шароитида етиштирилаётган маҳаллий шароитларда яратилган кузги буғдой навларининг маҳсулдорлиги ва ҳосилдорлиги ҳақида сўз юритилган.

RESUME

In the given article the information are given the information on efficiency and productivity of winter wheat which cultivated on degraded, saline soil-climatic conditions of the Khorezm region.

УЎТ 633.1: 615.32:582.738**ХОРАЗМ ВИЛОЯТИДА ДОРИВОР
ҚАШҚАРБЕДА АГРОТЕХНИКАСИ**

**Абдураҳимов У., Собиров Р.,
Муродов Б. - Хоразм Маъмун
академияси, Явқачев Д. – УрДУ
қошидаги 1-сон академик лицей**

Маълумки, Хоразм воҳаси қадим замонлардан сунъий суғоришга асосланган дехқончилик маданиятига эга бўлиб, иқлими кескин ўзгарувчан ва ўта бекарор. Воҳанинг барча ерлари турли даражада шўрланган, ёғингарчилик камлиги ва кундуз кунлари ҳаво нисбий намлигининг пастлиги сабабли шифобахш ўсимликларнинг баъзи турларини фақат сунъий суғориш йўли билан етишириш мумкин.

Кейинги йилларда Амударёning қуи оқимиидаги ботқоқларнинг куриши, тўқай майдонлари ва қумли ерлар ўзлаштирилиши туфайли доривор ўсимликлар ноқулай шароитга тушиб қолди ва уларнинг турлари камайиб кетишига, баъзиларининг бутунлай йўқолиб кетишига олиб келди. Айниқса, бу ўлкага хос эгир, нуфар, ошиқўт, черкез, еймон, исириқ, ёввойи анор ва бошқа доривор ўсимликлар деярли йўқолиб бормоқда.

Республикамизда ёввойи ҳолда ўсадиган ўсимликларнинг 20–30 фоизидангина дори-дармон учун хом-ашё йигиб олинади, бу эса республика эҳтиёжини таъминлаш учун етарли эмас. Шунинг учун доривор ўсимликларни маданий ҳолда экиб ўстириш, доривор ўсимликлар дехқончилигини ривожлантириш, ҳалқ соғлиғини сақлаш, тиббиёт ва озиқ – овқат саноатини доривор ўсимликлар хом-ашёси билан изчил таъминлаш бугунги куннинг долзарб муаммоларидан саналади.

Иқлими кескин континентал ва тупроғи турли даражада шўрланган шароитларда Хоразм воҳасида ўсмайдиган доривор ўсимликларни бошқа жойлардан келтириб экиш ва шу тупроқ-иқлим шароитларига қўникириш ҳам

муҳим масала ҳисобланади, чунки касалликларни даволашда ишлатида-диган доривор гиёҳлар хом-ашё базасини яратмасдан туриб кўзланган натижага эришиб бўлмайди. Бошқа вилоятлардан гулхайри, мармарак, арслонқуйруқ, мойчечак, тирноқгул, ялпиз, сано каби нодир ўсимликлар уруғини келтириб экиш ва шароитга мослаштириш, уларга хос агротехнологиялар ишлаб чиқиш зарур. Шу билан бирга аҳолига дори-дармон билан ёрдам бериш борасидаги дастурий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни ҳал этишда Республика соғлиқни сақлаш тармоқларини доривор ўсимликлар хом-ашёси ва ўсимликларга мансуб дори-дармонлар билан таъминлаш, шунингдек, тиббиётда қўлланиладиган доривор ўсимликлар арсеналини кенгайтириш катта аҳамиятга эга. Фармакологик фаол бирикмаларга эга бўлган доривор ўсимлик хом-ашёларини текшириш ва ҳар томонлама синаш ҳозирги кундаги фармациянинг муаммоларидан бири ҳисобланади.

Шу боисдан *Хоразм Маъмун академияси тасарруфида* Ф5-ФА-0-32013 шифрли “Хоразм тупроқ-иқлим шароитларида доривор ўсимликларни ўстириш технологиясининг илмий асосларини ишлаб чиқиш” мавзуси бўйича фундаментал илмий лойиҳа фаолият кўрсатмоқда. Илмий лойиҳанинг иш режасига мувофиқ Хоразм Маъмун академиясининг “Доривор ўсимликлар боғи” тажриба далаларига маҳаллий ва четдан келтирилган доривор ўсимликларнинг ургулари экилиб, уларнинг ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлиги ўрганилмоқда. Интродуциентларнинг биоэколо-гик хусусиятлари, айрим физиологик жараёнларнинг кўрсаткичлари, мева ва уруғларининг биокимёвий таркиби, шунингдек, уларнинг биологик фаол моддалари ўрганилмоқда.

Хоразм Маъмун академияси “Доривор ўсимликлар боғи” далаларининг тупроқлари эскидан дехқончилик қилиб келинаётган, маданийлашган, ўртача шўрланган, гранулометрик таркибига кўра енгил ва

ўртача қумоқ бўлиб, воҳада кенг тарқалган тупроқлардан ҳисобланади.

Тажриба даласини танлаш ва ўтказиш, тупроқ ва ўсимликларнинг намуналарини олиш ва тайёрлаш, уруғларнинг униб чиқиши, ўсимликларнинг ўсиши ва ривожланиши фазаларини фенологик кузатиш ҳамда ҳосилини йиғишириб олиш ЎзПИТИ (1963, 1977) услублари ва Ўзбекистон ўсимликшу-нослик илмий-тадқиқот институти ҳамда Тошкент Фармацевтика институти “Фармакогно-зия” кафедраси олимларининг тавсиялари асосида амалга оширилди.

Доривор қашқарбеда (сариқбеда) — ***Melilotus Officinalis Descr.*** Дуккақдошлар — ***Fabaceae*** оиласига киради.



Икки йиллик, бўйи 50-100 см га (баъзан 2 м га) етадиган ўт ўсимлик.

Илдизи сершоҳ, ўқ илдиз. Пояси битта ёки бир нечта, қиррали бўлиб, юқори қисми шохланган. Барги уч пластинкали мураккаб барг, пояди банди билан кетмакет ўрнашган. Баргчasi тескари тухумсимон, тухумсимон ёки чўзиқ ланцетсимон, текис қиррали ёки майда аррасимонтишсимон қиррали ва туксиз бўлиб, узунлиги 3 см. Баргда ингичка, текис қиррали кўшимча баргчалар бор. Гуллари майда, сариқ, шингилга тўпланган. Гулкосачаси ярмигача учбурчак ланцетсимон шаклдаги 5 бўлакка қирқилган. Гултожиси капалак-гулдошларга хос тузилган. Оталиги 10 та, шундан биттаси бирлашмаган, қолганлари бирлашган. Оналик тугуни бир хонали, юқорига жойлашган. Меваси — тухумсимон, кўндалангига буришган, кулранг тусли, туксиз, бир уруғли дуккак.

Тиббиётда доривор қашқарбеда билан бир қаторда бўйчан (баланд бўйли) қашқарбеда — ***Melilotus altissimus Thuill*** ва хушбўй қашқарбеда — ***Melilotus suaveolens Ledeb.*** (доривор қашқарбеда ўсган ерларда учрайди) ўсимликлари ҳам ишлатилади.



Етиштириш агротехникаси. Қашқарбеда доривор ўсимликлар дехқончилигида аҳамияти катта. Ўзбекистонда тарқалган барча тупроқларда ўсаверади. Ўсимлик қурғокчиликка, совуққа ва шўрланишга жуда чидамли. Қашқарбеда дуккакли ўсимликлар оиласига мансуб бўлганлиги учун тупрокни биологик азот билан бойитади. Шўрланган тупроқларга экилганда сизот сувларини пасайтиради ва шўрланиш даражасини камайтиради. У асал берувчи ўсимлик ҳам ҳисобланади. Қашқарбеда икки йиллик ўсимлик бўлиб, бўйи 75-200 см га етади. Қашқарбеда озиқ-овқатда ва фармакологияда доривор ўсимлик сифатида фойдаланилади. Унинг гули ва мевасидан хушбўй кумарин моддаси олинади. Ўсимликни экиш учун ерларни кузда 25-28 см чукурликда шудгор қилинади ва 50-60 кг суперфосфат ўғити билан озиқлантирилади. Қашқарбедани кузда ёки эрта баҳорда уруғидан кўпайтирилади. Уни хар хил ўсимликлардан бўшаган ерларда экиш мумкин. Давлат андозаларига сифати бўйича тўғри келадиган уруғлар экилади. Ерларни бороналаб, мола билан текислаб уруғи эрта баҳорда дон экадиган машинада экилади, гектарига 20-25 кг уруғ сарфланади. Экиш чукурлиги 2-3 см дан ошмаслиги керак.

Унинг ўсув даври 85-140 кун давом этади. Баҳорда экилган ўсимлик 5-6 кунда униб чиқади. Шоналаш даврида тез ўсиб, суткалик ўсиши 3-5 см га тўғри келади. Эрта баҳорда ўсиши бошланади. Гуллаш даври 14-15 кун давом этади. Меваси етилганда тўклилади. Қашқарбедага минерал азот кўп ишлатилмайди, чунки ўзи азот тўплайди. Шунинг учун кўпроқ фосфорли ва калийли ўғитлар талаб қилинади. Дастребки ривожланиш даврида унинг фосфорга эҳтиёжи катта. Бу даврда фосфор етарли бўлса, кейинги даврларда ҳам у яхши ривожланади. Калийнинг таъсири фосфорга нисбатан кам бўлади. Шу боис биргаликда кўлланилса яхши натижা беради. Қашқарбеда экилган тупроқларнинг тури, унумдорлиги, механик таркибига қараб вегетация давомида 90-110 кг фосфор ва 50-60 кг калий қўллаш тавсия этилади. Бу ўғитлар органик ўғитларга қўшиб ёки бир қисми экишдан олдин ва биринчи ўримдан кейин берилса унинг ривожланиши тезлашади ва ҳосилдорлиги юқори бўлади. Тупроқ таркибида азот етарли бўлмаса, унинг унумдорлиги паст бўлса, экишдан олдин 40-50 кг азотли ўғит солиш тавсия қилинади. Қашқарбеданинг ўсиши ва ривожланишида микро ўғитлардан (молибден, бор ва марганец) ҳам фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади. Микроўғитлар бошқа минерал ўғитларга ва уругга аралаштирилиб солинади. Қашқарбедани ўғитлаш сугоришдан олдин амалга оширилиши лозим.

Доривор қашқарбеда Хоразм вилояти учун бирмунча янги ўсимликдир. Доривор қашқарбеда тажриба далаларига март ойининг биринчи декадасида экилди ва юқорида кўрсатилган барча агротехник талаблар асосида етиштирилди. Биринчи ўримда ўртacha 164 ц/га, иккинчи ўримда ўртacha 137 ц/га, учинчи ўримда ўртacha 119 ц/га бўлиб, умумий ҳосилдорлик 420 ц/га ни ташкил қилди.

Доривор қашқарбеданинг вегетация даври Хоразм шароитида 115-125 кунга тенг бўлди. Доривор қашқарбедани парвариш қилиш беданикига ўхшайди. У

кўп намни ва иссиқликни талаб қиласи. Шуниям таъкидлаш зарурки, доривор қашқарбеданинг яшил массасида гуллаш ва уруғлари пишиш даврида ароматик моддаларнинг кўп бўлиши натижасида унинг озуқа қиймати бироз пасаяди. Шунингдек, доривор қашқарбедани гуллаш даврида сидерат сифатида ҳам ишлатиш мумкин.

Хулоса сифатида шуни айтиш мумкинки, амалга оширилаётган илмий изланишлар натижасида Хоразм воҳасида мавжуд доривор ўсимликлардан олинадиган ҳосилнинг ҳажмини ошириш ва сифатини яхшилаш, тупроқларнинг унумдорлигини ошириш ва шўрга чидамли маҳаллий ва четдан келтирилган янги доривор ўсимликларни кўнигириш имкониятлари яратилади.

Адабиётлар:

1. Загуменников В.Б., Юсупова Е.И. Влияние условий возделывания на эффективность узкорядных посевов лекарственных культур // Труды 6 конф. Молодых ученых ВНИИ лекарственных растений. - М, 1983.
2. Интродукция нетрадиционных и редких сельскохозяйственных растений. Мат. Всероссийской научно-прак. конф., - Пенза, 1998, 186 с.
3. Мурдахаев Ю. М. Лекарственные культуры в Узбекистане. - Ташкент, 2001.
4. Собиров Р. Хоразм анъанавий табобатида доривор ўсимликларни ўрганиш ва улардан фойдаланиш. - Хива, Хоразм Маъмун академияси ноширлик бўлими. 2011, 160 б.
5. Ўзбекистон Республикаси Хоразм вилоятининг илмий асосланган дехқончилик тизими. - Урганч, 2000.
6. Холматов Х.Х., Ахмедов Ў.А. „Фармакогнозия“, Тошкент, 2007.

РЕЗЮМЕ

В данной статье приведены сведения об агротехнике донника лекарственного – *Melilotus Officinalis Descr.*, выращенные на деградированных, засолённых почвенно-климатических условиях Хорезмской области.

RESUME

In the given clause the information about agrotechnology of cultivation of tributary medical – *Melilotus Officinalis Descr* are given, which handled on degraded and saline soil-climatic conditions of the Khorezm region.

УЎТ 633.1: 615.32:582.738

ДОРИВОР МОЙЧЕЧАК – CHAMOMILLA RECUTITA (L.) ЎСИМЛИГИНИ ЕТИШТИРИШ АГРОТЕХНИКАСИ

**Собиров Р., Абдураҳимов У. – Хоразм
Маъмун академияси, Явқачев Д. – УрДУ
қошидаги 1-сон академик лицей**

Маълумки, қишлоқ хўжалиги ишларининг мавсумийлиги, агротехника тадбирларини аниқ белгиланган муддатларда ўтказиш лозимлиги, ҳар йилги об-ҳаво шароитининг бир-бирига деярлик ўхшамаслиги, ҳар бир минтақанинг тупроқ, иқлим шароити бир-биридан кескин фарқ қилиши ва бошқа кўпдан-кўп омиллар доривор ўсимликлар ўстириш технологиясини ишлаб чиқиша кўплаб ноқулайликларни келтириб чиқаради.

Республикамизда табиий ҳолда ўсуви доривор ўсимликлар заҳираларининг чегараланганлиги туфайли фармацевтика саноати корхоналарининг доривор ўсимликлар хом-ашёсига бўлган талабини, асосан, доривор ўсимликлар ўстириш орқали қондириш мумкин. Бироқ, ҳозирги вақтгача мамлакати-мизнинг ихтисослашган, фермер, ўрмон, дехқон ва бошқа мулкчилик шаклидаги хўжаликлирида доривор ўсимликларни ўстириш технологиялари мукаммал ишлаб чиқилмаганлиги сабабли, илмий асосланмаган ҳолда парвариш қилинмоқда.

Таъкидлаш лозимки, ҳозирги вақтда мамлакатимизда фармацевтика саноати ва дорихоналарни ўсимликлар хом-ашёси билан таъминлаш мақсадида ихтисослашган, фермер, ўрмон ва бошқа мулкчилик

шаклидаги хўжаликларида энг кўпи билан 42 тагача доривор ўсимликлар турлари ўстирилади.

Россия Федерацияси, Украина, Молдова, Миср Араб Республикаси ва бир қатор мамлакатларда доривор ўсимликларни етиштириш билан шуғуланиш бирмунча яхши йўлга қўйилган. Мустақилликка эришилгандан сўнг Ўзбекистон Республикасининг фармацевтика саноати тезлик билан ривожлана бошлади. Ҳозирги вақтда бундай корхоналарнинг сони 70 тадан ортиқдир. Шу сабабли ҳам, ушбу саноатни доривор ўсимликлар хом-ашёси билан етарли даражада таъминлаш талаб этилади.

Кейинги вақтда фармацевтика саноати корхоналари дори воситаларининг тахминан 50% доривор ўсимликлар хом-ашёсидан тайёрланаётганлигини эътиборга олсак, доривор ўсимликлар ўстириш, уларни етиштириш агротехникасини ишлаб чиқиш накадар катта аҳамият касб эта бошлаганини тасаввур қилиш қийин эмас.

Доривор мойчечак биологияси ва етиштириш агротехникаси Мойчечак уруғларининг униши 6-7°C дан бошлансада, оптималь ҳарорат 20-25°C ҳисобланади. Агар уруғлар экилгандан сўнг намлик етарли бўлмаса, уруғлар узоқ вақтгача унмаслиги мумкин. Бу вақтда уруғ экилган майдонлар суғорилади.

Ниҳоллар униб чиққандан сўнг 20-40 кунда ҳар бир ниҳолда 6-10 тадан розетка барглари ўсиб чиқади. Кузда экилган ниҳоллар шу ҳолда қишлиайди.

Эрта баҳорда экилган ниҳоллардан апрель ойининг биринчи ўн кунлигига 7-9 тадан розетка барглари ўсиб чиқади. Март-апрель ойи даврида баҳорнинг сер ёмғир келиши туфайли розетка барглари тез ўсиши ва йириклиши натижасида ўсимлик ўртасида поянинг ўсиб чиқиши ва шохланиши кузатилади. Ўсимликни намлик билан яхши таъминлаб борилса, ҳаво ҳароратининг кўтарилиб бориши натижасида май ойининг биринчи ўн кунлигига дастлабки гуллар очилади.

Умуман олганда баҳорда экилган уруғлардан 30-50 кунда дастлабки гулларнинг очилишини кўрамиз. Кузатишлар шуни кўрсатдики, ўсимлик пояларида эндигина пайдо бўлган ғунчалардан 10-12 кунда гуллар очилиши мумкин.

Мойчечак ёруғсевар, намсевар ва уни унумдор ерларда ўстириш мақсадга мувофиқдир. Шу сабабли аввало уруғларни сепишдан олдин ҳар гектар ерга 20-25 тоннадан маҳаллий ўғит (гўнг) ва суперфосфат солиб, тупроқ 25-30 см чуқурликда хайдалади. Ўсимлик ўсиши ва ривожланиши учун тупроқда минерал моддалар етарли бўлиши керак. Мойчечак ўсимлигини 2-3 йил экиб, сўнг ўрнига бошқа доривор ёки қишлоқ хўжалик ўсимликларини экиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Нихоллар ўсиш даврида бегона ўтлар кўпайиб кетишини ҳисобга олган ҳолда 4-6 см чуқурликда культивация ўтказилиши бегона ўтларни йўқолишига сабаб бўлади. Ўсимликни йиғишириб олгандан кейин ҳам тезлик билан шудгор қилиниши, шу майдонларни бегона ўтлардан тозаланишига, ўсимлик қолдиқ ларининг тупроқ остида чиришига ёрдам беради.

Ўғитлаш тизими. Мойчечак ўсимлиги Европа давлатларида ва Россия Федерацияси худудларида ўстирилганини сабабли бу ўсимликнинг биологияси ва ўғитлаш тизими қисман ўрганилган. Ўзбекистонда доривор ўсимликлар деҳқончилиги бир мунча янги йўналиш бўлганлиги сабабли барча доривор ўсимликлар каби мойчечак ўсимлигининг биологияси ва ўғитлаш тизими бизнинг шароитда тўлиқ ўрганилмаган.

Мойчечак экиладиган ерларнинг механик таркиби ўртача, шўрланиш даражаси жуда паст бўлиши лозим. Ўсимлик экиладиган майдонлар кузда гектарига 25-30 тонна гўнг ва фосфорли ўғитларнинг йиллик меъёри 70% солиниб хайдалиши керак.

Мойчечакнинг ўсиб ривожланиши давомида икки марта: биринчиси — майса ҳосил бўлган даврда (март ойининг

биринчи ўн кунлигига), иккинчиси ғунчалаш даврида (апрель ойининг учинчи ўн кунлигига) гектарига 30-40 кг ҳисобида азотли ўғитлар берилади. Азотли ўғитлар ўсимликни суғоришдан олдин берилади. Ўсимлик азотли, фосфорли ва органик ўғитлар билан яхши озиқлантирилганда мойчечак гуллари гектарига 1,5-3,0 центнерга ошганлиги аниқланган.

Маҳсулот тайёрлаш. Маҳсулот ўсимлик қийғос гуллаганда тайёрланади. Саватчалардаги гуллар гуллай бошлаганда тилсимон гуллар юқорига қараган бўлиб, тўлиқ гуллаган даврида горизонтал ҳолатга ўтади. Гуллаб бўлгандан сўнг тилсимон гуллар пастга қараб йўналади. Айни шу вақтда найчасимон гулларда мева ҳосил бўла бошлайди. Саватчалардаги гуллар қийғос гуллаган даврда, яъни тилсимон гуллар горизонтал ҳолатга ўтган вақтда саватчалар таркибида эфир мояи энг кўп йиғилади. Шунинг учун маҳсулотни шу даврда тайёрлаш тавсия этилади. Саватчалар қўл билан юлиб ёки халтачали маҳсус қайчи билан киркиб, ёки халтали маҳсус ҳокандозга ўхшаган тароқ ёрдамида юлиб олинади. Йиғилган саватчалар аралашмадан тозалангандан сўнг соя ерда ёки қуригичларда 40 °C дан ошиқ бўлмаган ҳароратда куритилади.

Хоразм Маъмун академияси тажриба даласига экилган доривор мойчечак уруғлари униб, 2-3 та чин барг ҳосил бўлгач, эгатчалар олинди. Қатор орасидаги бегона ўтлар культиватор ёрдамида йўқотилди. Доривор мойчечак вегетация давомида 12 марта суғорилди ва ҳар 2-3 марта суғорилгандан кейин тупроқ ости юмшатиб турилди. Вегетация давомида икки марта: биринчиси майса ҳосил бўлиб, 10-15 кун ўтгач иккинчиси – шоналаш даврида гектарига 30-40 кг ҳисобида азот ўғити билан озиқлантирилди.

1-жадвал

Тажриба даласида экилган доривор мойчечак ўсимлигини етиштириш агротехникасининг тақвимий иш режаси

Амалга ошириладиган агротехник ишлар режаси	Биринчи йил		
	Кузги	Қишки	Бахорги
Кузги шудгор олдидан гектарига 30-40 тонна гўнг солиш	10.Х гача	20.Х гача	20.Х гача
Кузги шудгор ва кетма-кет молалаш	15.Х гача	25.Х гача	25.Х гача
Экиш	18.Х	5.XI	20.IV
Эгат олиш	20.Х	10.XI	25.IV
Сугориш	21.Х	11.XI	26.IV
Культивация, ўток, ягана	30.Х	20.IV	5.V
Эгат олиш, азот солиш	25.IV	25.IV	8.V
Сугориш	10.V	10.V	10.V
Тўпгул йига бошлаш	15.V	25.V	5.VI
Сугориш	20.V	20.V	20.V
Культивация	25.V	25.V	25.V
Эгат олиш, азот солиш	28.V	28.V	28.V
Сугориш	30.V	30.V	30.V
Сугориш	10.VI	10.VI	10.VI
Сугориш	20.VI	20.VI	20.VI
Культивация, йирик бегона ўтларни ўташ	25.VI	25.VI	25.VI
Сугориш	30.VI	30.VI	30.VI
Сугориш	10.VII	10.VII	10.VII
Сугориш	20.VII	20.VII	20.VII
Сугориш	30.VII	30.VII	30.VII
Сугориш	15.VIII	15.VIII	15.VIII
Кеч кузда ер устки қисмини (ўтни) ўриш ва даладан олиб кетиш	20.X	20.X	20.X
Гектарига 80 кг.дан фосфор солиш ва эгатларни чукур ҳайдаш	25-30.X	25-30.X	25-30.X

Хулоса сифатида шуни айтиш мумкинки, Хоразм вилоятининг деградацияга учраган, шўрланган ва шўрланишга мойил тупроқларида доривор ўсимликларни экиб қўпайтириш орқали доривор ўсимликлардан олинадиган хосилнинг ҳажмини ва сифатини яхшилаш, тупроқларнинг унумдорлигини ошириш ва шўрга чидамли янги доривор ўсимликларни кўникутириш имкониятлари яратилади.

Адабиётлар:

- Интродукция нетрадиционных и редких сельскохозяйственных растений. Мат. Всероссийской научно-прак. конф., - Пенза., 1998, 186 с.

2. Холматов X. X., Ахмедов Ў. А. Фармакогнозия, - Тошкент, 2007.

РЕЗЮМЕ

В данной статье приведены сведения об агротехнике ромашки аптечной – *Chamomilla Recutita* (L.), выращенные на деградированных, засолённых почвенно-климатических условиях Хорезмской области.

RESUME

In the given clause the of information agrotechnology of cultivation of camomile medical – *Chamomilla Recutita* (L.) are given, which handled on degraded and saline soil-climatic conditions of the Khorezm region.

ТАРИХ

МАЪМУН МИНОРАСИ

**т.ф.н. Абдурасулов А., Отаниёзова Р.
- Хоразм Маъмун академияси**

Маълумки, Маъмун академияси ўз фаолиятини 1004 йил Хоразмнинг ўрта асрлардаги пойтахти-Гурганч (Кўхна Урганч)да бошлади. Бу академияда нафакат хоразмлик олимлар, шу билан бирга маворауннаҳрлик буюк алломалар ҳам иштирок қилишган.

Академия қизгин фаолият олиб бораётган бир даврда – 1011 йилда (хижрий 401) Хоразмшоҳ Маъмун ибн Маъмуннинг фармонига кўра, ўша замондаги энг улкан минора бунёд этилган. Илғор техник ва меъморий ечимларни ўзида мужассам этган бу минорани лойиҳалашда Маъмун академиясининг олимлари фаол иштирок этишган.

Минора бир пойдеворда икки бор қурилган, буни ички ва ташқи устунларнинг турлича ҳажмдаги ғиштларидан аниқлаш мумкин. 31x31x6 см ўлчамли йирик ғишт терилган ички устуннинг қуи қисми ҳамда мӯғуллар босқинидан (1220 й.) аввалги техника учун хос бўлган қумтош плиталардан қурилган яхлит таглик дастлаб 1011 йилда бунёд этилган илк минорага тегишилдири. Ўша илк минора бузиб ташланганми? йўқми?, номаълум. Бироқ мӯғуллар шаҳарларни ишғол этганларида, одатда, минораларга тегмай, улардан кейинчалик назорат минораси сифатида фойдаланишган. Бизнинг фикримизча, минора 1208 йилда содир бўлган кучли зилзила туфайли қулаб тушган бўлиши керак. Тарихий салномаларда қайд этилганидек, ўша зилзиладан Хоразмда кўплаб бинолар заар кўрган. Унинг қолдиқлари устига мӯғуллар ҳукмронлиги даврида XIII асрда пойдевори кенг қилиниб 25x25x4 сантиметр ўлчамли бирмунча кичикроқ ғиштлардан янги минора қурилган.

1887 йилда Гурганчга сафар қилган рус шарқшунос олими Александр Кун, чамаси, айнан шу ярим вайронга ҳолатдаги минорани тавсифлаган бўлиши керак. Шундан кейин минора кўп вақт тургани йўқ, 1895 йил 8 июлда рўй берган зилзила туфайли буткул бузилиб кетган.

Минора пойдевори остидан кўрғошин тахта топилган. Уни 1900 йилда Хива хони Сайид Мухаммад Раҳимхон II Туркистон ўлкасининг рус маъмуриятига топширган. Ҳозирги вақтда у Ўзбекистон тарихи Давлат музейида сақланмоқда (ҳажми 85x49 см).

Кўрғошин тахтадаги тўрт қатор куфий ёзувда: улуг амир, адолатпеша ҳукмдор, Хоразмшоҳ Абул Аббос Маъмун ибн Маъмун ушбу минорани қуришга фармон берди ва унинг пойдеворини бунёд этишга шахсан раҳнамолик қилди, юксак эътиқод ва Аллоҳнинг ризолигига мушарраф бўлиш орзусида саъи ҳаракат қилаётган бу зотнинг Аллоҳ икки дунёсини обод қилсин! Бу (курилиш) тўрт юз биринчи (хижрий йилнинг (бир неча) ойида рўй берди деб ёзилган. Бу милодий 1011 йилга тўғри келади, бинобарин, Маъмун минораси Кўхна Урганчнинг ҳозирда маълум бўлган ёдгорликлари ичida энг қимматлисиdir.

Абу Райхон Беруний ва Ибн Сино сингари буюк алломалар шоҳиди бўлган Маъмун минорасининг кўриниши қандай бўлгани ҳакида ҳозирга қадар сақланиб қолган Қутлуғ Темур минорасини кўриб тасаввур хосил қилиш мумкин. Юқорида номи тилга олинган шарқшунос олим Александр Кун икки минора “Шарқий минора” ва “Фарбий минора” (Маъмун минораси)нинг тавсифини берган. Улар шаклан бир-бирига ўхшаш бўлиб, фақат баландлиги жиҳатидан бир-биридан фарқ қилган. Булар ўз даврида Ўрта Осиёда энг баланд миноралар бўлган.

Қутлуғ Темур минорасининг ғиштин деворида бўртма ҳарфлар билан битилган қуйидаги ёзув бор: Аллоҳ марҳаматига мушарраф бўлган ва ҳақиқат эшикларини очиб берган, икки олам сарвари, араб ва ажам шоҳларининг қудратли султони

фоний дунё ва иймон-эътиқод офтоби, ислом дини ва мусулмонлар нажоткори, улуғ амир нажим ад-Давла ва у диннинг фарзанди Кутлуғ Темурнинг фармони олийи, Аллоҳ унинг ислом йўлидаги саъй-харакатларини бардавом айласин, бу иншоот кудратли сulton Ўзбекхоннинг хукмдорлик даврида бунёд этилди, Аллоҳ унинг салтанатини узок қилсин.

Миноранинг баландлиги 60 метр бўлиб, тагзамини 12 метр. Минора устунидаги 18 та нақшинкор белбоғ меъморий уйғунлик ҳосил қилган бўлиб, унда қўфий ёзувдаги 3 та белбоғ мавжуд. Тошкентлик археолог олим Виталий Зотов ушбу ёзувларни ўрганиб чиқкан. Ушбу миноранинг қурилиш технологияси ҳам қизиқарли, у ҳавоза ишланмасдан бунёд этилган. Миноралар қурилишининг талайгина сир-асрорлари ҳануз ўз тадқиқотчиларини кутиб ётибди. Кўплаб ноёб обидаларни яратган қадимги усталарнинг иши асрлар оша неча-неча авлодларни ҳайратга солиб келмоқда.

РЕЗЮМЕ

Данная статья посвящена истории и стиле построения минарета Мамуна в 1011 году в Гурганче (Куня Ургенч).

RESUME

The paper consists of information about the history, construction style of Mamun tower in 1011 in Gurganch (Kunya Urgench city).

**МУҲАММАД РАҲИМХОН I
ТОМОНИДАН ТЎРАМУРОД СЎФИ
МУХОЛИФАТЧИЛИГИНИНГ
БАРТАРАФ ЭТИЛИШИ**
(“Фирдавс ул-икбол” асари асосида)

**Сапарбоев Б. – УрДУ Тарих
факультети толиби**

Муҳаммад Раҳимхон I тахтга ўтиргандан кейин унинг билан Тўрамурод Сўфи орасидаги ўзаро зиддият тобора кескинлашди. Бу аҳвол

халқнинг хонавайрон бўлишига олиб келди. Доимо ўзга мамлакатлар билан бўладиган чоповул – халқни талаш ва асир олиш эндиликда бир мамлакат ичида юз бермоқда эди. Шу сабабли Муҳаммад Раҳимхон I бу ахволни тугатиш учун кескин чораларни кўра бошлади.

1811 йилда Рус элига борадиган Хоразм карвонини Каримберди оталиқ ва Муҳаммадизо күшбеги Аранг қиридан ўтказиб қайтишади. Тўрамурод Сўфи бундан хабар топиб, карвонни талаш учун изидан човдирлардан уч юз кишини юборади. Яна икки юз кишини Ойдўстбийнинг элини талаш учун Оқёкишга жўнатади. Бу билан чекланмай Эшмуҳаммадбек раҳбарлигига Гурланни талон-торож қилиш учун яна икки юз эллик жангчи юборади¹.

Улар Гурланга етиб келиб Худойназарбек ва Ўрозали иноқнинг работларига ўт қўйишиади. Ўша жараёнда Ўрозали иноқни қатл қилишиади. Бу пайтда хон Остона ва Янгиарик худудида овда эди. Гурлан воқеаси Кутлуғмурод иноқка етиб келади. У Худойқули карнайчини ушбу хабарни етказиш учун хон ҳузурига юборади. Танак баҳодир деган йигитни Кўшкўприк навкарларига бош этиб Гурлан ҳимоясига жўнатади. Хон бу хабарни эшигтгач, акаси Кутлуғмурод иноқни лашкар билан Гурланга жўнатиб, унга ёрдам бериш учун Каримберди оталиқни ҳам ўша худудга юборади.

Танак баҳодир Котга етганда Ашурбек юзбоши Кот сипохилари билан унга қўшилади. Гурландан Котга қочиб келган Худойназарбек ва Чўтқаро юзбошилар ҳам уларга қўшилиб, биргаликда Гурланга юриш қиласидар².

Кейинчалик буларга Шоҳобод ва Чигатой лашкарлари ҳам қўшилади. Бу лашкарларнинг барчаси Кутлуғмурод иноқ бошчилигига душманга қақшаткич зарба беришиади. Уларга Гурлан аҳолиси

¹ Шермуҳаммад Мунис, Муҳаммад Ризо Оғаҳий. Фирдавс ул-икбол. – Т.: “Ўқитувчи”, 2010, 211 бет.

² Фирдавс ул-икбол, 213 бет.

ҳам қўшилиб, кўплаб душман аскарлари ўлдирилади ва асирга олинади. Лашкарбошиларнинг аксарияти ўлдирилади ва асир олиниб қатл қилинади. Шу тариқа Тўрамурод Сўфининг Гурланга юборган лашкари тор-мор этилади. Сайидқулибек ва Эшмуҳаммадбекларни асир олиб Ўрозали иноқнинг қасоси учун қатл қилдилар. Хон Ўрозали иноқнинг ўн бир яшар ўғлига оталиқ мансабини берди³.

Тўрамурод Сўфининг карvonни талашга юборган уч юз човдир қароқчилари ҳам мақсадларига эриша олмайдилар. Карвондагилар атрофни юк ва тупроқдан кўтариб, ҳимоя девори ясаб қаттиқ қаршилик қилишади. Қароқчилар беш кун урушиб, ўттизта шеригидан ажралишади. Бу орада Эшмуҳаммадбекнинг Гурландаги мағлубияти хабари етиб келади. Бу хабардан кейин човдир қароқчилари карvonни ташлаб қочиб кетишади⁴.

Ойдўстбий элини талаш учун Оқёкишга келган лашкарбошилар корақалпоқ тоифасига мансуб эди. Саримсоқбий қўлдовли, Исламасбий болғали, Нуртойбий қўштамғали каби лашкарбошилар Оқёкишга яқинлашаётган пайтда Ойдўстбийнинг ишонган кишилари - Хўжамбердибек, Қаландар кўр, Эшмуҳаммад юзбошилар Эшмуҳаммадбекнинг Гурланга кирган хабарини эшитиб, хоинлик йўлига ўтишади ва қалъани ташлаб кетадилар. Буни эшитиб хон ушбу қўрқоқларни мансабидан олиб ташлаб, ўрнига Мухаммадниёзбек ва Ҳасанмурод қипчоқни тайнилади⁵.

Ўша сабабга кўра бу қалъага келган душманларни ҳеч ким таъқиб қилмади. Улар мағлубиятни ҳис қилиб омон кутилдилар. Шундай қилиб сўфининг уч томонга юборган учта лашкари ҳам мағлуб бўлади.

Юқорида қайд қилганимиз каби Хива хонлигига ички аҳвол жуда мураккаб бўлиб, ташқи сиёsat ҳам анча оғир эди.

³ Фирдавс ул-иқбол, 219-бет.

⁴ Фирдавс ул-иқбол, 220-бет.

⁵ Фирдавс ул-иқбол, 220-бет

Хонлик Эрон ҳукмдорлари билан ҳам келиша олмас эди.

Туркманларнинг така тоифасига мансуб аҳолиси Марвни Хива хонлигидан ажратиб, бўйсунишдан бош тортган эдилар. Бунинг устига така тоифасига мансуб кўплаб кишилар қароқчилик билан шуғулланар эдилар.

Тўрамурод Сўфи билан алоқадор воқеалар эндинга бостирилган пайтда такаларнинг Қора Аҳмад жамоасидан бир гурӯҳ Ҳазорасп сарҳадидан ўтиб Карвакдаги хўжалардан бирининг работини босиб, молини талаб, болачақасини асир олиб саҳар пайти қум ичига кириб кетишиди. Бу пайт рамазон ойига тўғри келар эди.

Бу воқеани ҳеч ким сезмай қолади. Лекин тонг саҳарда уларни Карвак оёғидаги зироатчилардан бири кўриб, бу ҳақда Абдулла иноқка хабар беради. Иноқ юз эллик отлиқ билан Карвакка бориб, у ердаги хўжалардан саҳарлик учун озиқ-овқат ундириб, қароқчиларни таъқиб қилишга киришади. Аммо, ҳаво иссиғини баҳона этиб, юришини тўхтатади.

Ўша пайтда Қутлуғмурод иноқ Дарғон ота музофотида овда эди. Бу хабар унга етиб боргач, навкарларидан етмиш кишини ажратиб, Қаландар парвоначи, Искандар хўжа Бекободий ва қўнғирот Эломон баҳодирларни қароқчиларни таъқиб қилишга жўнатади⁶. Бу гурӯҳ уч кеча-кундуз йўл юриб Шўркуйи кудуғи ҳудудида қароқчиларнинг изини топишади. Учта лашкарбоши ўттиз аскарни шу ерда қўйиб ўzlари қароқчилар изидан от суриб, уларни тутиб ўлдириб, мол-мулк ва асирларни қайтариб олиб келадилар. Тўққиз кунда Питнак сарҳадига етиб, Қутлуғмурод инок ҳузурига келишади. Бундай воқеалар хонликда тез-тез рўй бериб турди. Айниқса, хонликнинг шимолида гуруҳбозлик, айирмачилик кучайди. Тўрамурод Сўфидан ташқари Янгидарё қорақалпоқларига ҳукмдорлик қилувчи Ўринбойбий, Эшжонбий, Ҳасанбий,

⁶ Фирдавс ул-иқбол, 222-бет.

Эсонгалибий, Тўқтапўлодбий ва Маманбийлар мамлакат ҳукмдорига бўйсунмасдан Бухоро амири билан борди-келдини кучайтирилар. Улар доимо Хоразм ва қозоқ карвонларини талаш билан машғул эди.

1809 йилда хон бу ҳудудга чоповул уюштирган эди. Лекин мазкур ҳудуд ҳали ҳам бирор мамлакатга бўйсунмас эди. Оқёкиш қалъаси ҳукмдорлари улар ва Тўрамурод Сўфининг Бухорога бориб-келаётган элчиларини ушлаб қатлга тортилар. Шу орада қозокнинг чуманай тоифаси подшохи Эралихон минг беш юз кишилил қўшин билан Танга хитой ва Қипчоқни талади, кўплаб кишиларни ўлдирди. Уларни тўхтатиш учун Янгидарё бийлари қорақалпоқ йигитларига мурожаат қилишади. Улар Эралихонни енгиб, қочишига мажбур қилишади⁷. Ушбу воқеадан кейин, Янгидарё бийлари Хива хонига элчи юборишади. Элчиларни хон хушнуд кутиб олади. Бироқ, Ўринбойбий ва Эшжонбийдан бошқа бийлар ўзларининг қозоқ хонлари билан алоқасини кучайтирилар.

Бу воқеалардан кейин хон Янгидарёга юриш қилиш учун фармон беради. Хивадан чиқиб Тошқалъа ва Мойлижангл орқали Амударёдан ўтиб, Элтузархон курган работта ташриф буюради⁸. Ўша жараёнда хон Шайх Жалил тоғида жойлашган Султон Увайс қабрини зиёрат қиласи. Шу куни кечаси зилзила воқеъ бўлади.

Хон дастлаб дарёнинг икки томонида ов-ишкор қилиш билан машғул бўлади. Муҳаммад Раҳимхон овда юрганида Муҳаммадниёзбек маҳрамни Мирзо Масиҳо билан Хўжайлига юборади. Улар Сайид Пиримхўжа эшон, Турсунхўжа эшон ва Сайид Гадойхўжа эшонларга аъло ҳазратнинг совғаларини элтиб беришади.

Бу пайт кузнинг охири бўлиб, бирдан совуқ тушиб, дарё музлаб қолади. Хон шикорни давом эттираётган пайтда Янгидарёдан Ўринбойбий ва Эшжон-

бийлар хон ҳузурига келиб итоат қилишади. Улар ўз элини икки минг қорақалпоқ хонадони билан бирга кўчириб Бадай тўғай атрофида Амударё бўйига ўрнашдилар⁹.

Аммо Эсонгалибий, Тўқтапўлодбий ва Маманбийлар хонга итоатдан бош тортилар ва қозоқ хонларига элчи юбордилар. Кўчиб келган аҳолига хон Кенг янтоқдан Чилпиққача бўлган майдонни инъом қилди¹⁰.

Хон шикорда юрса ҳам Кўнғиротга тез-тез чоповул ташкил этиб турди. Шу орада Янгидарё аҳолиси ҳукмдорлари иккига ажралиб Эсангалибий, Тўқтапўлодбий ва Маманбийлар денгиз орқали қозоқ ҳудудига кўчишади. Беш сориг уруғидан Манглай ва Бўрон бошлиқ икки минг беш юз хонадон билан хонлик ҳудудига кўчиб итоатга бош урдилар. Мунис ушбу воқеалар тасвири жараёнида Орол денгизи ҳакида қизиқарли воқеаларни ҳикоя қилиб ўтади. Унинг қайд қилишига кўра, Орол шу қадар маҳобатлики, унинг улуғликда тенги йўқдир. Ўша даврда бу денгизни “Бахираи Хоразм” деб атар эканлар. Шоир денгизни шундай тасвирлайди:

Тарихнависнинг ёзиича, ўша даврда бу денгизни ўзбеклар “Тўбак”, “Орол”, “Отов” деган номлар билан аташган. Бир вақтлар бу денгиз ўрнида “Адоқ” ва “Янги шаҳр” деган қалъалар бўлган эмишки, ҳозирда ҳам уларнинг тошдан ишланган бино қолдиқлари кемачиларга денгиз остидан кўриниб турар экан¹¹.

Афсуски, шундай улуғ денгиз ҳозирда йўқ бўлиш арафасида турибди. Ҳолбуки, Мунис денгизга таъриф берган даврдан бери атиги 200 йил ўтди. Тарих учун бу сана урвоқдай гап. Шундай қилиб, Муҳаммад Раҳимхон I Янгидарё мавзесидаги Манглай ва Бўрон эли билан кўчиб ўтгач, бўйсунмаган учта бийни таъқиб қилишга фармон беради. Хоннинг қатъий мақсадини англаган Эсонгалибий, Тўқтапўлодбий ва Маманбийлар Ойдўстбий ва Ўронбойбийлар маслаҳати

⁷ Фирдавс ул-иқбол, 224-бет.

⁸ Фирдавс ул-иқбол, 230-бет.

⁹ Фирдавс ул-иқбол, 232-бет.

билин хонга итоат ваъдаси билан келишади. Хон эса уларни яхши қабул қилиб авф этади¹². Шунингдек, Амонбой юзбошини уларни кўчиришга масъул этиб тайинлади. Хон муз устидан ўтиб Янгидарёнинг қуиладиган жойига келиб тушиб, мулла Эшимбойни қозоқ подшоҳи Абдулазизхонга элчи қилиб юборди ва барча асир олинган қорақалпокларни ҳамда уларнинг мол-мулкларини беришни сўради. Шундан кейин қўшин орқага қайтади. Муз устидан зўрға амаллаб ўтишади, айрим отлар денгизга чўкиб кетади. Уч кундан сўнг хон Оқёқишига келиб тушиб Ойдўстбий ва Оймирзабийларга эзгу ишлари учун мукофот ато этади¹³. Шундан кейин Хўжайли орқали Мойлижангала келиб тушади. Қурбон ҳайити куни Хивага ташриф буюради. Сал ўтмай Абдулазизхонга элчи бўлиб кетган Эшимбой ҳам барча ишларни битказиб, қозоқ ҳукмдори билан дўстлик ипларини боғлаб қайтиб келади. Улар билан Абдулазизхоннинг вакиллари Тўка сulton ва Сабдат Гарой бошлиқ бир гурух вакиллар хон хузурига етиб келишади¹⁴.

Шундай қилиб, Муҳаммад Раҳимхон I фаолиятининг бешинчи йили якунланиб, олтинчи йили бошланади. Хон фаолиятининг олтинчи йилида ҳам Тўрамурод Сўфи билан боғлиқ муаммолар ҳал этилмаган эди. Эндиликда хон бу масалага жиддий киришишни ўз олдига мақсад қилиб қўйди ва 1811 йил эрта баҳордан беш юз жангчини Орол худудига отлантириди. Улар Илонқир устидан муз орқали Кенгяントқقا чиқишиди ва Оққальяга етдилар. У ерда Кўнғиротдан Тўрамурод Сўфи юборган талончилар бор эди. Убайдулла хўжа лашкардан сал илгари бораётib уларни кўриб қолади. Улардан бир қисмини ўлдириб, икки учтасини асир олишади. Аммо биттаси қочиб қутилади¹⁵.

¹² Фирдавс ул-иқбол, 233-бет.

¹³ Фирдавс ул-иқбол, 235-бет.

¹⁴ Фирдавс ул-иқбол, 336-бет.

¹⁵ Фирдавс ул-иқбол, 336-бет.

Хон кўшинлари шиддат билан Кўнғирот қалъасига ҳужум уюштирадилар. Аммо қалъадан чиқиб урушишга журъат қиладиган киши топилмайди. Шу жараёнда Тўрамурод Сўфи ҳам тинч ўтирмай иғвони давом эттиради. Кўнғирот жангидан кейин 200 кишини жамлаб Мақъадбий, Ҳасанбойбий ва Чўнқорабий тасарруфидаги қорақалпоқ ахлига ҳужум уюштиради. Уларга қарши қорақалпоқ йигитлари шиддатли кураш олиб бориб, душманларни изига қайтишга мажбур қилишади ва Сўфининг энг яқинларидан бўлган Кўшбайтар қалмоқни қатл қилишади. Қорақалпоқ жангчилари тўққиз от ва тўрт бошни Қодирберган-бийга келтиришади. У эса воқеадан хабардор қилиш учун хон ҳузурига етиб келиб, ташаккурга сазовор бўлади¹⁶.

Кўтлугурод иноқ Солиҳшайх ва Абдураҳмон ос раҳбарлигига юз кишини Кўнғирот чоповулига жўнатади. Улар 13 кун давомида 18 кишини қатл қилиб, 1 кишини асир олиб Хивага қайтиб келишади. Хоннинг Кўнғирот масаласи билан мунтазам шуғуланишидан мақсад, бу муаммони бутунлай ҳал қилиб охирига етказиш эди. Чунки, Тўрамурод Сўфи 18 йил давомида мамлакатдаги осойишталикка раҳна солиб, ҳатто дини ислом қоидаларини ҳам оёқ ости этмоқда эди. Жумладан, мулла Хўрозд элини кўчиргандан сўнг қаҳрга миниб у билан яхши муносабатда бўлган Эсон оталиқ ва Ўтаберди оталиқларни тутдириб, ини ва ўғлонлари билан ўн бир кишини қатл қилдириб, баъзиларининг хотинларини мотам маросимлари ўтмасдан бурун бошқаларга мажбуран никоҳ қилдири¹⁷.

Шундай ҳолатлар ҳам бўлдики, агарда бирор кўчиб кетса, уларнинг изидан киши юбориб тутдириб келиб ўлдиради. Уларнинг қариндошлари бўлган аёл-қизларни ё хибсда сақлар ёки туркманларга сотиб юборар эди. Жумладан, Оқёқишидан асир қилиб олинган Қурбонбекбийнинг гўзалликда ягона бўлган қизини 40 гўзал шериги

¹⁶ Фирдавс ул-иқбол, 237-бет.

¹⁷ Фирдавс ул-иқбол, 239-бет.

билин Хурросон туркманларига ўн бир от эвазига сотиб юборди¹⁸.

Мана шу қабиҳликларга барҳам бериш учун хон 1811 йил рабиъ ул-авват ойининг ўнинчи куни катта қўшинни Оққум мавзеига юборди. Бироқ, шу йили қаттиқ қаҳатчилик бўлиб, юриш бир мунча кечикади. Хон қўшин учун тўплланган ғалла ва бошқа озиқ молларни масжидларга тарқатади. Оч-яланғочларга хайрия қиласди.

Ёз келиб, ҳосил йиғилгандан кейин хон Қўнғирот юришини қайтадан бошлайди. Бу юришга бошқа бир ҳодиса ҳам сабабчи бўлади. Қўнғиротнинг Эшқули уруғига мансуб Холмуҳаммадхон ва Худойкули оталиқни Тўрамурод Сўфи қатл қиласди, Мухаммадраҳимни эли билан кўчириб қалъага киритади. Уларнинг ўлмай қолган бир-икки фарзандлари хон олдига келиб шафқат сўрашади¹⁹.

Натижада хон қўёш сунбула буржига ўтганда (август ойи) Хивадан чиқиб Анбар Маноқ ва Мойлижангаль худудига етиб келди. Бу жойда олти кун шикор қилгач, ойнинг ўртасида Қипчоқ орқали дарёдан ўтди. Қирқ қойирга ўтиб Қутлуғ Мухаммадбек Ҳазораспийга юз киши бериб, кема йўлларини назорат қилишга жўнатди. У кемаларнинг от йўли гузаригача bemalol бориши мумкинлиги хақида хабар беради. Хон ўзбек, қорақалпоқ ва туркман сипоҳийларини бирга кўшиб, Каримберди оталиқни бош қилиб Қўнғирот қалъаси атрофига чоповулга жўнатади. Улар кўплаб ўлжа ва асиirlарни хон олдига келтирдилар. Хон ўлжаларни уларнинг ўзига ҳавола қилиб, асиirlарни қатл қилмасдан қалъа атрофидаги ҳандакларда ишлатишга юборди²⁰. Барча лашкарбошиларни сипоҳийлар билан бирга қалъа теварагига жойлаштириб, ҳужум бошлишга тайёргарлик кўра бошлади. Қалъа атрофидаги экинлар поймол этилди. Қалъа ҳимоячилари ташқари чиқишига қўрқиб, ичкаридан тўп ота бошлидилар.

¹⁸ Фирдавс ул-иқбол, 240-бет.

¹⁹ Фирдавс ул-иқбол, 242-бет.

²⁰ Фирдавс ул-иқбол, 244-бет.

Тўп ўқидан кўпгина кишилар шахид бўлди. Шулардан бири хоннинг ишончига сазовор бўлган Мустақим девона нўғай ҳалок бўлди. Уни хон Ҳўжайли худудидаги Миздакхон қабристонига дафн қиласди²¹.

Қалъа қамалини хон Муҳаммадниёз карчак, Берди баҳодир, Дўсим баҳодир, Эшниёз оталиқ, Мамишбек ва Танак баҳодирларга топширди. Улар қалъанинг барча дарвозаларини михлаб, ташки алоқани уздилар. Натижада қалъа ичидаги қаҳатчилик бошланиб, одамлар кўчаларда ўлиб бошлади. Кўп одамлар қалъа деворидан ошиб, хон лашкарларига таслим бўлдилар²². Хон лашкарлари тобора тўлишиб қўпая борди. Муҳаммад Ризо қушбеги Хеваниқ ариғи банди йиқилиб кетгани учун уни мустаҳкамлаб бекитиш мақсадида навкарлари билан қолиб кетган эди. У ҳам йигитлари билан жанггоҳга етиб келди.

Қалъанинг Қилич инок сипоҳилари жойлашган қисмида уч юзга яқин жангчи бор эди. Қалъа ичидаги мудофаачилар олти мингдан зиёд эди. Улар Қилич инок жангчиларига қатъий ҳужумга ўтишди. Лекин охирида чекинишга мажбур бўлишди. Шу пайтда Тўрамурод Сўфининг аммазодаси Қулмурод инок ҳалок бўлди. Ушбу жангдаги мардликлари учун Қилич инок лашкарлари хоннинг ташаккурига сазовор бўлдилар²³.

Хон қалъага ҳужумни тўхтатмасдан, турли ҳарбий ҳийлалар билан уруш-савашда давом этди. Бу урушда қорақалпоқ жангчилари алоҳида фаоллик кўрсатдилар. Айниқса, Тайлоқ баҳодир ва Эшбўл баҳодирлар Тўрамурод Сўфининг ўғли Дўсотни қўлга тушириш учун шиддатли кураш олиб боришади. Тайлоқ баҳодир унинг олдидан чиқиб, отдан йиқитади. Дўсот чакқонлик билан ўзини дарёга ташлаб қутилиб қолади. Унинг оти эса Тайлоқ баҳодирнинг қўлида қолади²⁴.

²¹ Фирдавс ул-иқбол, 245-бет.

²² Фирдавс ул-иқбол, ўша сахифа.

²³ Фирдавс ул-иқбол, 247-бет.

²⁴ Фирдавс ул-иқбол, 248-бет.

Жанг қизиган пайтда қорақалпоқ баҳодирларидан Кучанакбий қальага бостириб киришга рухсат сўрайди. Аммо хон ҳали бунга эрта эканлигини айтади, қальадагилар инсофга келар деган умид билдиради. Аммо Сўфи итоатдан бош тортади. Натижада Олланазар мерган қалья ичига кириб жангни давом эттиради.

Муҳаммад Раҳимхон ҳар доим Кўнғиротда бўлганида Ҳаким отасулаймон Боқирғоний қабрини албатта зиёрат қиласр эди. Бу сафар ҳам ушбу анъанани канда қилмай буюк шоир мақбараси зиёратига борди. Бу зиёратда шоир Мунис ҳам қатнашган ва битта қитъани Ҳаким ота шарафига бағишилаган.

Кўнғирот жанги давом этаётган ўша вақтда Очамайли ва Кўкўзакли қабилаларидан хонга арзнома тушади. Унда фуқароларнинг Хўжамуродбий ва Тўрамурод Сўфи зулмидан озод қилиш ҳақидаги илтимослари битилган эди. Шу аснода халқни афв қилиш ҳам сўралган эди. Хон бу арзномага ижобий муносабат билдиради.

Ойнинг ўнинчи куни хон Каримберди оталиқ ва Абдулла Иноқقا фармон бериб, қальага бостириб киришни топширди. Улар қальага ёриб кирадилар. Сўфининг барча яқин сафдошлари билан бирга тутиб қатлга етказдилар.

Қальага хон иниси Муҳаммадназарбекни ҳукмдор килиб кўйди. Қалъанинг барча дарвозаларидан кирган лашкарлар сўфининг мол-мулкини талонторож қилдилар. Унинг зиндонини бузиб, маҳкумларни озод қилдилар²⁵. Маҳкумлар орасида 5-7 йилдан бери кишан ва кундага банд этилган эркак ва аёллар кўпчиликни ташкил этар эди.

Қалья босиб олинган пайтда Тўрамурод Сўфининг уч ўғли ва бир қанча яқинлари қочиб қолишга улгурган эдилар. Хон уларни таъқиб қилишга киши юбориб, қалья дарвозалари муҳофазасига Каримберди оталиқ, Худойназар оталиқ, Қилич иноқ,

Муҳаммад Ризо иноқ ва Абдулла иноқларни тайинлади. Сўфининг бошини фатҳнома билан Қангли Жаҳонгирбек ва Худойберди божбоннинг ўғлига топшириб, Хивага қайтади.

Тез орада қочкинлар изидан кетган гурух Шоҳниёз қорақалпоқ бошчилигига етти киши билан сўфининг болаларини кувиб етиб икки йўмитни ўлдириб, иккитасини асир олишади. Берди баҳодир сўфининг уч ўғлини тутиш арафасида улардан Тавқарабек ва Суюнбий отяроғларини ташлаб кўлга кириб қамишзорга яширинади. Аммо Дўсотбек қочишига улгуриб, дарёдан ўтиб Бухорога етиб боради²⁶. Бироқ, Тавқарабек, қамишордан чиқиб, не қиласр билмасдан Кўнғиротга қайтади. уни ушлаб хон хузурига элтишади. Асир олинган йўмитлар билан бирга у қатл этилади.

Суюнбий эса анча дарбадарликдан кейин Қилич иноқقا одам юбориб афв сўрайди. Қилич иноқ эса бир уруғдан эканини эътиборга олиб, хон ҳазратларидан унинг гуноҳини тилайди, хон бу илтимосни қабул этиб, уни афв қиласади²⁷.

Оролдаги Тўрамурод Сўфи айрмачилиги тугатилгандан кейин мамлакатда тинчлик ва осойишталик ҳукм суро бошлади. Хон сўфидан жабр кўрган кўплаб кишиларни турли мансабларга муносиб кўрди. Нотўғри йўл тутиб, кейин пушаймон қилган кўплаб кишиларни, ҳатто сўфининг бир ўғлини ҳам бағри кенглик билан афв қиласади.

Ўша даврда хон Пахлавон Махмуд қабри устида мақбара барпо қилдирди. У жойга энг истеъоддли, саводли руҳонийларни жам қилди. Қори қуръон ўқидиган, “Фурқоний масжид ҳофизларидин гурухи дониш”ни ташкил этди²⁸. Мамлакат ҳудудидаги кўплаб масжид, мадраса ва хонақоларни таъмирлаш ва уларга ахли дониш инсонлардан вакил тайинлаш ишларини амалга ошириш чораларини кўрди.

²⁵ Фирдавс ул-иқбол, ўша сахифа.

²⁷ Фирдавс ул-иқбол, 257-бет.

²⁸ Фирдавс ул-иқбол, 265-бет.

РЕЗЮМЕ

В данной статье исследуются события связанные с сепаратистскими движениями во главе Турамурад Суфи из провинции Кунград и устранение их ханской властью для сохранения целостности страны и упрочение власти в период правления Мухаммед Рахимхана I.

RESUME

Duration of political contrast under the leadership of Turamurod sufi and its affects dividing the country into ruins in Kungrat province during the reign of Muhammad Rakhimkhan I., as well as, Turamurad sufi's contrary policy, hypocrisy and khan's struggle to eliminate this policy are researched in the article.

ТУРКИСТОН ЎЛКАСИДА БОШҚАРУВ ТИЗИМИ: ТАДҚИҚОТ, ТАҲЛИЛ ВА ХУЛОСАЛАР

**т.ф.н. Тиллабоев С.Б. - ЎЗР ФА
Тарих институти**

Ўзбекистон давлатчилиги тарихи бой саҳифаларга эга бўлиб, унинг ўзига хос хусусият ва анъаналари тарихий тараққиётнинг барча даврларида, ҳаттоқи Ўзбекистон худуди мустамлакачилар зулми остида бўлган пайтларида, чунончи, подшо Россияси хукмронлиги даврида ҳам ўзлигини сақланб қолди. Шу ўринда давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг “Чор Россияси юртимизни босиб олиб то биз давлат мустақиллигимизни қайта тиклагуни мизга қадар ўрта ҳисобда 130 йил вақт ўтди. Шу давр ичидаги халқимизнинг бошига не-не кулфатлар, балою оғатлар ёғилмади ... мен айтмоқчи бўлган фикр шундан иборатки, ана шундай ҳар томонлама мудҳиш, четдан қарагандаги халқимиз, унинг маданияти, миллий тафаккури, урф-одатлари, турмуш тарзи, ҳеч бир муболагасиз айтиш мумкинки, насл-насаби йўқ бўлиб кетиши керак бўлган шароитда бари бир, қатор йўқотишлар билан бўлса ҳам миллатимиз

ўзлигини сақлаб қололдими ё йўқми? Олимларимиз шу саволга жавоб берсинлар”¹ деб муҳим вазифани тарихчи олимлар олдига қўйганлигини таъкидлаб ўтиш жоиз.

Мазкур мавзуга оид бугунги кунда мавжуд адабиётларни илмий, назарий-концептуал нуқтаи назардан келиб чиқиб қўйидаги гурухларга бўлиш мумкин: подшо Россияси даврида ёзилган адабиётлар; иккинчи гурухга совет даври тарихшунослигига оид адабиётлар ва учинчи гурухга мустақиллик даврида нашр этилган адабиётлар.

Булардан мустамлака даврида тайёрланган кўплаб тарихий тадқиқотларда асосан ўлкани истило қилиниши, ижтимоий-иқтисодий, маданий ҳаёт, бошқарув тизими, суд тизими, Россия империясининг кўчириб келтириш сиёсати ва ўлкани ҳар томонлама мустамлакага айлантириш жараёнлари каби масалалар ёритилган². Хусусан,

¹ Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. – Т.: Ўзбекистон, 1998. - Б. 18-19.

² Костенко А.Ф. Средняя Азия и водворение в ней русской гражданственности. – Спб., 1871; Миддендорф А.Ф. Очерки Ферганской долины. – Спб., 1882; Григорьев В.В. Русская политика в отношении Средней Азии. – Спб., 1890; Абдулгахфаров С. Краткий очерк Кокандского ханства // Туркестанские ведомости. 1892, № 26, 29, 36; Кологривов Ю.В. Русские владения в Средней Азии. – Спб., 1898; Крафт Н.И. Судебная система в Туркестанском крае и степных областях. – Оренбург, 1898; Брянов А. На память о Фергане 1871 - 1901 гг. – Новый Маргелан, 1901; Абаза К.К. Завоевание Туркестана. Рассказы из военной истории, очерки природы, быта и нравов в общедоступном изложении. – Спб., 1902; Кауфман А.А. К вопросу русской колонизации Туркестанского края. – Спб., 1903; Он же. Переселение и колонизация. – Спб., 1905; Терентьев М.А. История завоевания Средней Азии – Спб., 1906. Т. I-III; Гейер И.И. Весь Русский Туркестан. – Т., 1908; Фиолетов Н. Судопроизводство в мусульманских судах Средней Азии. Суды казиев. – Т., 1910; Добромуслов А.И. Ташкент в прошлом и настоящем. – Т., 1912; Кривошеин А.В. Записки главноуправляющего земледелием и землеустройством о поездке в Туркестан. – Спб., 1912; Наливкин В.П. Туземцы раньше и теперь. – Т., 1913; Вощинин В.П. Очерки нового Туркестана. Свет и тени колонизации. – Спб., 1914 ва бошқалар.

В.И.Масальскийнинг 1908 йилгача Туркистон ўлкасида олиб борган изланишлари натижасида тайёрланган “Туркистон ўлкаси” асарида Россия империясининг ўлкада амалга оширган ишлари натижасида рўй берган ўзгаришлар кўрсатиб берилган. Бу борада муаллиф “Россия империясининг Туркистондаги ярим асрлик ҳукмронлиги натижасини ўрганиб чиқиб, келгусидаги дастур режаси қандай бўлиш керак?” деган саволга жавоб беришга харакат қилган³.

1914 йил Санкт-Петербургда нашр қилинган уч жилдик “Осиё Россияси”⁴ номли китобда Ўрта Осиёнинг босиб олиниши, қўчириб келтириш сиёсати ва бу даврдаги Туркистон ўлкасидаги бошкарув тизими ҳақидаги маълумотлар ўрин олган.

XIX аср охири - XX аср бошларида Туркистон ўлкасига келган сайёхлар, элчилар, савдогарлар, миссионерлар томонидан эълон қилинган адабиёт, эсадалик ва хисботларида ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётга оид катта ҳажмдаги фактик материаллар мавжуд. Бироқ, бу асарларнинг аксарият қисмида Россия империясининг Ўрта Осиёдаги мустамлакачилик сиёсати жуда усталик билан ниқобланган.

Совет даврида яратилган тадқиқотларда эса қўпроқ Россия империяси мустамлакачилик сиёсатининг иқтисодий жиҳатларига урғу берилди. Лекин XX асрнинг 20-йилларида эълон қилинган адабиётларнинг кўпчилиги ўша даврда рўй берган воқеа-ҳодисаларни ўз кўзи билан кўрган муаллифлар томонидан ёзилганлиги ва уларга ҳукмрон коммунистик мафкура ҳали тўлиқ таъсир қилмаганлиги билан кейинги давр адабиётларидан фарқ қиласди⁵.

³ Масальский В.И. Туркестанский край // Россия. Полное географическое описание нашего отечества. – Спб., 1913. Т. 19. – С. 558.

⁴ Азиатская Россия. В трех томах. – Спб.: Изд. Переселенческого управления Главного управления землеустройства и земледелия, 1914.

⁵ Сафаров Г.И. Колониальная революция (Опыт Туркестана). -М.: Госиздат, 1921; Покровский М.Н. Дипломатия и войны царской России в XIX

XX асрнинг 30-йилларидан бошлаб яратилган тадқиқотларда Россия империясининг Туркистондаги мустамлакачилик сиёсати, ўлка ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ҳаёти тўғрисидаги маълумотлар, воқеа-ходисалар баён қилинган. Лекин уларнинг аксариятида ҳукмрон коммунистик мафкура таъсирининг кучайиб бориши ҳақидаги воқеа-ходисаларнинг баён этилиши ва уларнинг моҳиятини ёритиш масалалари кўзга яққол ташланади⁶.

XX асрнинг ўрталарига келиб тарих фанининг ҳукмрон мафкурага тўлиқ бўйсундирилиши ва сиёсийлаштирилиши яққол намоён бўлган. Бунда айниқса КПСС МК ва СССР Фанлар академияси томонидан ташкил қилинган ва Тошкентда 1954 йилда ўтказилган конференция⁷ асосан Ўрта Осиёнинг Россияга “кўшиб олиниши” масаласини ҳал қилишга қаратилди ва бунинг натижасида мустамлака даври тарихини фақат ижобий баҳолашга, Россия империяси ҳукмронлигини маҳаллий аҳоли ҳаётидаги “прогрессив аҳамиятини” кўрсатишга эътибор қаратилишига сабаб бўлди. Бу давр тарихини синфиийлик нуқтаи назаридан ўрганиш кучайиб, кўплаб тадқиқотлар

столетии. – М., 1923; Брусина О.И. Бюджеты 45 хозяйств Ферганской области по обследованию 1915 года, с приложением очерка «Хозяйства сартов Туркестанского уезда Сырдарьинской области». – М., 1924; Галызо П. Г. Вооружение русских переселенцев в Средней Азии - Т.: Госиздат, 1926; Демидов А.П. Экономический очерк хлопководства, хлопковой торговли и промышленности в Туркестане. – М.: Госиздат, 1926; Бартольд В.В. История культурной жизни Туркестана. – Л., 1927; Галызо П.Г. Туркестан – колония (Очерк истории Туркестана от завоевания русскими до революции 1917 года). – М.: КУТВ, 1929 ва бошқалар.

⁶ Лаврентьев В. Капитализм в Туркестане. Буржуазная колонизация Средней Азии. – Л.: Коммунистическая Академия, 1930; Кастельская З.Д. Восстание 1916 г. в Узбекистане (К 20-летию восстания) – Т., 1937; Житов К.Е., Непомнин В.Я. От колониального рабства к социализму. – Т., 1939 ва бошқалар.

⁷ Материалы объединенной сессии, посвященной истории Средней Азии и Казахстана в до октябрянский период. – М., 1955.

эълон қилинди⁸. Конференцияда маҳаллий аҳоли вакилларидан бўлган бойлар, юқори табақа вакилларига салбий муносабатда бўлиш, улар иштирок этган қўзғолонларни эса реакцион ҳаракатлар деб баҳолаш алоҳида кўрсатилди. Бунинг оқибатида Ўзбекистон тарихида миллий мустақиллик, миллий давлатчилик тартиблари тарафдорлари бўлган ҳаракатлар, илғор фикрли, халқнинг йўлбошчилари ҳамда зиёлиларига турли хил сохта айблар қўйилди. Қизил империя таркибига кирган бошқа халқлар қатори Ўрта Осиё ҳалклари тарихи ҳам «собиқ шўролар даврида Россиянинг тарихда “цивилизаторлик” роли мутлақо асоссиз кўкларга кўтарилиган...”⁹.

Совет даврининг кейинги йилларида эълон қилинган тадқиқотларда бу давр тарихи тўлиқ коммунистик мағкура таъсирида ёритилган. Мазкур асарларда бошқарув тўлиқ ўрганилмаган ва уларга етарли даражада холис баҳо берилмаган. Жумладан, бу давр тарихчилари ўз асарларида “маҳаллий бошқарув органлари-даги лавозимларга кишилар бойлардан сайланган”, “уларнинг барчаси мансабларини суситеъмол қилиш ва порахўрлик билан шуғулланган” деб бир томонлама, нохолис баён қилганлар. Аслида ҳукмрон коммунистик мағкуранинг бош мақсади маҳаллий бошқарувдаги миллий ва анъанавий тартибларга нисбатан кишиларнинг

ишончини йўқотиш, ўша даврдаги маҳаллий бошқарув вакилларининг барчасини “халқ эксплуататорлари”, “халққа жабр-зулм кўрсатувчи ҳукмрон синф”, “мехнаткашларни эзувчи табақа вакиллари” сифатида фақат қора бўёкларда кўрсатиши бўлган.

ХХ асрнинг 90-йилларига келиб, яъни Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги эълон қилингандан кейин мустамлака даврини ўрганишга қаратилган тадқиқотларда Россия империяси мустамлакачилик сиёсатининг моҳияти илк маротаба очиб ташланди ҳамда бу давр тарихига холис ва ҳаққоний тарзда баҳо берила бошланди. Ўрта Осиёнинг Россия империяси томонидан босқинчилик йўли билан босиб олинганлиги масалалари ўзининг ҳаққоний баҳосини олди. Бу жараён албатта Ўзбекистон Республикасининг мустақилликка эришиши ва ҳукмрон коммунистик мағкурунинг барҳам топиши билан боғлиқдир. Истиқлол туфайли тарихий тадқиқотларни ҳаққоний тарзда яратилишига имконият туғилди. Шу жумладан, мустамлака давридаги бошқарув тизимини объектив тарзда ўрганилишида ҳам дастлабки натижаларга эришилди.

Хусусан, мустақиллик даврида яратилган асарлар орасида Н.Абдурахимованинг Туркестондаги мустамлака бошқарув тизимини ўрганишга бағишлиланган тадқиқотларининг¹⁰ аҳамияти каттадир. Мазкур тадқиқотларда Россия империясининг Туркестонда олиб борган сиёсий, маъмурӣ-худудий бошқарув соҳасидаги сиёсати, мустамлакачиликка асосланган бошқарув тартибларининг ўрнатилиши, ўлкада генерал-губернаторлик марказий бошқаруви фаолияти, уларнинг мустамлакачилик моҳияти, бошқарув тизимининг ҳарбийлашган тартиблари кўрсатиб берилган. Айниқса, Н.Абдурахимова ва Ф.Эргашевларнинг

⁸ Савицкий А. Некоторые данные об исламских учреждениях и политика царских властей в Туркестане. – Т.: Изд. АН Уз ССР, 1956; Бекмаханов Е.Б. Присоединение Казахстана к России. - М., 1957; Аминов А. Экономическое развитие Средней Азии. – Т., 1959; Джамгерчинов Б.Д. Присоединение Киргизии к России. - М., 1959; Бендиков К.Е. Очерки по истории народного образования в Туркестане. - М.: Академия пед. наук РСФСР, 1960; Азадаев Ф.А. Ташкент во второй половине XIX в. Очерки социально-экономической и политической истории. – Т., 1965; Юлдашев А.М. Аграрные отношения в Туркестане. – Т., 1969; Вексельман М.И. Российский монополистический и иностранный капитал в Средней Азии (конец XIX - нач. XX вв.). - Т., 1987 ва бошқалар.

⁹ Ахмаджонов F. Россия империяси Марказий Осиёда. –Т.: “ЎАЖБНТ” Маркази, 2003. – Б. 27.

¹⁰ Абдурахимова Н.А. Колониальная система власти в Туркестане (вторая половина XIX – начало XX в.): Автoref. дис. ... докт. истор. наук. - Т., 1994; Абдурахимова Н., Рустамова Г. Колониальная система власти в Туркестане во второй половине XIX – первой четверти XX в. - Т., 1999.

ҳамкорликда тайёрлаган монографияси ҳам Россия империясининг Туркистондаги мустамлака бошқарувига бағишланиб, унда Туркистон ўлкаси бошқарувининг тузилиши ва фаолияти таҳлил қилинган¹¹.

Ҳ.Д.Содиковнинг тадқиқотларида¹² эса Россия империясининг мустамлакачилик сиёсати, маъмурӣ-бошқарув тартиблари тадқиқ қилинган.

Д.А.Алимова, Ҳ.З.Зиёев, Ф.Исхоков, Ф.А.Аҳмаджонов ва бошқаларнинг Ўзбекистон мустақилликка эришгандан кейинги даврда эълон қилган тадқиқотларида¹³ мустамлакачилик бошқарув тизимига оид маълумотлар мавжуд¹⁴.

¹¹ Абдурахимова Н., Эргашев Ф. Туркистанда чор мустамлака тизими. - Т.: Академия, 2002.

¹² Содиков Ҳ.Д. Колониальная политика царизма в Туркестане и борьба за независимость в начале XX в.: Автореф. дис. ... докт. истор. наук. - Т., 1994.

¹³ Ҳасаний М. Туркистон босқини. - Т.: “Нур”, 1992; Мусаев Н. Туркистанда капиталистик ишлаб чиқариш муносабатларининг пайдо бўлиши (XIX асрнинг охири - XX аср боши). - Т., 1995; Ахмеджанов Г.А. Российская империя в Центральной Азии. (История и историография колониальной политики царизма в Туркестане). - Т.: “Фан”, 1995; Исҳаков Ф. Национальная политика царизма в Туркестане (1867 - 1917). - Т.: “Фан”, 1997; Зиёев Ҳ.З. Туркистанда Россия тажовузи ва ҳукмронлигига қарши кураш. - Т.: “Шарқ”, 1998; Ўзбекистоннинг янги тарихи. 1-китоб. Туркистон чор Россияси мустамлакачилиги даврида. - Т.: Шарқ, 2000; Туркестан в начале XX века: к истории истоков национальной независимости. - Т., 2000; Тарих шоҳидлиги ва сабоқлари: Чоризм ва совет мустамлакачилиги даврида Ўзбекистон миллий бойликларининг ўзлаштирилиши. - Т.: Шарқ, 2001; Аҳмаджанов Г.А. Россия империяси Марказий Осиёда. - Т.: “ЎАЗЖБНТ” Маркази, 2003 ва бошқалар.

¹⁴ Мусаев Н. Туркистанда капиталистик ишлаб чиқариш муносабатларининг пайдо бўлиши (XIX асрнинг охири - XX аср боши). - Т., 1995; Болтаев С.Д. Вакфное имущество в Туркестанском крае во второй половине XIX и в начале XX в.: Автореф. дис. ... канд. истор. наук. - Т., 1995; Воҳидов Ш. Қўқон хонлиги ва Бухоро амиригидаги унвон ва мансаблар. - Т., 1996; Аvezova X.Ш. Развитие банков и фирм в Туркестане во второй половине XIX – начале XX в.: Автореф. дис. ... канд. истор. наук. - Т., 1997; Зиёев Ҳ.З. Туркистанда Россия тажовузи ва ҳукмронлигига қарши кураш. - Т.: “Шарқ”, 1998; Абдуллаев Р.М. Национальные политические

Собиқ СССР парчалангач, Россия Федерацияси, Қозогистон, Тожикистон, Қирғизистон Республикаларида ҳам Туркистон ўлкаси тарихига оид кўплаб тадқиқотлар эълон қилинди¹⁵. Лекин, уларнинг баъзиларида бу давр тарихи турли нохолис, бир томонлама, шовинистик руҳда тарихий воқеликлар нотўғри талқин килинмоқда. Хусусан,

организации Туркестана в 1917-1918 годы.: Автореф. дис. ... докт. истор. наук. - Т., 1998; Зияева Д.Х. Национально-освободительное движение в Туркестане в XX века (проблемы изучения истории восстания 1916 года и движения “истиклолчилик” 1918-1924 гг.): Автореф. дис. ... докт. истор. наук. - Т., 1999; Рустамова Г.К. Колониальная сущность царской и большевистской власти в Туркестане (1867 - 1924 гг.): Автореф. дис. ... канд. истор. наук. - Т., 1999; Алимова Д.А. Джадидизм в Средней Азии. Пути обновления, реформы, борьба за независимость. - Т.: “Ўзбекистон”, 2000; Исмоилова Ж.Х. Национально-освободительное движение в Туркестане в начале XX века (на примере восстания 1916 года в Ферганской долине).: Автореф. дис. ... докт. истор. наук. - Т., 2002; Гоффоров Ш.С. Переселенческая политика Российской империи в Туркестане (вторая половина XIX – начало XX в.): Автореф. дис. ... докт. истор. наук. - Т., 2003; Жамолхожи И.Н. История формирования и развития нефтяной промышленности в Ферганской долине (1860-1917 гг.): Автореф. дис. ... канд. истор. наук. - Т., 2004; Ураков Д.Ж. Официальные отчеты российской администрации в Туркестане как исторический источник (конец XIX – начало XX вв.): Автореф. дис. ... канд. истор. наук. - Т., 2005; Абдуллаев У.С. Фаргона водийсида этнослараро жараёнлар (XIX – XX аср бошлари.) – Т., 2005; Қўлдошев М.М. Туркистон ўлкаси ҳукуқининг манбалари (1864 - 1917).: Юридик фанлари номзоди ... дис. автореф. - Т., 2005; Агзамходжаев С. История Туркестанской автономии (Туркистон мухторияти). - Т., 2006.

¹⁵ Бельй генерал. - М.: “Патриот”, 1992; Усебаев К. Народные движения Средней Азии в XIX веке (По материалам Киргизстана). - Бишкек-Ош, 1998; Чортегин Т.К., Омурбеков Т.Н. Қирғизистон тарихи (XIX аср боши – 1917 йил). - Жалолобод, 2000; История Казахстана. Т. 3. Казахстан в новое время. - Алматы: Атамура, 2000; История Казахстана и Центральной Азии. - Алматы: Дайк-Пресс, 2001; Глушченко Е. Герои империи. Портрет российских колониальных деятелей. - М.: XXI век – Согласие, 2001; Ферганская долина: этничность, этнические процессы, этнические конфликты. - М.: “Наука”, 2004 ва бошқалар.

rossиялик тарихчи Е.Глущенконинг Туркистонни босиб олиш жараёнига бошлилик қилган М.Д.Скобелев, К.П.Кауфман каби чор ҳукумати генералларини “Россия империяси қахрамонлари” деб улуғлаши ҳайратланарли ҳолдир¹⁶. Қирғизистон ва Тожикистон Республикаларида эълон қилинган баъзи нашрларда тарихий воқеликлар ҳалигача совет давридаги синфий ёндашув нуқтаи назаридан туриб бир томонлама нохолис ёзилган тадқиқотлар учрайди.

Россия империясининг мустамлака давридаги бошқарув тартиблари ва унинг тарихшунослик масалалари бугунги кунда долзарблигини ҳисобга олиб бу борада катта ҳажмдаги тадқиқотларни олиб бориш мақсадга мувофиқдир.

РЕЗЮМЕ

В данной статье рассматриваются проблемы истории и историографии колониальной политики Российской империи в Туркестанском крае, особенности колониального управления Туркестанского генерал-губернаторства в Средней Азии и социально-экономическое положение края. Был проведен анализ историографии, источниковой базы данной темы. Также были изучены вопросы участия представителей местного населения в административно-территориальном управлении Туркестанского края и особенности национальной историографии независимых государств, образовавшихся на постсоветском пространстве.

RESUME

In the article the questions were considered about the history and historiography of colonial policy of Russian Empire in the territory of Turkestan, peculiarities of colonial management of Turkestan general-governorship in Central Asia and socio-economical condition of the

territory. Historiography and source base of the given subject was analyzed. As well, the item about participation of representatives of local population in administrative territorial management of Turkestan territories and peculiarities of national historiography independent governments, which were formed on the post-soviet area, was given.

¹⁶ Глущенко Е. Герои империи. Портрет российских колониальных деятелей. – М.: XXI век - Согласие, 2001.

ИҚТИСОД

КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК КООПЕРАЦИЯ АЛОҚАЛАРИНИНГ МИКРОИҚТИСОДИЙ ЖИҲАТЛАРИ

и.ф.д. Салаев С.К.,
и.ф.н. Гулманов М.А. – УрДУ

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик (КБХТ) субъектлари бозор иқтисодиёти институционал тузилмасининг муҳим таркибий қисмларидан бири ҳисобланади. Маълумки, исталган бир минтақа ёки иқтисодиёт тармоғи кичик ва йирик бизнес (КЙБ) субъектларининг рационал нисбатларда ривожланишини тақозо қиласди. Шу сабабли ҳам барча иқтисодиёт тармоқларида ва минтақаларда кичик бизнес корхоналари ўртасида барқарор кооперация алоқаларини шакллантириш, ўзаро ҳамкорлик шаклларини илмий жиҳатдан чуқур татбиқ этиш долзарб масалалардан ҳисобланади.

2000-2012 йиллар мобайнида ҳукуматимизнинг кичик бизнес ва тадбиркорлик фаолиятига эътибори натижасида соҳанинг мамлакат ялпи ички маҳсулотидаги улуши 31 фоиздан 54 фоизгача кўпайди, ушбу соҳада меҳнат билан банд бўлғанлар сони шудавр ичиди 2 баробардан кўпроқ ошди ва иқтисодиёт тармоқларида меҳнат билан банд бўлғанларнинг 75,1 фоизидан кўпроғи унинг улушига тўғри келмоқда¹.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек: “...корхоналар ўртасидаги кооперацион алоқаларни кенгайтириш ва

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг “Бош мақсадимиз - кенг кўламли ислоҳотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш” мавзусидаги 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожланиши якунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор ўйналишларига бағишланган Вазирлар Махкамасининг мажлисидаги маъруzasи // Халқ сўзи. 2013 йил 19 январь, № 13 (5687), 2-бет.

бу жараёнга кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини фаол жалб қилиш зарур. Шуни назарда тутиш керакки, кооперация алоқаларини ривожланиши ҳозирги шароитда корхоналар ва иқтисодиёт тармоқлари фаолияти барқарорлигининг кучли омили, маҳсулотларнинг янги турларини ўзлаштириш ва энг асосийси – янги иш ўринларини яратиш, аҳоли бандлиги ва даромадларини кўпайтиришнинг энг муҳим ўйналиши ҳисобланади”².

Агар биз КБ субъектлари кооперация алоқаларига тизимли ёндашув нуқтаи назаридан қарайдиган бўлсақ, у ҳолда кооперация алоқалари бевосита унда иштирок этувчи томонлар, яъни иқтисодий агентларнинг ҳатти-ҳаракатлари ва ташқи муҳит таъсиirlарига бевосита боғлиқ. Бунда иқтисодий агентлар сифатида турли хўжалик юритувчи субъектлар, жумладан, КЙБ субъектлари, ишлаб чиқариш ва бошқарув фаолияти билан шугулланувчи мустақил корхоналар майдонга чиқиши мумкин. Ўзаро алоқага кирувчи тизимлар таркибига КБ субъектлари ҳам киради. КБ субъектларининг бошқа иқтисодий агентлар билан кооперация алоқалари жараёни бир ёки бир нечта тизимларга чиқиш ҳамда бошқа тизимларнинг кириш алоқаларини назарда тутади. КБ кооперация алоқалари жараёни мазкур илмий мақолада кўйилган мақсад ва тадқиқот вазифаларидан келиб чиқсан ҳолда турли мезонлар бўйича таснифланиши мумкин (1-жадвал. КБХТ кооперация алоқаларининг таснифи)³.

² Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2009 йилнинг асосий якунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожланишишнинг энг муҳим устувор ўйналишларига бағишланган Вазирлар Махкамасининг мажлисидаги маъруzasи // Халқ сўзи. 2010 йил, 30-январь. № 21. З-бет.

³ Гулманов М.А. Кичик бизнес кооперацион алоқаларини эконометрик моделлаштириш (Хоразм вилояти мисолида). Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун диссертация. Т.ТДИУ.2012. Б.15-16

КБХТ кооперация алоқаларининг таснифи

№	Таснифлаш мезонлари	Кооперация алоқалар варианtlари
1.	Кооперацияни қайси соҳада амалга оширишга кўра	Қишлоқ хўжалик, саноат, савдо, молиявий, хизмат кўрсатиш, таъминот, ишлаб-чиқариш-хўжалик кооперацияси ва ҳ.к.
2.	Кооперация алоқалари субъектларига кўра ёки миқёсига кўра	КБ субъектлари кооперацияси, КЙБ субъектлари кооперацияси, ЙБ субъектлари кооперацияси.
3.	Кооперация алоқалари генезиси ва зичлигига кўра	Мустақил тузилмалар кооперацияси, турдош тузилмалар кооперацияси.
4.	Кооперация алоқалари иштирокчилари ва ўзаро боғлиқлар сонига кўра	Оддий иккита шерикнинг икки томонлама, бир неча шерикларнинг кўп томонлама алоқалари
5.	Кооперация алоқалари барқарорлигига кўра	Иқтисодий симбиоз ва нобарқарор кооперация алоқа
6.	Олиб бориладиган худудига кўра	Маҳаллий, минтақавий, миллий, халқаро кооперация
7.	Кооперация предметига кўра	Франчайзинг, кредит, сотув, венчур, и/ чиқариш кооперацияси
8.	Кооперация алоқалари легаллигига кўра	Очиқ ва яширин кооперация
9.	Кооперация кўламига кўра	Кичик кооперация ва йирик кооперация
10.	Кооперация ўйналиши ва тавсифига кўра	Вертикал, горизонтал ва аралаш кооперация
11.	Кооперация босқичларига кўра	Бир, икки ва кўп босқичли кооперация
12.	Кооперация давомийлигига кўра	Вақтингчалик ва доимий, бир марталик кооперация
13.	Кооперациянинг комплекслигига кўра	Қисман ва тўлиқ кооперация
14.	Кооперация алоқалари ўйналишига кўра	Анъанавий ва инновацион кооперация
15.	Кооперацияни амалга оширувчи томонларнинг соҳага мансублигига кўра	Ишлаб чиқариш хўжалик, бошқарув ва мувофиқлаштирувчи, молиякредит тизимли тузилмалар

Куйидаги жадвалда КБ кооперация алоқалари жараёнининг таркибий хусусиятлари ҳамда хоссаларини ифодалашга имкон берувчи таснифлашнинг ўзига хос варианти келтирилган. Биз ишлаб чиқсан юқоридаги кооперация алоқалар таснифига кўра, қуйидаги мезонлар фарқланади.

1. Кооперацияни қайси соҳада ёки иқтисодиёт тармоғида амалга оширилишига кўра, саноат, қишлоқ хўжалиги, қурилиш, савдо, хизмат кўрсатиш, таъминот кооперацияси каби турлари фарқланади. Энг кўп тарқалган кооперация, асосан, саноат, қишлоқ хўжалигига кузатилади.

2. Кооперация алоқаларни амалга оширувчи субъектларнинг миқёсига кўра, КБ субъектлари, КЙБ субъектлари, йирик бизнес (ЙБ) субъектлари кооперацияси фарқланади. КБ субъектлари

кооперациясида якка тадбиркор, микрофирма ва кичик корхоналар кооперация алоқаларга киришса, КЙБ субъектлари кооперациясида юқоридагиларга йирик корхоналар қўшилган ҳолда кооперация алоқалари ўрнатилади. ЙБ субъектлари кооперациясида фақатгина йирик корхоналар-гигантларнинг ўзаро ҳамкорлик алоқалари тушунилади.

3. Кооперация алоқаларининг генезиси ва зичлигига кўра, мустақил ва турдош тузилмалар кооперацияси фарқланади. КБ субъектлари йирик ишлаб чиқариш тузилмаси негизида ташкил этилиши мумкин ёки бошқа кичик корхона томонидан вужудга келтирилиши мумкин. Бундай ҳолда генетип жиҳатдан турдош бўлган субъектлар тўғрисида сўз юритилади (масалан, шўъба ва она фирмалар). Кичик корхоналар ёки микрофирмалар вужудга келган дастлабки даврларда ўзаро генетик

алоқалар зичлиги юқори даражада бўлади ва вакт ўтиши билан аста-секин сусая бошлайди. Таъкидлаш жоизки, аффилияциялашган (французча “affiliation” – бирлашиб) тузилмалар ҳам вужудга келиши мумкин. Бироқ вакт ўтиши билан бу алоқалар заифлашиб, янги ташкил этилган корхоналар мустақил тузилмага айланиши мумкин.

Кооперация алоқаларининг ривожланиш жараёни тескари йўналишда ҳам амалга оширилиши мумкин. Дастребки мустақил корхоналар “яшаш учун” доимий шерик топадилар ва бу ишончли шерик билан мустаҳкам алоқалар тизимини ўрнатадилар. Бу ҳолда субъектлар шериклари билан иқтисодий манфаатлари ва мақсадлари турдош ёки бир хил тизимга эга бўладилар.

4. Кооперация алоқалари иштирокчилари ва ўзаро боғланишлар сонига кўра ўзаро ҳамкорлик алоқалари оддий 2 та ишлаб чиқарувчи ёки хизмат кўрсатувчи тузилмаларнинг 2 томонлама алоқалари ҳамда бир нечта шерикнинг кўп томонлама алоқаларига ажралади.

5. Кооперация алоқаларининг баркарорлик даражасига кўра, КБ субъектларининг бошқа ишлаб чиқариш (савдо, саноат, қишлоқ хўжалиги ва х.к.) тузилмалари билан баркарор ҳамкорлик алоқалари иқтисодий симбиозни^{*} ташкил қиласди. КБ операцион алоқаларининг баркарорлиги кучсиз, муҳим бўлмаса, у ҳолда кооперация алоқалари трансформациялашув, яъни ҳатти-харакатлар симбиозга олиб келиш, ёхуд кооперация алоқалари тугаши тенденциясига эга.

6. Кооперация алоқаларини олиб бориладиган худудига кўра, тор доирадаги маҳаллий кооперация алоқалар, минтақавий, миллий ва халқаро даражадаги кооперация алоқаларига ажратилади. Албатта, бу таснифи янада аниқлаштириш мақсадида микро, макро, мезо, мега кооперация алоқалари деб такомиллаштириш мумкин.

7. Кооперация алоқалари предметига кўра франчайзинг, лизинг, ишлаб чиқариш, молия-кредит, қўшма корхона, илмий парклар, тижорат триангуляция,

тижорат трансферт, венчурга асосланган ҳамкорлик муносабатларига ажралади.

8. Кооперация алоқалари легаллигига кўра очиқ ва яширин кооперация турлари фарқланади. Албатта, бу ерда яrim яширин кооперация алоқалари каби бошқа турлари ҳам учраши мумкин.

9. Кооперация алоқаларининг кўламига ва ҳажмига кўра кичик доирадаги ва ҳажмдаги ёки йирик кооперация турлари фарқланиши мумкин.

10. КБ субъектлари кооперация алоқаларининг йўналиши ва тавсифи бўйича аралаш (ҳам горизонтал, ҳам вертикал), вертикал ҳамда горизонтал кооперация алоқаларини ажратиб кўрсатиш мумкин.

11. Кооперация алоқаларининг изчиллиги ва кетма-кетлигига кўра бир босқичли, икки босқичли ва кўп босқичли алоқалар фарқланади, яъни кооперация алоқалар факат бир, икки босқичдан иборат бўлиши ёки 4-5 босқичдан иборат бўлиши мумкин.

12. КБ кооперация алоқаларининг давомийлигига кўра, бир марталик ёки вақтинчалик, кўп марталик ёки доимий кооперация алоқалар фарқланади. Бир марталик кооперация алоқалари муайян бир детал ёки бутловчи қисмни ягона буюртма орқали тузаттириб олишни назарда тутса, кўп марталик ёки доимий кооперация алоқалари муайян бир шериклар билан узоқ муддатли иш олиб боришни назарда тутади.

13. Кооперация муносабатларининг комплекслигига кўра, қисман ва тўлиқ кооперация фарқланади. Агар қисман кооперация муайян бир товар ёки хизматнинг айрим қисмларинигина ишлаб чиқаришни назарда тутса, тўлиқ кооперация муайян бир товар ёки хизматни тўла кооперация асосида ишлаб чиқаришни ёхуд бирон тадбиркорлик гоясини то истеъмолчи қўлига товар ёки хизмат сифатида етиб боришигача бўлган жараённи кооперациялашувини назарда тутади.

14. КБ кооперация алоқалари ўз кўламига кўра, анъанавий товар ва хизматлар ишлаб чиқаришни назарда

тутувчи (нон, гўшт, велосипед, стол, кўйлак) анъанавий кооперация алоқалари ҳамда инновацион товар ва хизматлар ишлаб чиқаришни кўзда тутувчи (узайиб, кичраядиган автомобил, ёруғлики ёстиқ, кир машинаси плюс унитаз, кислород барлари ва ҳ.к.) инновацион кооперация алоқаларга ажралади.

15. Кооперация алоқаларини амалга оширувчи томонларни муайян соҳага мансублигига кўра, ишлаб-чиқариш-хўжалик тузилмалари (ИЧХТ) кооперация алоқалари, бошқарув-мувофиқлаштирув тузилмалари билан кооперация алоқалари, молия-кредит тизими тузилмалари (МКТТ) кооперация алоқалари фарқланади. ИЧХТ лари кооперация алоқалари турли йўналишдаги ҳар хил корхоналар билан кооперацияни назарда тутса, бошқарув-мувофиқлаштирув тузилмалари билан кооперация алоқалар маҳаллий ҳокимият органлари, солиқ ва божхона органлари билан ҳамкорлик алоқаларини кўзда тутади. МКТТ лари билан ҳамкорлик алоқалари банклар, кредит ташкилотлари билан кооперацияни назарда тутади.

Бизнинг фикримизча, кичик бизнес субъектлари кооперация алоқаларининг юқоридагидек микроиктисодий жиҳатлари ва табиатини ўрганиш, кооперация алоқаларини турли мезон ва кўрсаткичлар бўйича таснифлаш илмий-назарий ахамиятга эга бўлиб, ушбу йўналишдаги тадқиқотларда муҳим услугбий манба бўлиб хизмат қиласди.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2009 йилнинг асосий якунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иктисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишлиланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2010 йил, 30-январь. № 21. 3-б.

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг “Бош мақсадимиз-кенг кўламли ислоҳотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш” мавзусидаги 2012 йилда

мамлакатимизни ижтимоий-иктисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иктисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишлиланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2013 йил 19 январь, № 13 (5687), 2-б.

3. Гулманов М.А. Кичик бизнес кооперацион алоқаларини эконометрик моделлаштириш (Хоразм вилояти мисолида). Иктисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун диссертация. - Тошкент. ТДИУ. 2012. Б.15-16.

РЕЗЮМЕ

В данной статье рассматриваются микроэкономические аспекты и особенности кооперационных связей малого бизнеса и частного предпринимательства. Кроме того, приведена классификация кооперационных связей малого бизнеса и частного предпринимательства, и их сущность основанных разным критериям и показателям.

RESUME

This article examines the microeconomic aspects and features of cooperative relations of small business and private entrepreneurship. In addition, the classification will result in cooperative relations of small business and entrepreneurship, and their nature is based on different criteria and indicators.

СОЦИЛОГИЯ

ЁШЛАР ЎРТАСИДА МАЊНАВИЙ ТАРГИБОТ ЖАРАЁНИДА ИХТИСОСЛАШГАН ТЕЛЕКАНАЛЛАРНИНГ ЎРНИ

**Ахмедов Т. - Ўзбекистон Республикаси
Президенти ҳузуридаги Давлат
бошқаруви академияси тингловчиси**

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, бошқа соҳалар билан бирга миллий телевидение тизимида ҳам улкан ўзгаришлар рўй берди. Ҳар жиҳатдан бугунги кун талабларига жавоб берадиган, рақамли ускуналар, медиатехнологиялар, замонавий ишлаб чиқариш-техника базасига эга бўлган, аҳоли ҳамда жамиятнинг ҳар томонлама ва холис ахборотга бўлган талаб-эҳтиёжларини қондиришга тўла мос бўлган миллий телевидение тизими босқичма-босқич ривожланди. Энг асосийси, миллий телевидение тизимида давлат телеканаллари билан бирга, нодавлат телеканалларининг фаолияти йўлга кўйилди. Турли йўналишдаги ихтисослашган телеканалларнинг очилиши миллий телевидение тизимининг мазмуни ва сифатини оширишда муҳим омил бўлди.

Бу борада "Ёшлар" телеканали фаолиятини алоҳида таъкидлаш керак. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 26 мартағи "Ижтимоий-мањнавий муҳитни янада соғломлаштириш, диний ақидапарастликнинг олдини олиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 130-сонли қарори асосида қабул қилинган "Хуқуқий-демократик давлат асосларини мустаҳкамлаш, ижтимоий-мањнавий муҳитни янада яхшилаш, диний ақидапарастликнинг олдини олиш чора-тадбирлари дастури"¹га мувофиқ "ОАВ ва ёшлар"

махсус дастурини амалга ошириш учун телевидениеда доимий "Ёшлар" ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, илмий-мањрифий, маданий-музикий, спорт, кўнгилочар канали ташкил этилди. Ушбу каналнинг очилиши миллий телеканаллар тизими ривожининг навбатдаги босқичи бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Мустақил телерадио каналларни ислоҳ қилиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 2005 йил 8 ноябрдаги ПФ-3678-сонли Фармонига биноан эса Ўзбекистон телерадио-компаниясининг "Ёшлар" телеканали ва "Ёшлар" радиоканали негизида "Yoshlar" телерадиоканали² ёпиқ акциядорлик жамияти қайта ташкил қилинди². "Yoshlar" телерадиоканали² ёпиқ акциядорлик жамияти акцияларининг 51 фоизи давлатга, 49 фоизи эса Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган тартибда юридик шахсларга - Ўзбекистон Республикаси резидентларига тааллуқли бўлиши белгилаб қўйилди. Шунингдек, Фармонда "Yoshlar" телерадиоканали² ЁАЖда акцияларнинг давлат улушкини бошқариш хуқуки Ўзбекистон МТРКга топширилди, "Yoshlar" телерадиоканали² ЁАЖ фаолиятига Васийлик кенгashi раҳбарлик қилиши кўрсатиб ўтилди.

Айтиш лозимки, мамлакатимиз аҳолисининг 64 фоизини ёшлар ташкил этади ва айнан миллий телевидение тизимида ёшларга мўлжалланган алоҳида ихтисослашган каналнинг очилиши уларнинг ижтимоий-мањнавий хаётида муҳим воқелик бўлди. Ёшларнинг ҳар жиҳатдан камол топишида бошқа омиллар билан бирга, телевидениенинг ҳам муҳим ўрни бор. Чунки ёшларнинг бўш вақтини аксар қисми ойнаи жаҳондан турли дастурларни томоша

¹ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 26 мартағи "Ижтимоий-мањнавий муҳитни янада соғломлаштириш, диний ақидапарастликнинг

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Мустақил телерадио каналларни ислоҳ қилиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 2005 йил 8 ноябрдаги ПФ-3678-сонли Фармони// Lex.uz.

қилиш билан ўтади. Президент И.Каримов такидлаганидек, "...ҳозирги пайтда ҳаётимизни электрон ахборот воситалари, хусусан, телевидение ва радиосиз умуман тасаввур этиб бўлмайди. Бугунги кунда улар бир вақтнинг ўзида ҳам ахборот майдони, ҳам ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий минбар, шу билан бирга, инсонга маданий, бадиий-эстетик озиқ берадиган ва ҳордиқ чиқарадиган макон вазифасини бажармоқда, десак, хато бўлмайди"³.

Айнан ёшларнинг ахборотга бўлган талаб-эҳтиёжларини таъминлаш; турли дастурлар ва кўрсатувлар орқали маънавий-ғоявий таъсир кўрсатишнинг самарали воситаларидан унумли фойдаланиш; уларнинг мамлакатимиз ва унинг атрофида бўлаётган воқеа-ҳодисалардан боҳабар қилиб бориш, юртимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий, маданий ислоҳотларда иштирокини кўрсатиб бериш; ёшларнинг миллий ва умуминсоний қадриятлар, миллий маънавий қадриятлар ва урф-одатлар руҳида тарбиялаш; ҳар жиҳатдан ўз позициясига, алоҳида маънавий дунёқарашга, кенг тафаккур тарзига эга бўлган ёшларни шакллантириш "Ёшлар" телеканали фаолиятининг мазмун-моҳиятига айланди.

Шу боис Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Мустақил телерадио каналларни ислоҳ қилиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида" Фармони биноан "Yoshlar" телерадио-канали" ёпиқ акциядорлик жамияти фаолияти учун қуйидагилар алоҳида вазифалар сифатида белгиланди:

- мамлакатни демократик янгилаш, инсон хукуклари ва эркинликларини ҳимоя қилиш, ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш жараёнларида ёшларнинг иштирокини кенг ёритиш;

- умуминсоний қадриятларни тарғиб қилиш, йигит ва қизларни ҳалқимизнинг тарихий анъаналари,

маънавий қадриятлари, миллий маданиятимиз ва жаҳон цивилизациясининг илғор ютуқлари асосида маънавий-ахлоқий жиҳатдан етук, маърифатли, билимли ҳамда ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, мамлакатимиз замонавий ёшларининг ички маънавий дунёсини намоён этишга йўналтирилган телекўрсатув ва радиоэшиттиришлар тайёрлаш;

- Ўзбекистон ёшларининг "Камолот" ижтимоий ҳаракати ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорликда ёш авлоднинг фаол ҳаётий позициясини шакллантиришга қаратилган республика ва ҳалқаро миқёсдаги турли теле-, радиофестивалларни ташкил қилиш⁴.

Бундай вазифаларни амалга ошириш учун телеканал ижодкорлари тинимсиз меҳнат қилишди, ёшларнинг талаб-эҳтиёжлари ва дунёқарашларидан келиб чиқиб бир қатор кўрсатувлар ҳамда лойиҳалар тайёрланди. "Ёшлар" телеканали ташкил этилган вақтда қуидаги йўналишларда фаолиятини бошлади: публицистик, бадиий-публицистик ва бадиий дастурлар. Шунингдек, хорижда ишлаб чиқарилган кино, видео ва ҳужжатли фильмларни ўзбек тилига таржима қиладиган дубляж гуруҳи ҳам иш бошлади⁵.

Ушбу йўналишларда самарали фаолият олиб борилди. "Давр", "Давр хафта ичиди", "Давр - интервью", "Давр репортаж", "Оила тилсими", "Азизим", "Синфдош", "Бегойим", "Сийрат", "Мезон", "Эрта сўнган юлдузлар", "Дийдор" сингари публицистик кўрсатувлар, "Замин юлдузлари", "Қилни кирқ ёриб", "Заковат", "Дастхат", "О, ёшлигим", "Очун", "Зинама зина", "Лабиринт" кўрсатувлари, кўнгилочар,

⁴ Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Мустақил телерадио каналларни ислоҳ қилиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 2005 йил 8 ноябрдаги ПФ-3678-сонли Фармони// Lex.uz.

⁵ Раҳматуллаева И. Ўзбекистон телевидениесида ёшлар кўрсатувлари (бадиий маҳорат муаммолари). Санъатшунослик фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – Т., 2007. – Б. 95.

³ Каримов И. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: "Маънавият", 2008. – Б. 63.

маиший мавзудаги ва ижтимоий токшоулар сингари бадиий-публицистик дастурлар телеканал фаолиятида муҳим ўрин тутди. “Ёшлар” телеканали бадиий жанрдаги кўрсатувлари икки гурухда ривожланди. Булар ҳажвий кўрсатувлар (“Маслаҳат”, “Мутойиба”) ва кичик ҳажмли бадиий фильмлардир (“Оқкуш”, “Олис осмон остида”, “Тохир ва Зухра”)⁶.

Телеканал ижодкорлари томонидан болалар мавзусида туркум кўрсатувлар, жумладан, кичик ёшдаги болаларга мўлжалланган “Даврнинг боласи”, “Катта танаффус”, “Кичкинтоилар боғи” каби маърифий теледастурлар эфирга узатиб борилди. Ушбу кўрсатувларда болалар ҳаётининг барча соҳалари қамраб олинади ва унда кичкинтоиларнинг атрофдаги воқеа-ҳодисаларга муносабати ҳақида сўз юритилади.

Бундан ташқари ўзбек миллий адабиётининг бугунги куни ҳақида фикр юритувчи, болаларнинг китобга бўлган муносабатини ошириш мақсадида тайёрланиб келинаётган “Китоб - офтоб” кўрсатуви, уларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказишга қаратилган “Болалар табассуми” ҳажвий теледастурлари, болаларга ҳайвонот дунёси ҳақида маълумот берувчи “Кувноқ ўрмонча” телевўйини, турли соҳаларда ютуқларга эришаётган болалар ҳаёти ҳақида ҳикоя қилувчи “Чашма” кўрсатуви кенг омманинг эътиборига сазовор бўлди⁷.

Телеканалнинг “Давр” ахборот теледастури орқали ўзлигимизни англаш, миллий маънавиятимизни юксалтириш борасида амалга оширилаётган ишлар, ушбу йўналишда ўтказилаётган тадбирлар атрофлича ва холисона ёритиб келинмоқда. “Салом, ёшлар!” тонгги ахборот-маърифий дастури, “Уйимдаги фариштам”, “Бугун”, “Ижод мактаби”, “Инсон психологияси”, “Ош бўлсин!”, “Бугундан эсдалик”, “Якшанба нонуштаси”, “13-студия” каби кўрсатувлар турли ёшдаги

телетомошибинларга манзур бўлди. Халқимизнинг тинчлиги ва барқарорлигини сақлаш, фуқароларимизнинг ҳуշёрги ва огоҳлигини оширишга қаратилган, ёшларни турли хатарли таҳдидлар ҳамда бизга ёт бўлган диний экстремистик таъсирлардан ҳимоя қилишга қаратилган мавзуларда бир қатор теледастурлар ва видео-роликлар тайёрлаб, эфирга узатиб келинмоқда. Телеканалда бу мавзууда “Кузатув”, “Юрт тинчлиги”, “Улуг неъмат” номли ижтимоий роликлар мунтазам эфирга бериб борилмоқда. Ёшлар ўртасида жиноятчилик ва гиёхвандликнинг олдини олишга қаратилган профилактика тадбирларининг аҳамияти ҳақида сўз юритувчи “Ўз йўлингни ўзинг танла” видео-ролиги, “Нафс гирдоби” кўрсатувини ҳам айтиб ўтиш лозим⁸.

“Шу сабабли – дейди Президент И.Каримов, - ўткир таъсир кучига эга бўлган телевидение ва радио соҳасини изчили тараққий эттириш жамиятнинг доимий эътибор марказида бўлиши табиий. Ҳозирги кунда мамлакатимиздаги асосий миллий теле-радиоканаллар аҳолининг холис ва ҳаққоний ахборотга эга бўлиш ҳуқуқини таъминлаш, юртдошларимизнинг маданий савияси, билим ва дунёқарашини ошириш, қадимий анъаналаримиз, тарихий меросимизни асрраб-авайлаш ва ривожлантириш, шу билан бирга, фуқароларимиз онгида демократик қадриятлар, гражданлик позициясини шакллантириш, ёш авлодни ватанпарварлик ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш йўлида муносиб хизмат қилаётганини таъкидлаш керак”⁹.

Ўтган вақт давомида “Ёшлар” телеканали ўзига юклатилган вазифаларни бажаришда муваффақиятли фаолият олиб борди. Буни Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг “Мониторинг, таҳлил, ўкув ва маҳаллий телерадиолар билан ишлаш”

⁶ Ўша жойда. – Б. 95, 124.

⁷ Ибрагимов Д. “Yoshlar” – баркамол авлод тарбиячиси // Ўзбекистон матбуоти. №3, 2010. – Б. 49.

⁸ Ўша жойда. – Б. 49.

⁹ Каримов И. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: “Маънавият”, 2008. – Б. 64.

департаменти томонидан ўтказилган социологик сўров натижаларидан ҳам билиш мумкин. Сўровномада 15 ёшдан 60 ёшгача бўлган 504 нафар аҳоли вакиллари қатнашган бўлиб, уларга мурожаат килинган саволларга қўйидагича жавоб беришган. Хусусан, “Ёшлар” телеканалини мунтазам кўриб борасизми?”, дейилган саволга 78% одам “Ха” деб жавоб берган. “Ёшлар” телеканалини нима учун томоша қиласиз?” саволига 55% қатнашувчилар дунё ва мамлакатимизда содир бўлаётган янгиликлар, ислоҳотларнинг боришидан воқиф бўлиш учун, 30% респондентлар видеофильм ва сериалларни томоша қилиш учун, 24% аҳоли қизиқарли кўрсатувларни томоша қилиш учун, 16% қатнашувчилар мусиқа ва ашуласларни томоша қилиш учун, 4% респондентлар эса вақт ва об-ҳавони билиш учун томоша қилишини айтган¹⁰.

Умуман олганда мамлакатимизда миллий телеканалларнинг сони ва сифатининг ошиши оммавий ахборот воситаларининг давлат ва жамият хаётидаги аҳамиятини оширади, аҳолининг, энг аввало ёшларнинг маънавий дунёсига, ижтимоий-сиёсий фаоллигига ижобий таъсир этади, уларнинг кундалик турмуш тарзини ажralmas қисмига айланниб, ғоявий-ахлоқий тарбия омили сифатидаги роли ошади. Шу боис телетомошибинлар аудиториясини кенгайтиришни мақсад қилган ҳар қандай телеканал ўзи эфирга узатаётган кўрсатув, видео-ролик ва рекламаларнинг мазмуни ва сифатини аҳолининг талаб-эҳтиёжларига мос ҳолатда тайёрлайди. Ўз ўрни ва кенг аудиториясига эга бўлган “Ёшлар” телеканали фаолияти ҳам ана шундай мезонлар асосида йўлга қўйилган. Телеканал ёшларнинг қизиқишилари, талаб ва истаклари, баркамол авлодни шакллантириш билан боғлиқ вазифалар, бугунги кунда мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг бош

мақсадидан келиб чиқиб фаолият кўрсатмоқда.

РЕЗЮМЕ

В статье обсуждаются роль специализированных телеканалов в процессе духовной пропаганды среди молодежи.

RESUME

In the article the role of specialized TV channels in the process of spiritual education is discussed.

¹⁰ Ўтаев Ў. Телевидение –давр кўзгуси. – Т.: “Ўзбекистон”, 2010. – Б. 183-184.

ФИЛОЛОГИЯ

ОБОЗНАЧЕНИЕ ВРЕМЕНИ В ПОСОЛЬСКИХ КНИГАХ ПО СВЯЗЯМ РОССИИ С ХИВОЙ XVII в.

Чупанов А.А. – доц. УрГУ

Понятие времени, получившее свое первоначальное оформление «в древнечерковнославянском языке, лексико-семантическая система которого создавалась под известным влиянием греческого языка» [3. С. 108], в большинстве своём известно всем славянским, в частности восточнославянским, языкам.

Само слово время в русском языке является южнославянским заимствованием [4. С.136]. В письменных памятниках русского языка наряду со старославянизмом время («в санскритском: vartman – путь, колея, т.е. след колеса, с тем же и.е. корнем, что и в о.с. вертети») «нечто вращающееся», «нечто возвращающееся в прежнее положение» [4. С.137] встречается и древнерусская форма веремя.

Словарь русского языка XI-XVII вв. лексему время впервые свидетельствует в Слове о полку Игореве под 1204 г. в значении «отрезок времени»¹: «Начати же ся тый песни по былинамъ сего времени, а не по замышлению Бояню» [2. С. 108], а форму веремя – в Смоленских грамотах XIII-XIX веков под 1229 г.: «Что ся деете по веремьнемъ, то отидето по верьмьнемъ» [1.С. 85].

В письменных памятниках русского языка, в частности, «Посольских книгах по связям России с Хивой 1670-1673 гг.» (далее ПК 1), «Посольских книгах по связям России с Хивой 1682-1684 гг.» (далее ПК 2), хранящихся в фонде 134 «Сношения России с Хивой» Российского государственного архива древних актов (РГАДА) в Москве, отмечается лишь одна форма – время: «юргенског(о) хана (Анавша) посол

Полаткул ... ехал к ... великому г(о)с(у)д(а)ю (Алексею Михайловичу) к Москве и приехал в Синбирскъ и в то время был в Синбирске касимовской ц(а)р(и)цы ч(е)л(о)в(е)къ Курбангунка» [ПК 1, лист 87]; «онъ (хивинского Анавшамамбета хана посол Абреимбек Аvezбеков) многое время живет в Астарахани а к Москве и назад в Хиву не едетъ» [ПК 2, л. 10 оборот]. Это объясняется тем, что старославянизм время, прочно закрепившийся в памятниках русской письменности русского языка, «не воспринимался как заимствование» [3. С.108]

Названия единиц времени, встречающиеся в документах - грамотах московских царей; отписка воевод русских городов; членитных приставов, переводчиков, толмачей, русских пленных; отрывках статейных списков русских посланников; расспросных речах среднеазиатских послов, гонцов; указах царей; памятях, докладах должностных лиц; старинных русских переводах среднеазиатских ханов, членитных их послов, гонцов, росписях ханских и посольских подарков, переписанных в посольские книги, имеют определённую, только им присущую структуру. Наиболее полные включали в себя:

1) предлог во + год: «во POS [1668] году» [ПК 1, л. 55]; «во РПА [1673] году» [ПК 2, л. 47];

2) год + месяц + предлог въ + число + день: «РПА [1673] г(о) февраля въ ИI [21]де(нь)» [ПК 1, л. 90]; «РЧВ [1683] г(о) въ В [2] де(нь)» [ПК 2, л. 15];

3) предлог в + прилагательный нынешний + предлог во + год: «в н(ы)нешнемъ во РОИ [1670] году» [ПК 1, л. 6]; «в н(ы)нешнемъ во РЧ [1681] м году» [ПК 2, л. 14];

4) предлог в + прилагательный нынешний + существительное г(о)с(у)д(а)рь, обозначающее этикет обращения, + предлог во + год + месяц + число + день: «в н(ы)нешнемъ г(о)с(у)д(а)рь во РОИ [1670] м году генваря въ 3 [7] день» [ПК 1, л. 1];

5) предлог во + год + месяц + предлог в + число + день: «во РОЗ [1669] году марта въ В [2] де(нь)» [ПК 1, л. 6].

В значениях «время», «неопределённый отрезок времени» в посольских книгах часто выступают также сочетания слов по се врем, относящихся к номенклатуре времени: «от хана (хивинского Анавшамамбета) ево (хивинского посла Абреимбека) указ по се время нетъ и к Москве онъ не дождався от хана своего указу ехать не похочеть» [ПК 2, л. 28 об.].

Со значением «отрезок времени» в рассматриваемых нами посольских книгах встречается и слово число: «И был он (российский посол Иван Федотов) в той посылке (в Хиве) и с проездом февраля съ ЕІ (15) числа РОЗ [1669] г(о) году ноября по С [6] число н(ы)нешняг(о) РОИ г(о) году θ [9] м(е)с(я)цов» [ПК 1, лл. 33-33 об.].

В ряде примеров слово день имеет значение «календарная дата» и обозначает определённое число месяца: «июня де въ СІ [16] де(нь) юргенской Анавша ханъ прислал к Ивану (российскому послу) с товарищи с приставом корму Д [4] борана да крупъ и пшеницы ...» [ПК 1, л. 10]; «генваря въ θ [9] де(нь)» [ПК 1, л. 76]; «февраля въ КЗ [27] де(нь)» [ПК 1, л. 95 об.]; «апреля въ АІ [11] де(нь)» [ПК 1, л. 101]; «ноября въ ДІ [14] де(нь)» [ПК 2, л. 37].

Синонимом слова год в одном из его значений было лето. Для год значение «год, 365 дней» является вторичным, а для слова лето – первичным. Основным значением слова лето было «год»: «Лета ≠ЗРПА [1673] г(о) февраля въ КА [21]де(нь)» [ПК 1, л. 132]; «Лета ≠ЗРЧ [1681] г(о) июля И[18] де(нь)» [ПК 2, л. 8].

Но со временем между значениями слов год и лето появилось разграничение. Как указывает Ф.П.Филин, «с установлением счёта годов (в древней Руси от библейского сотворения мира) понятие ‘год’ качественно меняется, становится более отвлечённым, астрономическим ... За словом лето

закрепляется значение ‘сезон’, а для понятия ‘год’ выдвигается новый термин годъ, временное значение которого раньше было довольно неопределенным» [3. С.112]

Обращает внимание и то, что в отдельных случаях в официальных дипломатических документах, в частности, в старинных русских переводах ярлыков хивинских ханов фиксируются фразы, являющиеся данью своеобразному эпистолярному этикету XVII в. Таковым является, например, употреблённое в тексте русского перевода XVII в. ярлыка хивинского хана Анавшамамбета «великим государя и великим князям» Иоанну Алексеевичу и Петру Алексеевичу, написанного арабской графикой на среднеазиатском фарси, устойчивое словосочетание многие лета, связанное с пожеланием здоровья адресату: «А мы (хивинский хан Анавшамамбет) желаем от б(о)га в(а)шего (Иоанна Алексеевича и Петра Алексеевича) здравия на многие лета» [ПК 2, л. 42 оборот].

Одним из распространённых обстоятельственных выражений, соотносящихся события во времени, является словосочетание в прошлом году: «в прошломъ во РОЗ [1669] м году» [ПК 1, л. 32 об.]; «и в прошлом де во РОИ [1670] м году» [ПК 1, л. 84]; «в прошлом де во РЧА [1683] м году в ыюне м(е)сяце» [ПК 2, л. 15].

Наряду с приведённой, в посольских книгах отмечается ещё одна форма местного падежа, окончания которой восходят к твёрдой разновидности склонения на ő, во множественном числе:; «в прошлых годах присыланы к Москве из Астарахани с кизылбашскими гонцами и с кубчинами в приставех астараханцы дети боярские» [ПК 1, лл. 79-79 об.]; «в прошлых годах посыпано от великого государя къ юргенскому хану с послы ево по челобит(ъ)ю по два къречата с наряды» [ПК 1, л. 123 об.]; «а в прошлех и во РПЗ [1779] годех давано великих г(о)с(у)д(а)рей жалованья» [ПК 2, л. 99].

Данные посольских книг 1670-1673 гг. показывают, что прилагательный прошлый указывает не только на предыдущий год, но и на год, прошедший вообще, который мог отстоять от указанного на несколько лет: «в прошлом во РКГ [1615] году по указу бл(а)женные памяти великого г(о)с(у)д(а)ря ц(а)ря и великого кн(я)зя Михаила Федоровича всея Русии...» [ПК 1, л. 34 об.]; «в прошлом во РξЗ [1659] м году приезжалъ к великому г(о)с(у)д(а)рю юргенского Абыл хана посол Девлеть Мамбеть» [ПК 1, л. 52-52 об.].

Подводя некоторые итоги, можно сказать следующее:

1. Структура повторяющихся лексических единиц, обозначающих временные понятия, была неодинаковой, поскольку подъячие (писцы), занимавшиеся переписыванием документов из столбцовых листов в посольские книги, владели культурой русской речи XVII в. в разной степени.

2. Различные орфографические варианты написаний терминов времени в текстах посольских книг являются отражением русского народно-разговорного языка XVII столетия.

3. Посольские книги по связям России с Хивой XVII в. даёт обширный материал для суждения о семантике некоторых разрядов лексики памятников письменности указанного периода. Диахроническое изучение лексических единиц, обозначающих понятия времени, помогает уточнить совокупность их значений и в современном русском литературном языке.

Литература:

- Словарь русского языка XI-XVII вв. – М.: Наука, 1975. – Вып. 2. – 319 с..
- Словарь русского языка XI-XVII вв. – М.: Наука, 1976. – Вып. 3. – 288 с.
- Филин Ф.П. Лексика русского литературного языка древнерусской эпохи (по материалам летописей) // Ученые записки Ленинградского ГПИ им. А.И.Герцена. – Л., 1949. – Т. 80. – С. 106-119.

4. Черных П.Я. Очерк русской исторической лексикологии. Древнерусский период. – Изд-во Московского университета, 1956. – 243 с.

РЕЗЮМЕ

Мазкур мақолада XVII асрдаги Россия ва Хива ўртасидаги элчихона ҳужжатларидаги вакт белгилари ҳақида сўз юритилади.

RESUME

The article is devoted to the time description of ambassadorial documents between Russia and Khiva in XVII century.

ҲИҚМАТ БОҒИ, ТАҒАККУР ЧАМАНИ

Исмоилов О. – Хоразм Маъмун академияси

Алишер Навоий ҳақида сўз кетганда, у зотни ғазал мулкининг султони, деб таърифлашга одатланиб қолганмиз. Назаримизда, бу таъриф ҳам озек туюлаверади. Навоийни шеърият мулкининг султони, деб аташ тӯғрироқ бўлар. Негаки, буюк сўз санъаткори шеъриятнинг барча жанрларида ғоят маҳорат билан қалам тебратган. Шоир девонларига жамланган мустахзод, қасида, туюқ, фард, китъа, чистон, рубойлар бадиий адабиётнинг нодир намуналаридир. Биргина, “Хазойин-ул-маоний” (Чор девон)нинг ўзида 16 жанрдаги ижод намуналарининг мавжудлиги ҳам бундан далолат бериб турибди.

Мутолаа, давомида амин бўласизки, Навоий қитъа жанри устаси сифатида ҳам машҳур. “Хазойин-ул-маоний” девонларида жами 503 байтни ташкил этувчи 210 қитъа бор. Улар “Фаройиб ус-сигар”, “Наводир уш-шабоб”, “Бадое ул-васат”, “Фавойид ул-кибар” девонларидаги деярли тенг миқдорда жойлашган.

Худди ғазаллари сингари Навоий қитъаларининг мавзу доираси ҳам кенг ва ранг-баранг. Уларда ижтимоий хаётнинг

турли масалалари қамраб олинган. Қитъаларда шоир ҳаёт ҳақида, унинг қувончлари ва ташвишлари ҳақида ўй суради. Умринг қисқалиги, уни яхшиликка, хайрли ишларга сарф қилиш лозимлигини уқтиради, меҳру, вафо, садоқат, саховат, камтарлик, ҳалоллик, тўғрилик каби энг яхши инсоний фазилатларни улуғлайди. Уларнинг акси бўлган бадхулқ, нопок, риёкор, манман, жафокор, зулмпеша кишиларни қоралайди.

Адолат ва инсоф қитъалардаги бош мавзулардан бири. Айниқса, ҳукмдорларни шафқатли, адолатли, муруватли бўлишга чорловчи мазмун билан йўғрилган ёки ана шу истак, орзу акс этган қитъалар “Хазойин улмаоний”да жуда кўп.

Мол-дунёга ҳирс қўймоқ оқибати хатарлидир. Баднафслик домига тушиб, бойликка ружу қўйма. Олтин-кумуш ушласанг, қўлингни, унга берилган ҳирсу ҳавас қўнгилни қора қиласди, дея таъкидлайди шоир. Шу боис ундан узоқ юр!

*Кўп олтин, кумуши сори қўл сунмогил,
Ки тутсанг кафингни қаро ранг этар.
Кўнгилда даги майлини асрама,
Ки кўнгилни доди ҳамул ранг этар.*

Ёмон феъл-атвор ва одатларни қораловчи қитъаларни ўқир экансиз, уларнинг айримлари шоир билган, кўрган, кузатган, ўзи билан замондош бўлган реал шахслардан бирига қаратилганлигини ҳам сезиш қийин эмас.

*Фалонга ажаб ҳол эрурким ҳалойиқ,
Не қилса олар бирладур можароси.
Сола олмас эл ошига бир нуқуд, гар
Тузилмас анинг бирла эл ароси.
Қозон йўқки ул анда кафлиз эмастур,
Ки бўлсин юзига қозонлар қароси.*

Бу байтларни ўқир эканмиз, эл манфаатларини ўйламайдиган, ҳалқ билан чиқиша олмайдиган, унинг кун кечириши учун бир нўхат бера олмаслиги устига турли можароларни бошлаб, улус бошига турли кулфатларни ёғдирадиган, ҳар қозонга сукулаверадиган кағирдай ҳуда-беҳудага ҳар ишга аралашаверадиган бадфеъл мансабдор кимса кўз

олдимиизда гавдаланади. Шоир бундайларнинг юзига қозоннинг қароси суркалсин дея ҳақли ҳукм чиқаради.

Одоб-ахлоқ, катталарга ҳурмат, кичикларга иззат, мулоимлик кабилар инсон учун зарур фазилатлар эканлигини таъкидлайди донишманд шоир. Уқтирадики, эй ўғлон, кексалар кўнгли шу қадар нозикки, улар билан муомала қилганда, сўз айтганда, одобсизлик, беандишишлик қилма. Негаки, дараҳтнинг қуруқ шохи болалар ўйнаганда сал нарсага ҳам синиб қолгани каби сал ноўрин сўз туфайли қариялар қалбига ҳам шикаст етишини ҳаргиз унутма.

*Қарилар хотири нозикдур, эй тифл,
Шикастидин қилиб ваҳм, ўлма густоҳ.
Унумтингмуки, атфол ўйногонда,
Синар оз майл кўргандин қуруқ шоҳ.*

Илм эгалласанг, хунар эгалласанг, нодир хислатлар эгаси бўлсанг, ана шунда чин инсонсан. Шоир фалсафаси ана шундай.

Тавозе, ўзини паст тутиш яхши, уни давлатмандлар одат этса, яна яхши. Ўзгалар билмай айб қилса, кечириш дуруст хислат, у мансабдор, бодавлат кишиларга хос бўлса, яна соз. Негаки, бу – эл осойиши ва қудратига сабаб. Бирорга саховат, муруват, ҳиммат кўрсатиш кам учрайдиган нодир фазилат, айниқса, беминнат бўлса яна ҳам. Бу неча фазилатлар, хислатлар эгаси бўлган кишилар улуғлар таъкидлаганлари сингари комиллик касб этган инсонлардир.

*Тавозў юхии аммо яшироқдур,
Агар даъб этса ани аҳли давлат,
Эрур ҳам авф хўбу хўброқ ул,
Ки зоҳир бўлгай эл топқонда қудрат.
Ато ҳам турфа шидур турфароқ бил,
Агар йўқтур анинг ёнида миннат.
Ҳаким инсони комил дебтур ани,
Ки бўлгай зотида бу неча хислат.*

Юқоридаги ва бошқа ўнлаб қитъалар ҳам мундарижа, ҳам бадиийлик жихатидан ғоят мукаммаллиги билан бирга, улар мутафаккир, мураббий шоирнинг ҳаёт ҳақидаги сабоқларига ўхшайди. Бу пурмъно сатрлар кишини турмуш қарама-қаршиликларидан, пасту

баландидан огоҳ қилади, умрни эзгу ишларга бахш этишга ундейди.

Навоий ҳазратларининг ўз қитъалари ҳақида ёзган қитъаси бор:

*Мунтоқ муқаттаотки, мен
йиғемишам, эрур,
Ҳар бир ҳадиқаи хирад айлар
учун фароғ.
Мажсумин ўйла кишивари, англаки
сатҳини,
Ҳикмат суйидин айламишам
қитъа-қитъа боғ.*

Шоирнинг ўзи таъриф берганидек, бу қитъалар кишига завқ-шавқ, фароғат бағищловчи ақл боғига, зеҳну заковат гулзорига ўхшайди. Ҳар бир қитъа бир кошона, улар бирлашса, бир мамлакатки, боғлари ҳикмат суви билан камолга келган, яшнаган.

РЕЗЮМЕ

В статье рассказывается о таких человеческих достоинствах как преданность, щедрость, скромность, честность и благородность в трудах Алишера Навои.

RESUME

In the article human properties such as devotion, generosity, modesty, honesty and nobility in the works of Alisher Navoiy are discussed.

ГЕОГРАФИЯ

СУГОРИЛАДИГАН ЕРЛАРДА ЕР ОСТИ СУВЛАРИ МИНЕРАЛИЗАЦИЯСИННИГ ФАЗОВИЙ ЎЗГАРИШЛАРГА ТАЪСИР ФАКТОРЛАРИНИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИШДА ГЕОГРАФИК РЕГРЕССИЯ МОДЕЛИДАН ФОЙДАЛАНИШ

**Юсупов Ш.Н.-Гидрометеорология
илемий-текшириш институти,
Мадаминов Р.Р.- Хоразм Маъмун
академияси**

Кириш


Ўрта Осиёнинг сугориб дехқончилик қилинадиган экин майдонларида сизот сувлари минерализациясининг аҳамияти катта. Экин майдонларининг сув ва туз баланси ўзгаришлари асосида сизот сувлари турли хилда минерализацияланган майдонларнинг вужудга келишига сабаб бўлади. Юқори минерализацияли сизот сувлари сатҳининг тупроқ фаол қатламигача қўтарилиши натижасида экин майдонларининг мелиоратив ҳолати ёмонлашади, ҳосилдорлик пасаяди.

Сизот сувларининг турли хилда минерализацияланган майдонларини географик ўзгарувчи деб қараш мумкин. Стационар таҳлиллар сизот сувлари минерализациясининг ўзгариши фақатгина вақт давомида унга таъсир қилувчи омиллар ўзгаришига боғлик эмаслигини

кўрсатди. Бундан ташқари вақт давомида ўзгарувчиларни ўрганиш аниқ географик маълумот бўлган тақдирдагина мукаммал натижалар олинишини таъминлайди. Сизот сувлари минерализацияси географик ўзгаришининг таъсир қилувчи омилларга боғлиқлигини ўрганиш натижасида мукаммал ахборот манбанинни ҳосил қилиш мумкин ва бу таҳлил усули гидрология соҳасидаги янги тадқиқот йўналишига асос бўлади. Географик ўзгарувчилар ўртасидаги боғланишларнинг эмперик асослари Tobler (1970), Casetti (1972), Foster (1986) тадқиқотларида ёритилган [1, 2, 3]. Бугунги кунга келиб Bivand ва Gebhardt (2000), Chainey ва Ratcliffe (2005) тадқиқотларида янги технологиялар ёрдамида таҳлил қилиш бўйича усуллар ишлаб чиқилган [5, 6].

Тадқиқот объекти ва регрессия моделини қўллаш

Тадқиқот объекти сифатида Амударё дельтасининг чап соҳилидаги сувформа дехқончилик қилинадиган қишлоқ хўжалиги майдонлари танланди. Худуднинг асосий хусусиятлари вегетация даврида буғланиш миқдорининг ёғинга нисбатан 20 марта кўплиги, Орол инқирози таъсир доирасида жойлашганлиги ва сув танқислигидир. Тадқиқот объекти шимолда Орол денгизининг куриган қирғоқлари, шарқда ва жануби-шарқда Қизилкум, ғарбда Амударё билан чегараланади (1-расм).



1-расм. Тадқиқот объектининг жойлашган ўрни

Иқлими кескин континентал, вегетация даврида ўртача ойлик ҳаво ҳарорати апрелда $12,1^{\circ}\text{C}$ дан июлда $26,9^{\circ}\text{C}$ гача ўзгаради. Ёғин микдори вегетация даврида 37,4 мм ни, яъни йиллик ёғин микдорининг 52 % ини ташкил қиласди. Ҳавонинг нисбий намлиги ўртача 56% ни ташкил қиласди.

Бир омилли чизиқли регрессия моделини қуидагича ёзиш мумкин:

$$Y_i = \beta_0 + \beta_1 x_i + \varepsilon_i \quad i=1\dots.n.$$

бу ерда β_0 ва β_1 -регрессия тенгламаси параметрлари, ε_i -регрессия хатолиги. Юқоридаги тенгламадан регрессия параметрлари қуидаги тенгламалар тизими орқали аниқланади:

$$\begin{aligned} n &= \beta_0 + \beta_1 \sum x_i = \sum Y_i \\ \beta_0 \sum x + \beta_1 \sum x_i^2 &= \sum y_i x_i \end{aligned}$$

Статистикада бу регрессия тенгламасининг моҳиятан икки хилдаги таҳлилларда қўллаш мумкин бўлиб, булар вақт давомидаги стационар ўзгарувчилар ва вақтга боғлиқ бўлмаган ўзгарувчилар ўртасидаги боғланишларни аниқлашдир. 1970 йилдан бундай ўзгарувчиларни маълум координатада жойлашуви бўйича таҳлил қилиш


бошланди [1]. Чизиқли регрессия тенгламасини жойлашув функциясини хисобга олиб қуидагича ёзиш мумкин:

$$Y_i = \beta_0(u) + \beta_1 x_i(u) \quad i=1\dots.n$$

бу ерда и жойлашувни билдиради. и агарда маълумотлар географик координаталар тизимида ($u=\lambda, \phi$) аниқланадиган бўлса, ArcGIS 9,3 да Меркатор проекцияси бўйича таҳлил қилинади.

ArcGIS 9,3 дастурида тадқиқот обьектининг ер ости сувлари минерализацияси ва унга таъсир қилувчи учта фактор (рельеф, CCC, ўсимлик сув истеъмоли) карталари ишлаб чиқилди. Маълумотларни шакллантиришда қуидаги манбалардан фойдаланилди: ер юзасининг рельефи ASTER сунъий йўлдоши радар маълумоти асосида шакллантирилди. Рельефнинг рақамли модели аниқлиги $30m \times 30m$ пиксел қийматли.

Сизот сувлари сатҳи Қорақалпоғистон Республикаси гидрогеология мелиорация экспедициясига қарашли тадқиқот обьектида жойлашган 841 та кузатиш



2-расм. Ўрганилган факторлар карталари (рельеф, CCC, ўсимлик сув истеъмоли)



қудуклари маълумотлари асосида шакллантирилди. 2010 йилги сизот сувлари йиллик ўртacha сатҳи маълумотлари IDW усули билан интерполяция қилинди. Карта аниқлиги икки кўрсаткич бўйича қуидагича: интерполяция хатолиги таҳлил қилинган нукталарда ўлчанганд ва башорат қилинган миқдорлар ўртасидаги кесишувлар валидлиги 0,004 га teng бўлиб, ҳосил қилинган карта 60м×60м пиксел қийматда. Ўсимлик фактik сув истеъмоли картаси Чимбой метеорологик станцияси маълумотлари ва Terra MODIS сунъий йўлдошининг 1км×1км аниқликдаги ер юзаси вегетация индекси, юзанинг барг индекси, юза ҳарорати маълумотлари асосида юзанинг энергия мувозанати усулини қўллаб 2010 йилги вегетация мавсуми учун хисобланди. Ҳосил қилинган картанинг фазовий аниқлиги 1км×1км пиксел қийматда.

Олинган маълумотлар ArcGIS 9,3 дастурида фазовий статистик таҳлил


инструменти Geographically Weighted Regression да таҳлил қилинди. Натижалар сув истеъмолчилар уюшмалари даражасида олинди.

Олинган натижалар ва уларнинг таҳлили

Сизот сувлари сатҳи ва минерализацияси тадқиқот обьектида географик тренди натижаларига кўра, шимолий йўналишда ер ости сувлари минерализациясининг ортиб бориши ва сизот сувлари чуқурлашиб боришини кўрсатди (3-расм). Кенглик бўйича сизот сувлар сатҳи кескин фарқланмайди, лекин минерализацияси тадқиқот обьектининг шарқий ва гарбий кисмларида юқорилиги аниқланди. Марказий кисмларда суғориш ишларининг таъсири натижасида сизот сувлари минерализацияси паст бўлди.



3-расм. Тадқиқот обьектида СССнинг (1) ва минерализациясининг (2) географик тренди



4-расм. Локал R² натижалари (боғлиқликлар: рельеф, ССС, ўсимлик фактik сув истеъмоли)

Географик регрессия натижалариға кўра, рельефнинг минерализациянинг фазовий ўзгаришига боғлиқлиги жуда паст бўлиб боғлиқлик коэффициенти ўртacha 0,096 эканлиги аниқланди. Сизот сувлар сатхининг боғлиқлик коэффициенти ўртacha 0,184 га тенг ва нисбатан юқори боғлиқлик шимоли-гарбий қисмларда кузатилди ва шарқий қисмларда боғлиқлик кузатилмади.

Ўрганилган факторлар ичida энг юқори боғлиқлик ўсимлик фактик сув истеъмоли билан эканлиги аниқланди. Тахлил натижалариға кўра, экинларни сугориш ишларининг яхши олиб борилиши натижасида сизот сувлари минерализацияси паст бўлади. Локал R^2 натижалариға кўра, нисбатан юқори боғлиқлик шимоли-гарбий қисмда бўлиши аниқланди.

Адабиётлар:

1. Tobler W.R. A computer movie simulating urban growth in the Detroit region, *Economic Geography*, 46(2), 1970, - P 234-24.
2. Casetti E. Generating models by the expansion method: applications to geographic research, *Geographical Analysis*, 4, 1972. -P 81-91.
3. Foster S.A. Gorr W.L. An adaptive filter for estimating spatially varying parameters: application to modelling police hours spent in response to calls for service, *Management Science*, 32, 1986, - P 878-89
4. Bivand R.S., Gebhardt A. Implementing functions for spatial statistical analysis using the R language. *J Geogr Syst* 2(3): 2000, -P. 307-317
5. Chainey S.P., Ratcliffe JHG. *GIS and crime mapping*. Wiley, London, 2005.
6. Cromley E.K., McLafferty S.L. *GIS and public health*. Guilford, New York, 2002.

РЕЗЮМЕ

Данная статья посвящена проблеме использования модели географической регрессии при анализе факторов влияния

к пространственным изменениям минерализации грунтовых вод в орошаемых землях.

RESUME

The article is about the usage of geographical regression model in the analysis of influence to the spatial changes of ground water mineralization on irrigated lands.

ЮРИДИК ФАНЛАР

ПАРЛАМЕНТ НАЗОРАТИ: МОҲИЯТИ ВА ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

**Қўчқоров Б. - Ўзбекистон
Республикаси Президенти ҳузуридаги
Давлат бошқаруви академияси
тингловчиси**

Муҳтарам Юртбошимиз Олий Мажлис палаталарининг 2010 йил 27 январдаги кўшма мажлисидаги маъruzасида қонун чиқарувчи ҳокимият фаолиятига тўхталиб, “**Парламентимиз ва маҳаллий вакиллик органлари – Кенгашлари олдида турган ...ғоят муҳим вазифа бу қабул қилинган қонунларнинг ижро этувчи ҳокимият, яъни ҳукумат томонидан марказда, ҳокимиятлар томонидан эса жойларда қандай бажарилаётгани устидан қатъий парламент назоратини, депутатлик назоратини ўрнатишдан иборат**”¹ эканлигига алоҳида урғу берган эди. Боиси қабул қилинаётган қонунларнинг ижросини таъминлаш ва қонунчилик олдида турган муҳим вазифаларни аниқлашда парламент назорати алоҳида ўрин тутади.

Дарҳақиқат, парламент давлатнинг қонун чиқарувчи ҳокимият органи сифатида қонун хужжатлари лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш билан бир қаторда муҳим назорат фаолиятини ҳам амалга оширади. “**Парламент назорати қонун ижодкорлиги фаолиятини амалга оширувчи субъектларнинг жамиятдаги ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиниши даражасини аниқлаши, амалдаги қонун хужжатларида белгиланган тамойил ва қоидаларни ижро этувчи ҳокимият органлари ва бошқа мансабдор шахслар томонидан ҳаётга**

татбиқ этилишини ўрганиш, қонун хужжатларини ижро этиш жараёнида вужудга келган мавжуд муаммо ва камчиликларни аниқлаш ҳамда уларни бартараф этиш бўйича амалдаги қонун хужжатларини такомиллаштиришга оид тегишли тавсиялар ишлаб чиқиш билан боғлиқ ташкилий-ҳуқуқий фаолият жараёнидир”².

Таъкидлаш лозимки, парламент назорати куйидаги вазифаларни амалга ошириш заруратидан келиб чиқади:

- қонунлар ва парламент палаталари ҳамда уларнинг қўмиталари қарорларининг жойлардаги ижросини ўрганиш, умумлаштириш ва таҳлил қилиш;

- қонунлар ва парламент палаталари ҳамда уларнинг қўмиталари қарорлари ижроси бўйича ўтказилган назорат-таҳлил фаолияти натижаларини тегишли мутасадди раҳбарлар ва мансабдор шахсларни жалб қилган ҳолда парламент палаталари қўмиталарида муҳокама қилиш;

- парламент назорат-таҳлил фаолияти натижалари бўйича қарор қабул қилиш;

- парламент назорат-таҳлил фаолиятининг натижалари бўйича қабул қилинган қарорнинг ўз вактида ва аник ижроси юзасидан назорат ўрнатиш;

- жамиятдаги ҳуқуқий тартибга солиш эҳтиёжи мавжуд бўлган “оқ доғлар”ни аниқлаб, уларни бартараф этиш учун қонун лойиҳаларини тайёрлаш;

- амалдаги қонун хужжатларига тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича тавсияларни Қонунчилик палатасига ёки қонунчилик ташаббуси ҳуқуки субъектларига тақдим этиш³.

Ўзбекистонда парламент назоратини амалга оширишнинг ҳуқуқий асослари

¹Каримов И. Жаҳон инқирозининг оқибатларини енгиш, мамлакатимизни модернизация қилиш ва тараққий топган давлатлар даражасига кўтарилиш сари. 18-жилд. – Т.: “Ўзбекистон”, 2010. – Б. 144-145.

²Рахимов А. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис палаталари ўзаро муносабатларнинг ҳуқуқий асослари. – Т., “Тамаддун”, 2011. –Б.130-131.
³Отахонов Ф. Парламент назоратининг ҳуқуқий давлатни барпо этишдаги роли //“Парламент назорати: назария ва амалиёт масалалари” мавзусидаги илмий-амалий семинар материаллари. – Т., 2005. – Б. 9-11.

Ўзбекистон Республикаси Конституяси, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисинг Қонунчилик палатаси тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисинг Сенати тўғрисида”ги Конституциявий қонунлар ҳамда “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Регламенти тўғрисида”ги қонунлар ва бошқа қонун хужжатларида белгиланган. Уларга кўра Ўзбекистонда парламент назоратини амалга оширувчи субъектлар - Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисинг Қонунчилик палатаси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисинг Сенати, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг қўмита ва комиссиялари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг қўмита ва комиссиялари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари хисобланади.

Парламент назоратининг амалга ошириш йўналишлари ва шакллари “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг регламенти тўғрисида”ги ҳамда “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг регламенти тўғрисида”ги қонунларда яққол акс эттирилган. Чунончи, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг регламенти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 31-моддасига кўра Қонунчилик палатаси Давлат бюджетининг ижроси устидан назоратни амалга оширади. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги йилнинг ҳар чорагида Қонунчилик палатасига Давлат бюджети ижросининг бориши тўғрисидаги ахборотни ва зарур материалларни юборади.

Қонунчилик палатаси Давлат бюджетининг йилни ҳар чорагидаги ижросининг боришини кўриб чиқади.

Уни қўриб чиқиш вақтида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҳисботи, масъул қўмитанинг холосаси эшитилади, муҳокама ўтказилади ва тегишли қарор қабул қилинади.

Ушбу қонуннинг 32-моддасида парламент назоратининг муҳим қисмини ташкил этувчи парламент сўрови институти хуқуқий жиҳатдан мустаҳкамланган. Яъни, Қонунчилик палатаси, шунингдек Қонунчилик палатаси депутати давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг мансабдор шахсларига уларнинг ваколатларига кирадиган масалалар юзасидан асослантирилган тушунтириш бериш ёки нуқтаи назарини баён қилиш талаби билан парламент сўрови юборишга ҳақли.

Парламент сўровига жавобни давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг мансабдор шахслари сўров олинган кундан эътиборан ўн кундан кечиктирмай Қонунчилик палатасининг мажлисларида берадилар.

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг раиси, Олий хўжалик судининг раиси, Бош прокурори, суриштирув ва тергов органларининг раҳбарлари номига йўлланган парламент сўрови уларнинг иш юритувидаги муайян ишлар ва материалларга таалгуқли бўлиши мумкин эмас.

Парламент сўровлари бўйича ахборот Қонунчилик палатаси мажлисида муҳокама қилиниши мумкин. Қонунчилик палатаси муҳокама якунлари бўйича қарор қабул қиласди. Шу билан бирга, Қонунчилик палатаси томонидан назорат қилиш соҳасидаги бошқа ваколатларни амалга ошириши мумкин. “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг регламенти тўғрисида”ги қонунинг 33-моддасида белгиланган нормаларда бу масала кўрсатиб ўтилган. Унга кўра Қонунчилик палатаси ҳар йили, ҳисботдан кейинги йилнинг 15 февралидан кечиктирмай, ўз мажлисида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисинг Инсон хуқуqlari бўйича

вакилининг фаолияти тўғрисидаги ҳисботни эшитади. Конунчилик палатаси ҳар йили, ҳисботдан кейинги йилнинг 15 майидан кечиктирмай, ўз мажлисида Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг ҳисботини эшитади.

Конунчилик палатасининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили ва Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг ҳисботлари юзасидан қабул қилган қарорлари мазкур қарорлар қабул қилинган кундан эътиборан ўн кун ичida Сенатга юборилади.

Конунчилик палатасининг мажлисида ҳукumat аъзоларининг фаолияти масалалари юзасидан уларнинг ахборотини эштиши фракциялар ва депутатлар гурухларининг ташаббусига кўра амалга оширилади ҳамда Конунчилик палатаси мажлисларининг кун тартибига мувофиқ ўтказилади.

Конунчилик палатасининг қўмиталари, шунингдек Конунчилик палатасининг депутатлари давлат органлари ва бошқа ташкилотлардан, мансабдор шахслардан ҳужжатлар, эксперт хulosалари, статистика маълумотлари ва бошқа маълумотларни талаб қилиб олишлари мумкин.

Конунчилик палатасининг қўмиталари ёки Конунчилик палатасининг депутатлари талаб қилиб оладиган ахборотни тегишли давлат органи, бошқа ташкилот, мансабдор шахс мурожаат олинган кундан эътиборан ўн кундан кечиктирмай тақдим этиши керак.

Конунчилик палатаси қўмиталарининг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари раҳбарларининг улар томонидан қонунларга қандай риоя этилаётгани, палата қўмиталарининг қарорлари қандай бажарилаётгани тўғрисидаги ахборотларни эштиши қўмиталарнинг иш режаларига мувофиқ ўтказилади.⁴

⁴“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Конунчилик палатасининг регламенти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни // Lex.uz.

“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг регламенти тўғрисида”ги қонунда Сенатнинг парламент назорати соҳасидаги ваколатлари келтирилган. Конуннинг 31-моддасига кўра Сенат, шунингдек сенатор давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг мансабдор шахсларига уларнинг ваколатларига кирадиган масалалар юзасидан асослантирилган тушунириш бериш ёки нуқтаи назарини баён қилиш талаби билан парламент сўрови юборишга ҳақли.

Парламент сўровига жавобни давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг мансабдор шахслари Сенат мажлисларида берадилар.

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг раиси, Олий хўжалик судининг раиси, Бош прокурори, суриштирув ва тергов органларининг раҳбарлари номига йўлланган парламент сўрови уларнинг иш юритувидаги муайян ишлар ва материалларга тааллукли бўлиши мумкин эмас.

Парламент сўровлари бўйича ахборот Сенат мажлисида муҳокама қилиниши мумкин. Сенат муҳокама якунлари бўйича қарор қабул қиласи.

32-моддага биноан Сенат ҳар йили ўз мажлисида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилининг фаолияти тўғрисидаги ҳисботни эшитади.

Сенат ҳар йили ўз мажлисида Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг ҳисботини мазкур масала юзасидан Конунчилик палатасининг қарори Сенатга келиб тушганидан кейин эшитади ва муҳокама қиласи.

Сенатнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилининг ва Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг ҳисботлари юзасидан қарорлари мазкур қарорлар қабул қилинган кундан эътиборан ўн кун ичida Конунчилик палатасига юборилади.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг, Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат

қўмитаси раисининг, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви раисининг қонун хужжатларида белгиланган тартибда Сенатга тақдим этган ҳар йилги ҳисоботлари Сенатнинг навбатдаги мажлисида кўриб чиқилади.

Сенатнинг қўмиталари, шунингдек сенаторлар давлат органлари ва бошқа ташкилотлардан, мансабдор шахслардан хужжатлар, эксперт хulosалари, статистика маълумотлари ва бошқа маълумотларни талаб қилиб олишлари мумкин.

Сенатнинг қўмиталари ёки сенаторлар талаб қилиб оладиган ахборотни тегишли давлат органи, бошқа ташкилот, мансабдор шахс мурожаат олинган кундан эътиборан ўн кундан кечиктирмай тақдим этиши керак.

Сенат қўмиталарининг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари раҳбарларининг улар томонидан қонунларга қандай риоя этилаётгани, палата қўмиталарининг қарорлари қандай бажарилаётгани тўғрисидаги ахборотларини эшлиши қўмиталарнинг иш режаларига мувофиқ ўтказилади⁵.

Умуман олганда, парламент назорати қонун чиқарувчи ҳокимият фаолиятининг мухим йўналиши ҳисобланади. Парламент назорати шуниси билан ҳам мухимки, у орқали қонунларни ҳаётга тўла-тўкис жорий этиш, тегишли камчиликларни, аҳоли ўртасидаги ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солинишидаги эҳтиёжларни аниклаш, давлат идоралари ва мансабдор шахсларнинг фаолиятини кузатиб бориш, энг асосийси қонунчиликни янада такомиллаштиришда алоҳида аҳамият касб этади. Бундан ташқари, парламент фаолиятида қонун ижодкорлиги ва назорат функцияларини биргаликда олиб бориш чиқарилган қонунларнинг ижросини кузатиб бориш имкониятини беради. Бунинг учун Ўзбекистонда Олий

Мажлиснинг парламент назорати борасидаги фаолияти тегишли ҳуқуқий асосларга эга. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг ҳар иккала палаталарида парламент назоратини амалга ошириш учун кенг ваколатлар берилган. Бу нарса қонун чиқарувчи ҳокимиятнинг нуфузи ва аҳамиятини ошишига хизмат қиласди.

РЕЗЮМЕ

В статье рассказывается о сущности и правовых основах парламентского контроля в Узбекистане.

RESUME

The article is about the essence and legal foundations of parliamentary control in Uzbekistan.

⁵“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг регламенти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни // Lex.uz.

ТИББИЁТ

РЕЗУЛЬТАТЫ ОБСЛЕДОВАНИЯ ИНДИВИДУАЛЬНЫХ ДОМОВ ТИПОВОГО ПРОЕКТИРОВАНИЯ В ХОРЕЗМСКОЙ ОБЛАСТИ

**Кучкарова М.Р., Хакназарова Г.Ш.,
Мирзакаримова М.А. - НИИ
санитарии, гигиены и
профзаболеваний МЗ РУз,
Дусчанов Б.И. - ЦГСЭН Хорезмской
области**

В докладе Президента Республики Узбекистан Ислама Абдуганиевича Каримова на заседании правительства по итогам социально-экономического развития страны в 2010 году и важнейшим приоритетам на 2011 год было отмечено, что важнейшим направлением качественного изменения условий жизни, прежде всего на селе, стала начатая нами ещё в 2009 году системная работа по комплексной застройке в сельской местности массивов, индивидуальными жилыми домами по типовым проектам с повышенной комфортностью, со всеми удобствами и коммунальными услугами. Только в 2010 году во всех 159 сельских районах республики осуществлено строительство 6800 индивидуальных жилых домов, на новых массивах построено 165 объектов социальной и рыночной инфраструктуры, необходимых для комфортной и достойной жизни сельского населения. Многое сделано, но еще немало предстоит сделать, чтобы в каждом населенном пункте, независимо от того, находится он в большом городе или отдаленном кишлаке, дети имели возможность получить необходимые знания, расширять свой кругозор, развивать свои способности и таланты, то есть расти гармонично развитыми личностями.

В Постановлении Президента Республики Узбекистан от 26.01.2009 г. № ПП -1046 о Государственной

программе «Год развития и благоустройства села» и от 03.08.2009 г. за № ПП-1167 «О дополнительных мерах по расширению масштабов строительства жилья в сельской местности» отмечается, что во исполнение Государственной программы «Год развития и благоустройства села», в целях кардинального улучшения жилищных условий сельского населения расширить строительство индивидуального жилья, а также объектов социального назначения и инженерной инфраструктуры в сельских населенных пунктах.

Из вышеизложенного видно, что охрана здоровья и улучшение условий жизни населения в целом, в частности населения села, здоровье подрастающего поколения их рост и гармоничное развитие находится в пристальном внимании Государства и лично Президента Республики Узбекистан.

Также отмечается необходимость дальнейшего совершенствования и укрепления законодательной и нормативно-правовой базы для еще более полного обеспечения интересов сельских жителей, коренного совершенствования системы организации архитектурной планировки сельских населенных пунктов и проектирования сельского строительства, строительства жилья и объектов социальной сферы на селе и создания благоприятных условий жизни на селе на современном уровне.

Быстрые темпы роста жилищного строительства в нашей стране и задача неуклонного улучшения его качества ставят перед гигиенистами вопрос о необходимости разработки научно обоснованных социально-гигиенических требований к оптимальному жилищу как в городе, так и на селе (2). Для успешного выполнения этой задачи следует в первую очередь определить социально-гигиенические критерии оптимальности современного жилища.

В связи с вышеизложенным в целях гигиенической оценки и усовершенствования некоторых нормативных данных по архитектурно-планировоч-

ному решению населенных мест нами были проведены исследования во вновь организованных массивах с индивидуальными жилыми домами построенными по типовому проекту.

Исследования были проведены в Хорезмской области в Ургенчском, Шаватском и Хивинском районах. В обследованных районах по желанию жителей построены одно и двухэтажные четырех комнатные жилые дома по типовому проекту. В целом по Хорезмской области будет построено около 2000 индивидуальных домов по типовому проекту.

В Ургенчском районе построено 204, в 2013 г будет построено 72 дома, в Хивинском районе построено 250, в 2013 г будет построено 80 домов, а в Шаватском районе построено 215 индивидуальных домов по типовому проекту. При обследовании изучены жилищные и санитарно-бытовые условия, наличие необходимых коммунально-бытовых и социально-культурных объектов инфраструктуры.

Наряду с обследованием архитектурно-планировочных решений домов, нами проведены анкетный опрос населения по изучению их мнения и пожелания возникшие за время проживания. Анализ полученных данных представляет большой интерес, так как индивидуальные дома по типовым проектам в широком масштабе в республике строятся впервые. Данные опроса и обследования вскрывают допущенные (если есть), гигиенические недостатки во вновь построенных индивидуальных жилых домах типового проекта, на устранение которых должно быть обращено внимание архитекторов, строителей и санитарных врачей [1].

Обследованные дома все кирпичные, покрытие крыши жестяной черепицей, за время проживания не протекала, жалоб не было. Примененные строительные материалы вполне удовлетворительные. Внешний вид домов привлекательный, покрашены в светло кирпичный цвет, входные ворота железные.

Все обследованные дома типового проектирования имеют деревянные полы, крашенные.

В Ургенчском районе обследовано 200 домов, из них в поселках Караман – 72 дома, Гайбу - 104 дома, Юкори дурмон - 50 домов. Дома двух этажные, четырех комнатные, 2009 года постройки. Площадь участка 6 соток, ограждающие стены и ворота отсутствуют. В первых 2009 года постройках по проекту не было предусмотрено строительство ограждающих стен и ворот. В Хивинском районе обследовано 90 домов одноэтажные, четырехкомнатные, улучшенной планировки, в поселках Журян - 40, Эски Кият – 50. В Шаватском районе обследовано 70 домов из них в село Хитой -55, Ижтимоят -15 домов. В обследованных поселках, только в селе Хитой построен и действует СВА, в поселке Ижтимоят имеется Соццентр по обучению различной профессии, в основном девочек из малообеспеченных семей. Участок также 6 соток, имеются ограждающие стены, железные ворота, во дворе кроме основного здания дома имеются гараж с навесом, надворная туалетная, кладовка для хозяйственного инвентаря. «Аристон» для подогрева воды и АГВ для отопления установлены в крытом помещении у входа в дом, что предупреждает потерю тепла и способствует энергосбережению.

Обследование индивидуальных домов типового проектирования показало, что построенные четырех комнатные одноэтажные дома серии 184-33с-10 имеют общую площадь 151,3 м², жилая площадь 94,2 м², четырех комнатные двух этажные дома серии 144 -18с -09 имеют общую площадь 145,55 м², жилая площадь 96,6 м². Жилая площадь на одного человека, в обследованных домах в зависимости от количества проживающих приходится в среднем от 15 м² до 23,5 м². Жилая площадь на одного человека указывает, что все строящиеся дома улучшенной комфортности, где созданы все необходимые условия, для улучшения жилищных условий,

отвечающих современным санитарно-гигиеническим требованиям для жителей села.

Естественное освещение домов удовлетворительное, воздухообмен жилых комнат и кухонь осуществляется естественным путем, через окна и форточки. Дома подключены к системе подачи централизованной водопроводной воды и подачи газа. Канализация – отвод сточных вод в выгребные ямы. Внешний вид домов привлекательный, покрашены одинаково водоэмульсионной краской.

Несмотря на довольно суровый климат области (зимой холодно, летом жарко), вокруг дома и двор заселенных домов озеленены, посажены фруктовые, декоративные деревья и овощи.

Заключительным этапом строительство индивидуальных домов типового проектирования является работа комиссии по приёмке построенных домов (3), куда обязательно входят работники санэпидстанции, которые непосредственно осуществляя предупредительный санитарный надзор, предъявляют полные гигиенические требования к застраиваемым индивидуальным домам, что позволяет своевременно устраниить допущенные недостатки.

Таким образом, необходимо отметить, что строительство современного жилища для села намечается поднять еще на более высокий санитарно-гигиенический уровень, который будет способствовать сохранению здоровья жителей села и развитию более здорового и гармонично развитого подрастающего поколения.

Литература:

1. Луговская Л.И. Санитарно-гигиеническая характеристика новых сельских жилищ в западных районах Украинской ССР. // Гиг. и сан. 1984. - № 4. – С. 22-24.
2. Губернский Ю.Д., Дьячкова Н.Г., Федотова Н.А. Социально-гигиеническая оценка современных жилищ. // Гиг. и сан. 1980. - № 1.- С. 76-77.
3. Хижняк Н.И., Стрельцов Н.Н. Опыт предупредительного санитарного

надзора за жилищным строительством в сельском районе. // Гиг. и сан. 1977. - №1. – С.87-88.

РЕЗЮМЕ

Мақолада Хоразм вилоятининг баъзи районларида янги намунавий лойиҳа асосида қурилган шахсий уйларни текшириш натижасида уларнинг мавжуд планлаштириш асосида қурилганлиги, аҳолига яратилган шароитлар аникланган.

RESUME

In the article the results of examinations of the individual houses, which were built under the standard project in some areas of the Khorezm province, are presented.

САНЬАТШУНОСЛИК

ХОРАЗМ АМАЛИЙ САНЬАТИНИНГ АЙРИМ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ

**Абдуллаев М.С. – ЎзР ФА
Санъатшунослик институти,
Матчонова М. – Хива педагогика
коллекци**

“Ноёб тарихий ёдгорликларни сақлаш ва таъмиrlаш, ўзбек халқи яратган ва миллий бойлик бўлган санъат асарларини излаб топиш, уларни Ўзбекистонга қайтариш маънавият дастуримизнинг муҳим бўлагини ташкил этади. Бу миллий бойлик бизга отабоболаримиздан мерос бўлиб қолган. Бинобарин, биз ҳам уни кўз қорачиғидай асрар-авайлашимиз ва фарзандларимизга мерос қилиб қолдиришимиз керак¹ – деган эди муҳтарам Юртбошимиз.

Хоразм амалий санъати ўзининг жозибаси, тақрорланмаслиги, нақшларининг уйғунлиги, колорити билан бошқа ҳудудлардан ажralиб туради. Наққошлик мисолида буни кўриб чиқамиз:

Хоразм нақши кўпинча ҳаворанг колоритда ишланади. Ранглар кам ишлатилсада ўзига хос кўркамликка эга. Хива нақшида асосан зангори ва яшил ранглар жуда кўп ишлатилади. Хоразм нақшлари бутун юзани геометрик нақшлар билан тўлдириб композицияда асосан новда спиралсимон айланиб-айланиб мураккаб нақшлар ҳосил қиласди. Ислими нақш тузилишида новда, марғула, барг, нўхатгул, оддий ойгул кенг ўрин эгаллади. Бу ислимий нақшлар бошқалардан динамикавийлиги билан фарқ қиласди. Хоразмда кўпинча юлдуз ҳосил қилувчи гиреҳлар ишлатилиб, орасига спиралсимон ислими нақш туширилади. Хоразм нақшлари мадоҳил (арабча – остона, кириш эшиги) нақшлар асосида тузилади. Хоразм наққошларидан Абдулла Болтаев,

Рўзимат Машарипов, Одамбой Ёқубов, Эшмурод Сапаев ва бошқалар ўчмас из қолдирганлар.

Хоразмда асосан чинор, тут, ёнғоқ, терак, қайрағоч, шумтол, ўрик каби маҳаллий дараҳтлардан кўп фойдаланганлар. Ёғочга нақш солища унинг сувда сақланиши (6 ойдан бир йилгача) ва сояда қуритилишига (10-15 йил) алоҳида эътибор бериш керак. Агар бунга эътибор берилмаса ёғоч ёрилиб кетади.

Хива ёғоч ўймакорлиги нақшларининг майдалиги, юзалиги, заминнинг камлиги, нақшларининг зичлиги ҳамда бадиий тузилишининг ўйноқилиги билан бошқа ҳудудлардан фарқ қиласди. Хоразмлик ўймакорлар ёғоч табиий рангини сақлаб қолганлар ва бу бошқа ҳудудларда деярли учрамайди. Табиий рангни сақлаш учун юзасига ва заминига пахта, зигир (оқ ёғ) ёғи берганлар. Хива нақшларининг гўзаллиги нақшларнинг турли чукурликда ўйиш орқали катта аниқликка ва уйғунликка эришишидадир. Хивалик усталар ўйма юзасини силлиқлаш, бўёқ суртиш усулини қўлламаганлар.

Махшур хивалик наққошлар Ота Полвонов, уста Бағибек, Нурмуҳаммад, Маткарим позачи, уста Абдураҳмон, Сапо Бағибеков, Абдулла Болтаев, Рўзмат Машарипов ва бошқалар қалб кўри билан яратилган ёдгорликлар ҳозир ҳам чет эл сайёҳларини ҳайратга солмоқда. Ёғоч ўймакорлиги меъморчилик ва уй-рўзгор буюмларида кенг қўлланилган. Жумладан: эшик, дарвоза, устунлар, тўсин, хонтахта, қутича, сандик, қаламдон, лавҳ ва бошқалар.

Қадим Хоразмда ҳар бир уста ёғоч ўймакорлигининг маълум бир соҳаси бўйича ижод қиласди. Масалан: машхур усталар авлодидан бўлган Сапо Бағбеков, отаси Бағбек Абдураҳмонов, бобоси Абдураҳмон Маткаримовлар факат кўштабақали ўйма дарвоза ва эшиклар ишлаш билан шуғулланганлар, усталардан Момит ўрачи ва унинг

¹ Каримов И.А. Маънавий юксалиш йўлида. - Т.: “Ўзбекистон”, 1998. 278 бет.

ўғиллари Болта, Хўжа ўрачилар фақат нақшиндор устунлар ишлаганлар, Хиванинг машхур халқ устаси Ота Полвонов кўпинча ўймакор устун ишлаб, айрим вактлардагина қўштабақали эшиклар ясаган, Шайхлар қишлоғида яшаган машхур халқ устаси Абдулла жин бир вактда ўймакор устунлар учун тут ва гужум дараҳтларидан устун тагликлари ҳамда кошинпазлиқ, наққошлиқ санъати билан шуғулланган. Ёғоч ўймакорлиги билан шуғулланадиган усталар наққошлар билан ҳамкорлик қилиб тақрорланмас санъат асарларини яратганлар. Дешон қалъанинг Мевастон маҳалласида яшовчи Машариф наққош устун ва устун тагликлари учун “улги”лар чизган, ичон қалъалик наққош Абдулла Болтаев бир вактнинг ўзида қўштабақали дарвоза, эшиқ, устунларга улгилар чизиб қолмасдан, сангтарошлар ва ганчкорларга ҳам ислимий ва гирех нақшларни Хоразмнинг айланма нақшлари билан уйғунлаштириб улгилар чизиб берган.

Хива усталари ҳеч қачон бир нақшни иккинчи марта тақрорлашмаган ва бошқа устадан нусха олмаганлар. Шунинг учун ҳам ишлари нихоятда чиройли чикқан, ҳар бир ўйма нақш заминида рамзий маъно яширинган бўлади.

Хоразмлик кулоллар Корақумга бориб чағон йиғиб, уни ёқиб кулинни устахонага олиб келиб майдаланган шиша унига қўшишган. Уч қисм кулга бир қисм шиша кукуни қўшилган ва сув билан аралаштирилиб идишга суртилади. Кейин идишни ўтда пиширишда ўша суюқлик ўтга ташланади. У ўтда идишга урилиб ранги ўзгаради. Кул кукуни сув билан аралаштирилиб, совутилади ҳамда тозаланади. Унга озгина мис оксиди қўшиб тайёрланади ва идиш сиртига суртилади.

“Хива меъморчилиги ўзига хос услугий ва бадиий жиҳатлари билан Ўрта Осиё ҳудудидаги бошқа улкан қурилиш намуналаридан бир мунча фарқ қиласи. Хива меъморчилигида, масалан наботот тасвириларидан иборат шакллар қора ранг билан чегараланган оқ бўёқларда

тасвириланади, умумий муҳитнинг ранги эса, ҳамма ерда мовийлигича сақланиб қолган”².

“Хоразмлик маҳшур кулоллар Раҳимберди Матжонов, Матжон Худойбердиев, Болта Ваисов (мадирлик), Матжон Искандаров, Искандар Қаландаров, Сапо Сафаров, Ўрозмат Ишмурадов, Робия Маткаримова, Полвон Матёқубов, Саъдулла Машарипов (Янгиарик тумани), Юсуп Тожиполвон ва бошқалар хисобланади”³.

Хоразм гиламларида узун занги, тую бўйин, ҳайвон шохи безаклари ва кўпроқ туркман гиламлари нақшлари ва усувлари кенг қўлланилади. Асосий ранг қизил бўлиб унинг 2-3 хил туси мавжуд, кўк, қора, оқ, сарик иккинчи даражали ранглар хисобланди.

Тўқимачиликни санъат даражасига кўтарилиши хунарманд-устанинг маҳоратидан дарак беради. Хоразм товарлари асосан оқ, оч қизил, кўк, яшил рангларга бўялган. Бўёқлар табиий усулда тайёрланган. Тўқимачиликда ҳам бошқа соҳалардаги каби печаки, марғула, морпеч, кўчкорак, мурчгул, ислими нақш турлари қўлланилган.

Матолардан яктак, шалвор, тўн, салла, белбоғ, аёллар елаги, дастурхон, жойнамоз ва бошқа нарсалар тайёрланган. Ўрта асрларда кийим, унинг ранги маълум бир табақага мансубликни ҳам англатган. Хазинада доимо турли хил саруполар сақланган ва хон назарига тушган кишилар тақдирланган.

Мисдан чойнак, қозон, қадаҳ, чироқ, лаган, дастшўй, офтоба, сатил, селобча, тунг, тунча, сархум, қандил, қумъон, кўза, патнис (шабака), дулова, қошиқ ва бошқа ўй-рўзгор буюмлари ишланади. Буларнинг ичидаги “қумғон” фақат бизнинг ҳудудга хос бўлиб, бошқа вилоятларда учрамайди. Унинг оригиналлиги шундаки, ушлайдиган дастаси йўқ. Бошқа вилоятларда шунга ўхшаш идиш офтоба

² Ўзбекистон ислом обидалари. — Т.: Ўзбекистон, 2002. — 15 бет.

³ Atlas of Central Asian Artistic grafts and trades. Volume I. Uzbekistan. T.: Sharq, 1999. — page 103.

деб юритилади. Хивада офтобалар ясси, бўғзи узун ҳамда ингичка қилиб ясалган. Мисга ишлов беришни бир қанча усувлари бор, асосан қолипи, кандакори ва симкори усувлари кенг қўлланилади.

Хива кандакорлари чизма усулини факат пардозлашда қўллайдилар. Шабакани жуда кам ишлатадилар. Хоразм санъати оддий бўлсада, таъсирчанлиги билан кишини ҳайратга солади.

XX аср бошларида Хоразм кандакорлари нақш заминини қора ёки қизил лак билан бўяганлар. Кандакор усталар асосан ислими нақшларни кўп қўллайдилар. Айланма ислими оммавий нақш ҳисобланди. Хоразмлик кандакорлар ислими, мураккаб ислими, мадоҳили, мураккаб айланма ислими каби нақшлар билан буюмларни безайдилар. Геометрик нақшлардан четон ёки катакни кенг қўллайдилар. Кандакорликда болға, сандал, исказа, қалам, хал каби асбоб-ускуналар ишлатилади.

Хоразм кандакорлигини Худайберган Матчонов, Собиржон, Юсуф ва Матпано Худайбергановлар, Матёкуб Жонибеков, Ҳожиниёз Сайидниёзов, Бекжон Ёқубов, Отажон Мадраҳимов ва бошқалар жаҳонга танитганлар. Ҳозирда ҳам кандакорлик ишлари давом қилдирилмоқда.

Безаклар аёллар бадани ва либосининг кўп қисмини эгаллайди: бош, пешона, соч, бурун, юз, қулоқ, чакка, бўйин, кўкрак, бел, билак, бармоқ ва бошқа тақинчоқлар бутун бир комплексни ташкил этади. Бошга тагдўзи, жига, сапгак, бодомой, бибишак, дуодузи, манглай дузи, мохи тилло, олтин тумор; пешонага тиллақош, қанот осма, танга дузи, манот дузи, боли абрў, баргак, осмадузи (факат Хоразмда мавжуд); сочга сочпопук, зулфи тилла, осма безак, гажак; бурунга аравак; юзга холбинни; қулоққа зирак, сирға; бўйинга бўйинтумор, юзбанд; кўкракка мурғак, зебигардон, туморча; белга камар; билакка билакузук; бармоққа узук ва бошқалар тақилади.

Хоразм усталари шишадан шер ва қурбақа шаклида мунчоқлар ишлашган. Хивалик усталар қайчини түяқуш ёки қурбақага ўхшатиб ясаганлар. “Тарихий маълумотларга кўра 1860 йил Хивада 12 та заргарлик дўкони бўлган”⁴.

Хива пичоқлари гулдор бўлиб қини ўймакор нақшли, мис ҳамда жез қопламалар билан безатилган. Хивалик маҳшур пичоқчи уста Отажон Мадраимов (1884-1918) бўлиб, у нафис, гўзал безатилган пичоқлар ишлаган. Унинг йўналишини ўғли Мадраим Отажонов давом қилдирган.

Адабиётлар:

- Каримов И.А. Маънавий юксалиш йўлида. - Т.: “Ўзбекистон”, 1998. 278-бет.
- Абдуллаев Т. XIX –XX асрларда ўзбек кандакорлиги. — Т.: Фан, 1974.
- Абдуллаев Т., Фахриддинова Д., Ҳакимов А. Маъданга битилган қўшиқ. Ўзбекистон халқ санъати. — Т.: “Фафур Ғулом”, 1986.
- Абдуллаев Т.А. Ремесла Узбекистана XIX – XX вв. - Т.: “Фан”, 1976.
- Atlas of Central Asian Artistik grafts and trades. Volume I. Uzbekistan. - Т.: “Sharq”, 1999.
- Болтаев А. Хоразм тарихи. 35-дафтар. Кўлёзма, 79-81 вараглар.
- Булатов С. Ўзбек халқ амалий безак санъати. — Т., 1991.
- Хива – минг гумбаз шаҳри. — Т. “Шарқ”. 1997.

РЕЗЮМЕ

В статье приведена информация о некоторых характерных сторонах прикладного искусства Хорезма.

RESUME

In the given article ideas about some characteristic features of applied arts of Khorezm are presented.

⁴ Булатов С. Ўзбек халқ амалий безак санъати. — Т., 1991. —303 бет.

АРХИТЕКТУРА

ХОРАЗМ ПАХСА ДЕВОР МЕЪМОРИЙ ЁДГОРЛИКЛАРИНИНГ ҚУРИЛИШ МАТЕРИАЛЛАРИНИ “НЕЙТРОН АКТИВАЦИОН ТАҲЛИЛ” УСЛУБИ БИЛАН ТАДҚИҚ ҚИЛИШ

**техн.ф.н., к.и.х. Дурдиева Г.С. -Хоразм
Маъмун академияси, ф.м.ф.н., к.и.х.
Курбанов Б.- ЎзР ФА Ядро физика
институти**

Жанубий Оролбўйи минтақасида жойлашган - Хоразм вилояти ва Қорақолпоғистон Республикасининг тарихий меъморий ёдгорликларига атроф-муҳит ва инсонлар фаолиятининг салбий таъсирларини ўрганиш, обидаларнинг муҳандислик қурилиш услубларини ва материалларининг таркибини илмий таҳлил қилиш жуда катта аҳамиятга эгадир. Айниқса, қадимги Хоразм уй-жой қурилишида антик даврдан то ҳозиргача фойдаланиб келинаётган пахса ва хом ғиштдан тикланган меъморий ёдгорликларнинг хусусиятларини, уларда қадимда ишлатилган элементларнинг таркиби нималардан иборат эканлигини ва ҳозирда ҳам аҳолининг 65 % и пахса девор уйларда яшаётганлигини эътиборга олсак биз олиб бораётган тадқиқот ишларининг аҳамияти янада ошади. Олиб борилаётган илмий тадқиқот натижасида антик давр, ўрта асрлар ва ҳозирги даврда тикланадётган пахса деворларнинг таркибини солиштириш ёрдамида аниқ хуносага келинади [1].

Эрамиздан олдинги VI асрга оид ноёб “Кат қалъа” пахса девор ёдгорлигининг пастки цоколь қисмига гидроизоляция ва сейсмоизоляция вазифасини ўтайдиган “қамиш” ётқизиқлар усталик билан кўйилган (1-расм). Ҳозирда ушбу тарихий обидалардан олинган намуналарни ЎзР ФА Ядро физика институтининг замонавий лабораторияларида таркиби ва структурасини

ядро-физик услублар ёрдамида аниқлаш ишлари давом этмоқда.



**1-сурат. Кат қалъа ва Дешон қалъа
пахса девор ёдгорликлари**

Нейтрон-активацион таҳлил услуги (НАТ) - табиатда мавжуд бўлган барча кимёвий элементларнинг атом ядроларини нейтронлар оқими билан бомбардимон қилганда ядроларнинг радиоактив холатга ўтишига асослангандир. Ҳар бир радиоактив элемент ўзига хос бўлган энергетик спектрда гамма-нурланиш чиқаради. Гамма-нурланиш спектрига қараб, нур чиқараётган қайси элемент атом ядросига тегишли эканлигини аниқлаш мумкин. Мазкур услугуб амалий ядро физикасининг ажралмас қисми сифатида шаклланди ва ҳозирги кунда ядро –

физикавий таҳлил услублари орасида етакчи ўринни эгаллаб турибди [2].

НАТ услугининг афзаликларидан қуидагиларни айтиб ўтиш жоиз. НАТ услуги ўта юқори сезгириликка эга. Масалан, баъзи элементлар миқдорини 10^{-9} % сезгирилгача ўлчаш мумкин. Нейтронлар оқими манбаи сифатида ядро реакторларида оғир элементларнинг занжир реакциясида ҳосил бўладиган нейтронлардан фойдаланилади. Ҳозирги кунда ВВР-СМ типидаги тадқиқот ядро реактори фақат Ўзбекистон Фанлар Академиясининг Ядро физикаси институтида фаолият кўрсатмоқда.

Тадқиқ қилинадиган намуналар одатда доимий вазнгача қуритилади, кейин майдалаб янчилади ва аралаштирилади. Нейтронлар оқимида нурлантириш учун намуналар махсус алюминийдан ясалган капсулаларга герметиклик таъминланиб жойлаштирилади. ВВР-СМ типидаги ядро реакторининг нейтронлар каналларига маълум муддатга жойлаштирилади. Нурлатиш вақти аниқланадиган изотопларнинг ядрорий характеристикаларига (яrim емирилиш даври-Т, аналитик пикнинг спектрда жойлашган ўрни аналитик пик энергияси, кэВ, ҳосил бўлиши мумкин бўлган бошқа изотоплар) боғлиқ равишда бир неча секунддан бир неча суткагача бўлиши мумкин.

Мазкур лойиҳада режалаштирилган ишлар, яъни кадимий Хоразмдаги меъморий ёдгорликлар намуналари –ғишт ва қоришма (Ичон қалъа, Дешон қалъа, Аваз Дунак девори, Қалажик қалъа ва ҳ.к.лардан олинган намуналар) хусусиятларини, жумладан улардаги элемент таркибини аниқлаш учун намуналар доимий вазнга келгунча печларда қуритилди ва майдаланди. Кукун ҳолатигача майдаланган намуналар яхшилаб аралаштирилиб, 5 мг вазнда Зтадан параллел вариантда пакетларга жойлаштирилиб капсулаланди. НАТ бир мунча афзаликларга эга, масалан, қисқа вақт давомида максимал активликни олиш мумкин, бу вақт мобайнида бошқа ўртacha ва узок яшовчи изотопларнинг хали

активлиги кам бўлади. Бундан ташқари таҳлил тезкор амалга оширилади. Камчилиги эса бунда ҳалақит берувчи изотопларнинг кўплиги ҳисобланади. НАТ услуги қуидаги босқичларда амалга оширилди:

Намуна тайёрлаш. Қаттиқ намуналар (кадимий архитектура ёдгорликлари намуналари - ғишт ва қоришмалар бўлаклари) майда кукун ҳолатигача майдаланиб доимий вазнгача қуритилди. Қуритиш учун лаборатория печкасидан фойдаланилади ва у ерда 80°C ҳарорат таъминланади. Намуналар оғирлиги 5 мг миқдорда юқори тозалиқдаги полиэтилен пакетларига жойлаштирилади. Ҳар бир намунадан 3 тадан параллел тайёрлаб махсус алюминий капсулага жойлаштирилади.

Нурлатилии. Уч хил режимда ўлчаш ишларини олиб борилишини ҳисобга олиб, 3 та капсула тайёрланди ва ядро реакторининг нейтронлар каналига жойлаштирилди. Ядро реакторининг мазкур каналларидаги нейтронлар оқими зичлиги 5×10^{12} нейтрон/ cm^2 сек га teng бўлган. НАТ услуги таққослаш услуги, яъни таркибидаги элементлар миқдори аниқ бўлган этalon намунага нисбатан тадқиқ қилинаётган намунанинг элемент таркиби ва элементларнинг миқдори ўлчанганлиги учун, капсулаларга этalon намуналар ҳам жойлаштирилди. 1-капсула 5 минут давомида, 2-капсула 3 соат давомида ва 3-капсула 12 соат давомида нейтронлар оқимида ушлаб турилди ва нурлатилди.

Радиоактив изотоплар чиқаридиган гамма-нурланиш CANBERRA (АҚШ) фирмасининг HPGe GC 1518 германий детекторидан, DSA 1000 рақамли анализатордан ва гамма-спектрларга ишлов берувчи Genie 2000 дастур пакетига эга бўлган персонал компьютердан иборат бўлган спектрометр ёрдамида ўлчанди ва таҳлил қилинди.

Нурланган намуналардаги яrim емирилиш даври 2 соатгача бўлганларини нурлатишдан кейин 0,5 соатга етказмасдан ўлчаш ишлари

амалга оширилди. Бунда қуидаги элементлар аниқланди:

Cl, Cu, K, Mg, Mn, Na.

Ярим емирилиш даври 1 суткагача бўлган изотопларни нурлатишдан кейин 12 соатдан кейин ўлчанди. Бунда қуидаги элементлар аниқланди:

As, Au, Br, Ca, Cr, La, Mo, Nd, Sm, U, Yb.

Узок яшовчи изотоплар 12 суткадан кейин ўлчанди ва таҳлил қилинди. Бунда қуидаги элементлар аниқланди:

Ba, Ce, Co, Cr, Cs, Eu, Fe, Hf, Lu, Ni, Rb, Sb, Sc, Sr, Ta, Tb, Th, Zn.

Юқорида келтирилган режимларда нейтрон-активацион таҳлил натижасида ўрганилаётган намуналарда имкон борича уларда мавжуд бўлган барча элементлар миқдори аниқланди, Қалажиқ ва Аваз Дунак пахса девор ёдгорлигидан олинган намуналарда 34 та элемент мавжудлиги аниқланди.

Адабиётлар:

- Герман А.Н. Строительная техника древнего Хорезма. /АКД. М., “Наука”. 1991.
- Пашкин М., Бессонов Б. Диагностика деформации памятников архитектуры. – М.: “Стройиздат”, 1984.

РЕЗЮМЕ

Данная статья содержит информацию о результатах исследований состава строительных материалов в глинобитных архитектурных памятников Хорезма с помощью метода нейтронно-активационного анализа.

RESUME

The article consists of information about examination of construction materials of mud wall architectural monuments in Khorezm with the method of neutron-activation analysis.